

С.А. СОҲИБНАЗАРОВ

ҚУРИЛИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

С.А.СОҲИБНАЗАРОВ


ҚУРИЛИШ ВА
КАЙТА ТИКЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ

(Касб-ҳунар коллежлари учун дарслик)



SHEROBOROQIYI VA XALQ
MUNARMANDLIGI KASB-ҲУНАР
KOLLEJIGA С МАХСУС
ТАҲБОРОТ РЕЙСИ
INV. № 3822529

ТОШКЕНТ – «МЕХНАТ» – 2001



ББК 38.6я722

С85

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Маркази илмий-методик
кенгашин томонидан нашрга тавсия этилган.*

Мазкур китоб уй-жой ва жамоат бинолари, саноат корхоналарини куриш
ва қайта тиклаш технологиясига бағишланган бўлиб, унда бино қисмлари
тўғрисида умумий тушунча, тиклаш ва бузиш усуслари,
фойдаланиладиган техника воситалари, техника хавфсизлиги бўйича
маълумотлар берилган.

Тақризчилар: Р.НОРОВ — техника фанлари номзоди, О.АКБАРОВ — Ҳамза
номидаги касб-хунар коллежининг директори,
Х.ЙУЛДОШЕВ — Тошкент миллий хунармандчилик
касб-хунар коллежининг директори.

1 1100000000-30
M 119(04)-2001 буюргма — 2001

ISBN 9 9854-1473-4

© «Меҳнат» нашриёти, 2001

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка әришгандан сүнг қурилиш ва ободончилик соҳаларида катта ўзгаришлар юз берди. Ҳар йили кўплаб жамоат ва уй-жой бинолари, саноат корхоналари, йўллар, кўприклар ҳамда бошқа муҳим иншоотлар қад ростлади. Айни вақтда олдин қурилган иншоотлар замон талабига мослаштирилиб, фан-техника ютуқлари асосида қайта таъмирланмоқда.

Қайта қуриш ишлари, асосан, корхона мулки маънавий ва моддий эскирганда амалга оширилади. Жиҳозларни маънавий эскириш муддатлари илмий-техник ривожланиши шароитида ўртача 7—8 йилни ташкил этади. Бинолардан фойдаланиш муддати одатда 80—100 йилни, иссиқ цехларнинг (металлургия) ишлаш муддати 40—60 йилни, айrim ҳолларда эса 30—40 йилни ташкил этади. Шундай қилиб, саноат биноларидан фойдаланиш даврида, унинг жиҳозлари 5—8 маротаба ўзгартирилади. Бундан ташқари, қурилмаларни кўтириш қобилиятини тиклашга эҳтиёж пайдо бўлади, у амалга оширилса бино ва иншоотларни узоқ йиллар ишлашини таъминлаб беради.

Қайта тиклашда ёрдамчи объектларни кенгайтириш, маънавий эскирган жиҳозларни алмаштириш ва корхоналарнинг технологик қисмлари мутаносибсизлигини бартараф этишга имкон яратилади. Бунинг натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва миқдори ошади.

Корхоналарни қайта қуриш, ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтирасдан, кам чиқум билан ва янги қурилишга нисбатан энг қисқа муддатларда амалга ошириш имконини беради.

Мазкур китобда саноат биноларини қуриш ва қайта тиклаш ишлари технологияси бўйича сўз юритилади. Жумладан, бино қурилмаларини кўчириш ва бузиш, бузиш усуслари, пойдевор асосларини кучайтириш, янгиларини барпо этиш, ер ости тармоқларини ётқизиш, қуриш, қайта тиклашда турли хил механизмлардан фойдаланиш, ишларни бажаришда техника хавфсизлиги каби масалалар атрофлича ёритилган.

Ушбу дарслик «Қурилиш ва қайта тиклаш технологияси» бўйича тасдиқланган намунавий режа ва дастур асосида ёзилган бўлиб, у касбхунар колледжлари талабалари ҳамда ўқитувчиларига мўлжалланган.

1. УЙ-ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ, УЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ

Бугун кишилик тарихи давомида одамлар уй-жойга муҳтоҷ бўлишган. Бунга уларнинг йиртқич ҳайвонлардан қочиб бошпана ахтариши, оби-ҳавонинг ўзгариб туриши (кор ёки ёмғир ёғиши, қуёшнинг қиздириши) ва ниҳоят дам олиб ҳордиқ чиқариш зарурияти сабаб бўлган. Инсон ўзининг ҳаётги давомида истиқомат қилиб турган уй-жойини янада қулай бўлишига ҳаракат қилган ва жамиятда тутган ўрнига қараб ташқи қиёфасини кўркамлаштириб, такомиллаштириб борган. Бунинг учун унга янги-янги иш қуроллари ва қурилиш материаллари керак бўлган. Бундан ташқари, биноларни янада кўркамлаштириш мақсадида янги технологик лойиҳаларни яратиш ва уларни амалга ошириш, бажариладиган ишларни янгича уюштириш муаммоси туғилган.

XXI асрда бунёд этиладиган бинолар баландлиги, ҳашаматлиги ва шакллари билан алоҳида ажralиб туради. Бундай биноларни яратиш учун катта-катта маблағ, ишчи кучлари, янги техник воситалар талаб қилинади. Шу билан бир қаторда, аввалги курилган уй-жой, жамоат бинолари замон талабига жавоб бериси учун уларнинг кўпчилигини бузмасдан қайта куриб ёки таъмирлаб фойдаланиш кўзда тутилган.

Курилиб фойдаланишга топширилган уй-жойлар коммунал хўжалиги бошқармалари томонидан, жамоат бинолари эса шаҳар, туман ҳокимликлари томонидан бошқарилиб, уларни таъмирлаш учун айнан юқорида кўрсатилган мутасадди бошқармалар масъулдилар.

Уй-жойларни таъмирлаш учун коммунал хўжалик бошқармалари аҳоли томонидан тўланадиган маблағларниң бир қисмини шунга сарфлайди. Таъмирлаш ишларини бошқармалар қисман ўз кучлари билан, қисман эса ихтисослашган қурилиш ташкилотлари ишчилари ёрдамида амалга оширадилар.

1.1. БИНО ҚИСМЛАРИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Инсон эҳтиёжини моддий ва маънавий томондан қониқтириш учун курилган ҳар қандай бино иншоот дейилади. Турли иншоотлар ичida кўриниши, белгиланиши билан умумий ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлган ҳамда алоҳида ўрин тутадиган бинолар турига уй-жойлар, мактаб, театр, гараж ва бошқалар киради. Шу

билин бир қаторда хоналари бўлмаган иншоотларни бинолар деб бўлмайди. Буларга кўпприклар, радиомачталар ва тўғонлар киради.

Бино ичи хоналарга бўлинади, хоналардаги бир хил баландликда жойлашган поллар биноларни қаватларга ажратади. Қаватларига қараб бинолар бир қаватли ва кўпқаватлиларга бўлинади.

Пиёдалар йўлкасига (тробуар) нисбатан хона полининг жойлашишига қараб ярим ергўали қават ёки цокол қават дейилади. Том баландлигига барпо этилган қават мансардли қават ҳисобланади.

Ташқи деворларни тиклашда фойдаланилган материалга қараб гиштдан (табиий ва сунъий тош) ва ёғочдан барпо этиладиган бинолар бўлади.

Бинолар фуқаро, саноат ва қишлоқ хўжалиги биноларига ажратилади:

Фуқаро биноларига инсоннинг майший ва маданий эҳтиёжларини таъминловчи бинолар киради. Буларга уй-жой, мактаб, касалхона, театр, вокзал, магазин ва корхоналар киради;

Саноат биноларига фабрика, завод, устахона, электростанция, паровоз деполари киради;

Қишлоқ хўжалиги биноларига молхона, иситиш хоналари, маҳсулотларни сақловчи бинолар киради.

Бинонинг асосий қисмларини қўйидаги гурӯҳларга бўлиш мумкин:

а) кўтарувчи — бинода пайдо бўладиган юкларни қабул қилувчи;

б) хоналарни бир-биридан ажратувчи, об-ҳаво таъсиридан ҳимоя қилувчи ва хоналарда маълум ҳароратни таъминлаб берувчи ҳимоя қисмлари;

в) юқорида кўрсатилган икки қисмларни, яъни кўтарувчи ва ҳимоя қатламларни ўз ичига олувчи қисмлар киради (1-чизма).


Бинонинг асосий қисмларига (ёки элементларига) пойdevорлар, девор қопламалари, ораёнмалар, алоҳида таянчлар, том, зинапоя, ойна ва эшиклар киради.

Пойdevор бинонинг ер ости қисми бўлиб, у асосдан бошланиб бино юкини кўтариб туради.

Тупроқнинг табиий ҳолатдаги қатлами асос бўлиб хизмат қиласди. Пойdevорнинг пастки юзасини пойdevор товони дейилади. Ер юзасидан пойdevор товонигача бўлган тик баландликни пойdevорни ётқизиш чуқурлиги деб аталади.

Девор хоналарни ташқи бўшлиқдан ёки бошқа хоналардан ажратиб туриш учун хизмат қиласди. Пойdevорга таяниб ўзини оғирлигидан ташқари бошқа қисмлардан юкларни қабул қилиб пойdevорга узатиб берувчи деворларни кўтарувчи деворлар дейилади.

Ораёнмалар деб, бино ичини баландлиги бўйича қаватларга ажратувчи қисмларига айтилади. Ўзларининг жойлашишига қараб ораёнмалар қаватлараро **ораёнмалар** (бинони қаватларга ажратиб турув-



I-чизма. Күттарувчи девори гиштдан бўлган бинонинг асосий курилма қисмлари:

1—пойдевор товони; 2—ертўла ораёпмаси; 3—пойдеворлар; 4—шип; 5—пастки ораёпма; 6—пол ости қисми; 7—пардевор; 8—ўз оғирлигидан туҳадиган юк; 9—қаватлараро ораёпма; 10—ички узунаси бўйлаб девор; 11—девор; 12—ойна ўрни; 13—рахи; 14—том ораёпмаси; 15—том; 16—стропила тўсими; 17—том тўшами; 18—тутун трубаси; 19—зонти; 20—конёк прогони; 21—тиргович; 22—устун; 23—конёк; 24—шамоллатиний ойнаси; 25—рахи; 26—маэрлат; 27—ойна тавақаси; 28—эшик тавақаси; 29—кириш супачаси; 30—цокол; 31—ертўла; 32—ер ости курилмаси; 33—зичланган тупроқ.

чи) ва энг юқори қаватни томдан ажратиб турувчи ораёпмаларга, яъни том ораёпмаларига бўлинади. Пастки қаватни (тупроқ қатламидан ажратиб турувчи қаватни) ажратиб турувчи ораёпмага ертўла устки ораёпмаси дейилади.

Алоҳида таянч қисмларига устунлар киради. Уларнинг асосий вазифаси ораёпмаларни, томларни, айрим пайтларда деворларни уш-

лаб туриш ва улардан тушадиган юкларни пойдеворга узатиб беришdir.

Ораёпмалар түғридан-түғри устунларга, кўп ҳолатларда эса устунларга ётқизилган түсингларга (прогон) таяниши мумкин. Устун ва прогонлар бинонинг ички синчларини ташкил этади.

Бинонинг томи об-ҳаво намлигидан, қуёш нурларидан ва шамолдан ҳимоя қилувчи қисмдир. Унинг юқори, сув ўтқазмайдиган қисмiga том тўшамаси дейилади.

Пардеворлар деб, деярли қалин бўлмаган ва қават оралиғида биноларни бир-биридан ажратиб турувчи деворларга айтилади.

Зинапоялар қаватларни бир-бири билан боғлайди. Одатда зинапоялар алоҳида хоналарга ўрнатилган бўлиб, бундай хоналар зинапоялар катаги дейилади.

Хоналарни табиий ёруғлик билан ёритиш учун ойналар, хоналарни бир-бирлари билан боғлаш учун эшиклар ўрнатилади. Айрим ҳолатларда бино ичига катта-катта жиҳозларни ёки транспорт воситаларини олиб киришда дарвозалардан фойдаланилади.

1) БИНО ҚИСМЛАРИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР МАВЗУСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Пойдеворнинг асосий вазифаси нималардан иборат?
А—бутун бино оғирлигини қабул қилиб, тупроққа узатиб бериш;
Б—бинонинг ер ости қисмини ушлаб туриш;
В—бинони ер ости сувларидан муҳофаза қиласди;
Г—пойдевор устуни бинолар учун керак.
2. Бинонинг синчи деб қайси қисмини айтадилар?
А—бинонинг девори;
Б—бинонинг пастки қисмлари;
В—бинонинг алоҳида таянчлари ва том ёпмалари;
Г—бинонинг алоҳида таянчлари;
Д—бинонинг том ёпмалари.
3. Бинонинг асоси нима?
А—бинонинг поли;
Б—бинонинг пойдевори;
В—бинонинг пойдевори остидаги тупроқ қисми;
Г—бинонинг устуни ёки девори;
Д—бинонинг томи.
4. Бинонинг томи қандай вазифани бажаради?
А—хоналарни ёпиб туриш учун;
Б—бино қисмларини об-ҳаво таъсиридан муҳофаза қилиш учун;
В—бинони шамол таъсиридан муҳофаза қилиш учун;
Г—бинони қуёш таъсиридан муҳофаза қилиш учун;
Д—бинони ёмғирдан муҳофаза қилиш учун.

2. ҚУРИЛИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Фаолият күрсатаётган корхона, уй-жой, мактаб, саноат биноларини қайта тиклаш технологияси янги қуриладиган қурилиш технологиясидан қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Қайта тиклаш ёки биноларни таъмирлаш ишлари корхона ишчилари ишлаб чиқариш ишлари билан банд жойларда бажарилиши туфайли, янги қурилишда қўлланиладиган анъанавий усусларни қўллаш қийин бўлади.

Кўпгина ҳолатларда кучли ёнгин ва портлаш хавфи туғиладиган зоналарда бажариладиган ишларни тўлиқ механизациялаштиришга имкон бўлмайди. Таъмирлаш зоналарида технологик жиҳозлар ва муҳандислик тармоқларининг кўплиги анъанавий усусларни қўллашга имкон бермайди. Бундай ҳолда жиҳоз ва тармоқларни маҳсус ҳимоялашга тўғри келади. Ишларни кўп сменалик усууда бажариш тавсия этилади. Шу билан бир қаторда ишларни бажариш учун индустрӣал қурилмаларни қўллаш, жумладан, кичик габаритли (ўлчамли) универсал механизмлардан фойдаланиб, атроф-муҳитни ифлослантирумаслик кўзда тутилади.

Қайта тиклаш ёки таъмирлаш ишларини бажариш учун ИБЛ (ишларни бажариш лойиҳаси) ишлаб чиқилади. Бундай лойиҳаларда қайта тиклаш ёки таъмирлашда ишларни бажариш хусусиятларини муайян шароитлар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилишини алоҳидага таъкидлаш зарур.

2) ҚУРИЛИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ МАВЗУСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Қайта тиклашда қандай муаммоларни биринчи галда ҳал қилиш зарур?
 - А—бинони қайта тиклаш учун кетадиган қацитал маблагни;
 - Б—биноларни қайта тиклаш муддатини;
 - В—қайта тиклашда жалб этиладиган воситаларни;
 - Г—бинонинг синчлари қандай материаллардан қурилганини;
 - Д—юқорида кўрсатилган ҳамма муаммоларни.
2. Бинони тиклашда иш технологиясини ва машина-механизмларни танлашда нимага эътибор берилади?
 - А—бинонинг маънавий ҳолатига;
 - Б—бинонинг баландлигига;
 - В—қайта тиклашни тор жойларда бажарилишига;
 - Г—қайта тиклашга жалб этилган ишчиларга;
 - Д—об-ҳаво шароитига.
3. Тор жойларда гишт терувчининг иш унумдорлиги нега паст бўлади?
 - А—иш жойининг қоронғилиги;

Б—ишчининг топ жойда туриши;
В—иш жойида ҳаво етишмаслиги;
Г—иш жойининг ифлослиги;
Д—об-ҳаво таъсири.

3. БИНО ҚУРИЛМАЛАРИНИ КЎЧИРИШ ВА БУЗИШ

Қайта тиклаш ишларини бажарищда асосий иш ҳажми бино қурилмаларини кўчириш ва бузиш билан боғлиқ бўлади. Бундай ишлар катта меҳнат талаб этиши билан ажralиб туради ва бу қайта тиклаш ишларини бажариш муддатига маълум даражада таъсир қиласи.

Қурилмаларни бузиш тушунчаси бинонинг қандайдир бир қисмини (элементини) ёки қурилмаларини кўчириш, қурилиш ишларини бажариш учун иш жойларини бўшатиш ва тозалаш, ишлатишга яроқсиз қисмларни олиб чиқиб жиҳозланган маълум бир жойга олиб боришни ўз ичига олади.

Биноларни бузишида ҳар қандай усулни қўллаб бўлмайди. Бузиш жараёнида чанг пайдо бўлишнинг олдини олиш кўзда тутилиши зарур. Шу мақсадда бузиш жараёнида юқоридан пастта ташишда, транспорт воситаларига ортишда ва туширишда чиқиндиларга сув пуркаб туриш зарур. Ишлар юқори қаватларда олиб борилганда чиқиндиларни ёпиқ қувурлар ёки тарновлар (вактингчалик чиқиндилар ташлаш қувурлари) орқали ташлаш рухсат этилади.

Ҳар қандай бузиш ва кўчириш ишларини амалга оширишдан олдин ИБЛ тузилади. ИБЛни тузишдан олдин эса бинонинг кўчириладиган ва бузиладиган қисмлари ўрганилади ва шу асосда қурилмаларни жисмоний ҳолати, уларнинг ўлчамлари, оғирлиги, қурилмаларни бир-бирлари билан боғлиқлиги, ишларни бажариш усулларини танлашга таъсир қилувчи ҳолатлар кўриб чиқилади.

Кўчириладиган, таъмирланадиган бинони ўрганиб чиқишида лойиҳа институти мутахассислари, буюртмачи ва пудратчи вакиллари қатнашадилар ҳамда пудратчига топшириш муддатларини, шу билан бирга буюртмачи томонидан ишни пудратчига топшириш муддатлари ҳам белгиланади.

Бинонинг бирон-бир қисмida кўчириш ва бузиш ишларини бажаришдан олдин ички мұхандислик тармоқлари (электр, сув иситиши тармоқлари) таъминловчи манбадан узилган бўлиши керак. Бу ишларни буюртмачининг тегишли хизматчилари амалга оширади. Сўнг буюртмачи пудратчи ташкилотга бинонинг таъмирланадиган ёки қайта тикланадиган қисмida мұхандислик тармоқлари узилганлиги тўғрисида маълумот бериши керак.

Ишларни бажаришдан олдин пудратчи ва буюртмачи биргаликда узилган тармоқларни ҳақиқатан ҳам узилганлиги тўғрисида, иш-

ларни бажариш майдончасида корхонанинг ҳеч қандай жиҳози, маҳсулотлари йўқ эканлигига ишонч ҳосил қилишгач, пурратчи ишларни бажаришга киришади.

3) БИНО ҚУРИЛМАЛАРИНИ КЎЧИРИШ ВА БУЗИШ МАВЗУСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Биноларни қайта тиклашда унинг ҳолатини ўрганиб чиқиш шартми?
А—ҳа;
Б—йўқ;
В—шароитта қараб;
Г—бинони кўринишига қараб;
Д—юқоридан кўрсатма бўлса.
2. Кўп қаватли биноларни кўчириш ёки бузиш ишлари дастлаб нимадан бошланади?
А—қурилмаларни ажратиш нуқталарини белгилашдан;
Б—қурилмаларнинг материалларини аниқлашдан;
В—бузиш дастгоҳларини танлашдан;
Г—ишларнинг нархини аниқлашдан;
Д—бузиш учун техник воситаларни аниқлашдан.
3. Кўп қаватли бино қисмларини кўчириш ёки бузишда ишни нимадан бошлаш керак?
А—технологик ва маҳсус (электр ва кам қувватли тармоқларни) жиҳозларни кўчиришдан;
Б—горизонтал ва вертикал қурилмаларни кўчиришдан;
В—рельс йўллари, зинапояларни кўчиришдан;
Г—эшик, дарваза, витражларни кўчиришдан;
Д—пойдеворларни кўчиришдан.
4. Фиштли деворларни нокулай жойларда бузишда қандай воситалардан фойдаланиш мумкин?
А—кран, сўри ва кўчириш техникаларидан;
Б—лом, енгил кувалда, пона ва киркаладан;
В—уриб парчаловчи болгалардан;
Г—портлаттич моддалардан;
Д—уриб парчаловчи юклардан (шарлардан).

4. ҚУРИЛМАЛАРНИ БУЗИШ УСУЛЛАРИ

Бино ва иншоот қисмлари кўйилаги усуслар билан бузилади: алоҳида қисмларга ажратиб ва яхлит блоклар кўринишида. Алоҳида қисмларга ажратиб бузиш кўлда ёки кўл машиналари ёрдамида амалга оширилади. Алоҳида қисмларга ажратиб бузишдан мақсад материялларни имкони борича сақлаб, иккиласмачи марта фойдаланишидир.

Энг ноёб декоратив ёғоч ва металл пардоzlаш қурилмалари кўл кучи ёрдамида қўпориб олинади. Фишт ва ҳарсангтош қурилмаларни ўса кўл билан кўчириш, иш ҳажми катта бўлмаган тақдирда ва бундай қурилмаларни кўчиришда бошқа усуllарни қўллаш иложи бўлмаганида амалга оширилади.

Қўл машиналари билан қурилмаларни бузганда уриб синдирадиган болғалар (отбойный молоток), ломлар ёрдамида амалга оширилади. Сиқилган ҳаво ёрдамида ишлатиладиган кўл машиналари доимий ўрнатилган ускуна ва қайта тикланадиган бинонинг ҳаво тақсимловчи тармоғидан фойдаланиб ишлатилади. Агар бунга имкон бўлмаса, кўчма компрессорлардан фойдаланилади. Қурилмаларни бузишда электр қўл болғалари ҳам қўлланилади. Шундай болғалардан бири ИЭ-4211 бўлиб, унинг уриш қуввати 0,25 Ж, уриш тезлиги минутига 1080 ва истеъмол қилиш қуввати 1,05 КВТ; ишлатиладиган ток уч фазали, кучланиши 220 В, кабелсиз ва учки қисмисиз оғирлиги 21 кг келади.

Яхлит блок усулида бузиш алоҳида қисмларга ажратиб бузишга нисбатан қатор афзаликларга эга, жумладан иш муддатлари 1,5—2 марта қисқаради. Мехнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш маданияти ва хавфсизлиги ўсади.

Ишларни бошлашдан олдин қурилмаларнинг ажратиш нуқталарини алоҳида қисмларга ажратиш чизмасига мувофиқ белгилаб, вақтинчалик қурилмаларни мустаҳкамловчи ҳимоя воситалари ўрнатилиб чиқилади.

Энг аввало, технологик ва маҳсус жиҳозлар, электр ва кам қувватли электр тармоқлари кўчирилади. Бу кўчириши ишларини одатда баланддан пастга кўйидаги тартибда олиб борилади:

технологик қурилмаларни (муҳандислик тармоқлари, мачта, таянч, жиҳозлар тагига ўрнатилган этажеркалар);

тўсиқ қурилмаларни: горизонтал йўналишда (поллар, том тўшамаси, ораёпмалар), вертикал йўналишда (дарвоза, эшик, ойна, витраж ва кўтарувчи ташки ва ички деворлар);

маҳсус қурилмаларни (зинаюя, томоша супалари, пандуслар, шахталар, галерея, рельс йўллари);

кўтарувчи қурилмаларни: горизонтал йўналишда (фонарлар, том ва ораёпма қопламлари, ферма, ригел, кран ости тўсинлари); вертикал йўналишда (девор, устун ва таянчлар) туннеллар, ертўлалар ва пойдеворлар.

Бир қаватли биноларни бузиш кетма-кетлик усулида, алоҳида қисмларга ажратилиб бутун бино бўйлаб, яъни комплекс, бунда бинони секцияларга бўлиб ва мураккаб усулда олиб борилади.

Кўп қаватли биноларни қаватлар бўйлаб секцияларга ажратиб ёки бутун бино узунаси бўйлаб бузиб борилади.

Электр тармоқларини плафонларни, патрон, ёритқич, розетка ва шитларни күчиришдан бошлаш керак. Күчирилган симлар текисланиб бухталарга ўралиб чиқилади.

Күчирилган муҳандислик тармоқлари ёки жиҳозлари электр ёки газ кесиши усули билан алоҳида қисмларга бўлинади.

Ҳамма күчирилган муҳандислик жиҳозларидан (раковина, умивальник, ванна, унитаз, ювиш бочоги, марказий иситиш тизими-нинг иситиш асбоблари, сувдан фойдаланиш кранлари ва бошқалар) кейинчалик фойдаланиш мақсадида яроқлilари ажратилиб олинади.

Томлар одатда икки босқичда күчирилади:

Аввал, том қатлами, кейинчалик эса — асосий кўтарувчи қисмлари күчирилади.

Күчириш ишлари бино оралиғи бўйлаб томларни энг баланд қисмидан бошланади. Күчирилган материаллар бадъяларга (пўлат тунукасидан ясалган қути) солиниб, кран ёрдамида пастга туширилади ёки ётиқ тарновлар орқали маҳсус қабул қутиларга туширилиб, кейинчалик олиб чиқиб кетилади.

Доналик материаллардан қопланган том қопламаларини алоҳида, уларни барпо этишда қабул қилинган қоидага тескари ҳолда күчирилади. Бундай қоида билан оҳиста, батартиб иш олиб борилса, күчириладиган материалларнинг 80—85% гача қисмини сақлаб қолиш мумкин.

Кейинчалик эса том қисмларини күчириш конёдан бошланиб, сўнг оддий тунукалар, лоток ва ушлагичлар кўчирилади.

Том тунукаси асбестцемент қисмлари тўлиқ бузиб бўлингандан сўнг күчирилади.


Тунукали томларни күчириш трубалар ёнидан ва бўртиб чиққан қисмидан ажратилади. Тунукали томларнинг оддий тунукаларини күчиришда икки усулни кўллаш мумкин.

Биринчисида — обрешёткалардан кляммерларни ажратиб олиб, отвёртка ёки лом ёрдамида томнинг бутун қиялиги бўйича биринчи қатордаги тунукаларнинг фальцлари очилади ва уларни лом ёрдамида ёнбошига афдарилади, шундан сўнг бошқа қаторлар очила бошланади.

Иккинчисида — турғун фальцлар том қайчиси ёрдамида қирқишиб, кейинчалик ётиқ фальцлар очилади ва тунукалар рулонларга йигилади. Колган том қисмлари (паралет панжараси, очиқ нов воронка, тарнов ва свеслар) обрешёткалар кўчириб бўлингандан сўнг кўчирилади.

Ёғоч стропилаларни алоҳида қисмларга бўлиб, күчириш тартиби 2-чизмада кўрсатилган.

Ёғоч қурилмаларини бутунлай кўчириб олиш мумкин. Бунда юк кўтарувчи механизмлар ёрдамида қамровлаб олинниб, таянч қисмлари кўчириб олинади.



2-чизма. Ёғоч стропилаларни күчириш:

а—бир қиялик; б—икки қиялик дөврләри симметрия ҳолда жойлашган.

Елимланган ёғоч том түсінлар кран ёрдамида күчириб олинади. Агар кран ёрдамида күчириш мүмкін бўлмаса, лебёдкалар ёрдамида (агар блок лебёдкаларни осиш мүмкін бўлса) күчириш тавсия этилади.

Кўп қаватли биноларни қайта тиклашда кўпгина ҳолларда қўйма темир бетондан тайёрланган, гумбаз кўринишидаги гиштдан бўлган металл түсінлар, ёғоч ёки бетон билан қопланган ораёпмаларни күчиришга тўғри келади.

Ораёпмаларни кўчиришдан олдин уларни текшириб чиқиш зарур, бунинг учун айрим жойларда поллар очилади. Текшириш ва ўлчаш натижалари ИБЛни тузиш учун бошлангич маълумот бўлади.

Ёғоч полларни кўчириш зарурияти туғилганда биринчи навбатда юза қопламини кўчиришдан бошлаш керак. Агар юза қоплами цемент, бетон ёки асфальтдан бажарилган бўлса, бундай полларни бутун қалинлиги бўйлаб кўчириш зарур.

Металл түсінли ораёпмаларни оралиғи фиштдан гумбаз кўринишида бажарилган бўлса, бундай ораёпмаларни түсінларга нисбатан кўндаланг кенглиги 2 м ва узунлиги бутун ораёпма узунлигига кўчириш керак.

Агар ораёпмаларни кўндалангига кўчириш имкони бўлмаса, бундай ҳолларда ораёпмаларни түсінлар оралиғида ва икки ёнмана түсінлар орасига тирговичлар ўрнатилган ҳолда амалга оширилади. Тирговичлар диаметрлари 16—18 см ли ёғочлардан иборат бўлиб, уларни ҳар 2—3 м оралиқда түсін узунлиги бўйича ўрнатилади. Гумбазли фишт ораёпмаларини кўчириш ёғоч тўшамалар устидан олиб борилади. Цемент қориши масида ва цемент оҳакли қориши мада терилган фишт қийин кўчирилади. Бунда фишт қотган қориши маънни бўлгани билан кўчади. Бундай ҳолларда фиштларни кўчиришда кўл машиналарини қўллаш зарур.

Фишт деворлар одатда, сўрилардан туриб кўчирилади. Кўпинча инвентар трубкали сўрилар кўлланилиб, уларни бузиладиган деворларга типик лойиҳалар асосида қотирилади. Бунинг учун анкерларни ёғоч пробкаларга шлямбурлар ёрдамида ўйилган уяларга кўндирилиб деворларга қотирилади.

Деворларни кўчирища инвентар пробкаларни ўрнатиш кетма-кетлиги ИБЛ (ишларни бажариш лойиҳаси)да таърифланган бўлиши керак.

Тор жойларда фаолият кўрсатаётган цехларнинг фишт девори қаторлар бўйлаб лом, енгил кувалда, пона ва киркалар ёрдамида ёки ярим механизациялаштирилган уриб синдирадиган болгалар ёрдамида кўчирилади.

Деворларни қалинлиги, мустаҳкамлиги ва кўлланиладиган дастгоҳга қараб, икки ёки уч қатор баландликкача кўчирилади. Кўчирилган фишт, қурилиш чиқиндилари сўриларда ўрнатилиган аравача ва металл кутиларга солиниб, кранлар ёрдамида пастга туширилади. Кўчирилган материалларни ёпиқ тарновлар ёрдамида қабул қилиш бункерларига етказиб берилади. Фишт деворларини имконият бўлганда яхлит блоклар кўринишида кўчириш зарур. Блокларни маҳсус қамровлар ёрдамида тушириб, кейинчалик дискофрезар машиналари ёки кўл кучи билан уриб синдирувчи болгалар ёрдамида гиштлари кўчирилади.

Девор қисмларини кўчириш билан бир қаторда бинолардан фойдаланиш даврида унинг турғунлигини таъминловчи лойиҳада кўрсатилган қотирмалар ва боғлагичлар кўчирилади. Шу туфайли кўчириш давомида бино девори ИБЛда ишлаб чиқарилган чоралар асосида вактинчалик мустаҳкамланади.

Ишларни бажариш давомида иш зонасига ёт одамлар кирмаслиги учун у ер ёпиб қўйилиши зарур.

Агар деворнинг кўчириладиган қисми қоронғи участкаларда жойлашган бўлса, ишчи жойлари ёритқичлар ёрдамида ёритилиши керак. Кўп қаватли саноат биноларини фишт деворлари юқорида кўрсатилган усул билан ички қурилмалар кўчириб бўлгандан сўнг кўчирилади. Кўчирилган материаллар ва механизмлар билан ораёпмаларни ортиқча юкланишига йўл кўймаслик керак. Биринчи қаватга кўчирилган материаллар юқ лифтлари ва ёпиқ ёғоч тарновлар ёрдамида туширилади. Кўчириш жойидан лифт ва тарновгача маҳсус тахталар устидан аравачаларда ташиб ўтилади. Тарновлардаги чиқиндилар маҳсус шибер затвори орқали самосвалларга ортилади.

Шпунтли тахтадан тайёрланган тоза полларни кўчирища биринчи бўлиб плінтус, галтел, сўнг фризли тахталар кўчирилади. Пол тахталарини кўчирища синдириб юбормаслик учун, тахталарни қисман лагадан кўчириб, кейин михлари суғуриб олинади. Ёғоч тахтадан полларни кўчирища ҳар 1,5—2 м оралиқда 2—3 та тахтани

қолдириш зарур. Улар материалларни ташиб ўтиш ва ишчиларни ҳаракат қилиши учун хизмат қилади.

Шитли паркетлар яхлит шитлар күринишида күчирилади. Күчириш учун шитларни бирлашган қисмлари циркуляр арралар билан кесилиб, ломлар билан күтариб олинади.

Бинолар ва ишшоотларни күчиришда кең күламда ўзи юрас (автомобил шассисига ўрнатилган ва электр ўтказгичли) вишкалар күллана-ди ёки таhta йўлакларда ҳаракат қилувчи кўл вишкалари кўлланилади.

Баландликда бажариладиган кўчириш ишларини деворнинг ташқи томонига қўндирилган консолларга осилган люлкалардан туриб бажариш мумкин. Италиянинг «Турбоэкспорт» фирмаси томонидан ўлчамлари ҳар хил бўлган ўз-ўзини кўтарувчи сўрилар ишлаб чиқарилган (1-жадвал).

1-жадвал

«Турбоэкспорт» фирмаси томонидан ишлаб чиқариладиган ўз-ўзини кўтарувчи сўриларнинг асосий ўлчамлари

Маркаси	Энг кўп юк кўтариш қобилияти, кг	Юқорига энг кўп юк кўтариш қобилияти, м	Тарҳдаги энг катта супачаси, м	Маркаси	Энг кўп юк кўтариш қобилияти, кг.	Юқорига энг кўп юк кўтариш қобилияти, м.	Тарҳдаги энг катта супачаси, м
ТМ-230	1000	30	11x1,25	Тм-30	300	30	3x1,25
T2100	200	100	17/20x1,3	T-100	1000	100	3,5x1,5
T3100	200	100	29/35x1,3				

Ўз-ўзини кўтарувчи сўрилар ишчи ҳолатида икки вертикал, тўртта узайтириладиган фидиракли рамага таянадиган устунлардан ташкил топган. Ҳар бир устунда тишши рейка, фидиракли рамаларда эса электрзурватгич редуктор жойлаштирилган. Шу ўринда ўз-ўзини кўтарувчи сўрилар йигиладиган сўрилар олдида афзаллигини таъкидлаб ўтиш зарур.

4) ҚУРИЛМАЛАРНИ БУЗИШ УСУЛЛАРИ МАВЗУСИ БҮЙИЧА САВОЛЛАР

1. Ишлаб турган цехда қурилмаларни бузиш ёки кўчиришдан олдин қандай хужжат тўлғазилган бўлиши шарт?

А—ишларни бажариш журнали;

Б—цех бошлиги ва масъул бажарувчи томонидан тасдиқланган наряд-допуск (руҳсатнома);

В—ишларни бажариш лойиҳаси;

Г—ишларни бажариш юзасидан тавсиянома;

Е—ишларни бажариш муддатини кўрсатувчи жадвал.

2. Курилмаларни бузиш ёки қўчиришда бузиладиган бинонинг баландлиги бўйича бир вақтнинг ўзида икки ярусда туриб ишлаш учун қандай қоидага риоя қилиш керак?

А—максус ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлиши;

Б—максус мосламалардан фойдаланиши;

В—максус тиббий қўриқдан ўтказиш;

Г—қурилишни олиб борувчи мастьул шахснинг рухсати;

Д—лойиҳа ҳужжатларининг мавжудлиги.

3. Тор жойларда бузиш ва қўчириш ишларини унумли олиб боришда муҳим шарт нима?

А—ищчиларни маблағ билан таъминлаш;

Б—ищчиларни ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

В—ищчиларни таъминлаш ва уларни психологик тайёrlаш;

Г—иш курилмаларини тўғри танлаш;

Д—ишлатадиган механизmlарни тўғри танлаш.

4. Электр манбадан ишлайдиган кўчма қўл дастгоҳларидан фойдаланишдан олдин, уларни қандай текширишдан ўтказиш зарур?

А—тармоқ кучланиши билан дастгоҳга тегишли кучланишнинг мослигини;

Б—дастгоҳни ерга уланадиган сими ва таъминловчи симини муҳофазаланганини;

В—тармоқ симларининг муҳофазаланганини;


Г—тармоқда ток мавжудлигини;

Д—дастгоҳларининг техник-ҳужжатларини.

4.1. ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН КОРХОНАЛАРДАГИ КУРИЛМАЛАРНИ БУЗИШ УСУЛЛАРИ


Қайта тикланадиган корхоналар қурилмаларини улар маънавий эскирганда, меҳнат унумдорлиги пасайганда ва қўчириш имконияти бўлмаганда бузишга тўғри келади. Техник қайта жиҳозланадиган ёки қайта тикланадиган ҳаракатдаги корхоналарнинг қўчириладиган қурилмали, ишлаб чиқариш шароити ва хусусиятига мувофиқ тўлиқлигича ёки қисман бузилади. Бунда ишлаб чиқариш корхонасида бузиш воситаларининг бўлиши, кўтариш-тушириш воситаларининг кўтариш қобилиятлари талабга жавоб бериши инобатга олинади. Материаллари бутунлай бузиладиган қурилмаларга бетон ва темир-бетондан (200 ва 300 маркали бетондан тайёrlанган ва ундан ҳам каттагар) қилинган пойдеворлар киради. Қисман материаллари бузиладиган қурилмаларга бино синчининг қисмлари — устун, кран ости тўсинлари, стропила ости тўсинлари, тўсинлар, ригел, рамалик

ва панжаралик фазовий қурилмалар, томонлари 400x400 мм ли ва ундан катта бўлган қозиқоёқлар, таянчлар ва миноралардан фойдаланилади. Қисман ёки тўлиқ материаллари бузиладиган қурилмаларга бетон асослар ёки қалинлиги 200 мм гача бўлган поллар, фишт деворлар ва пардеворлар, бетон ва темир-бетон том қопламаси ва ораёпмалар киради. Қуйма бетондан тайёрланган қурилмаларни бузиш учун (аосан пойдеворлар) уриб синдирадиган воситалар қўлланилади. Қуйма ва йигма темир-бетон қурилмаларининг синч қурилмалари — рамалар, қозиқоёқ, таянч, минора ва бошқаларни бузиш учун қисмларга ажратувчи воситалардан фойдаланилади. Улар ёрдамида қурилмалар қисмлари транспорт воситаларига юкланиб, олиб чиқиб кетишга имкон берадиган ҳолатида кесилади ва белгиланган жойга тахланиб қўйилади. Қурилмаларни бузиш воситаларига пона ва шар болғалар, импульс сув сепгичлар, уриб синдирадиган болғалар, бетон бузгичлар, понали ёриб синдирувчилар, портлатгич моддалар, гидропортлатгич, электртурғи, ВН-2 портлаш генератори киради. Қисмларга бўлувчи воситаларга қўлпармалаш машиналари, пармалаш станоклари, қозиқоёқларни ички қисмларини кесувчи гидравлик мосламалар, электр жўяқ тортувчи кислород найзаси, газ оқувчи кукун-кислородли найза, кукун-кислородли кескич, реактив оқимли горелка, плазмати кесувчи мослама ва электрёйли эритувчи мосламалар киради. Фишт, бетон ва темир-бетон ораёпмаларни бузишда пона-болға ва шар-болғалар ҳам қўлланилади (З-чиизма).



Курилмаларни уриб бузиш усуличинг асосий камчилиги шундан иборатки, юкларни тебратиб ташлашда, кўтаришда катта динамик юқ пайдо бўлиши натижасида машиналарнинг қисмлари тез ейилиб кетади. Айрим бино ва иншоотларни бульдозер ёки тракторлар ёрдамида бузиш қўйидаги усулда бажарилади: бино деворлари асосий қисмлардан олдиндан ажратиб олинади. Агар узунаси бўйлаб терилган гишт деворлар кучсиз қоришимдан терилган бўлса, уларни юқори бўйлаб қисмларга ва кўндаланг деворлардан ажратмасдан кўчирилади. Юқори бўйлаб ажратиш жойларини шундай белгилаб кўйиш керакки, улар белгиланган вақтдан илгари бузилиб кетмасин. Ажратиш учун ойна ва эшик ўриниларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Пўлат боғлагичларни автогенлар ёрдамида кесиш керак. Ажратиладиган деворларни ажратишдан олдин пўлат арқонлар билан боғланади. Арқоннинг бир уни деворнинг устки консол қисмига, иккинчиси тракторнинг илмоғига боғланади. Трактор ёрдамида арқонни тортиб девор бузилади. Бинонинг бошқа курилмалари ҳам трактор ёрдамида бузилади. Пўлат арқоннинг диаметри 19—27 мм бўлади. Арқоннинг узунлиги шундай бўлиш керакки, унинг ишчи қисми бузиладиган деворнинг баландлигидан икки баравар, бутунлай узунлиги эса бузиладиган деворнинг баландлигидан уч баравар (боғлаш узунликларини ҳисобга олиб) узун бўлиши керак. Арқоннинг уни ҳалқасимон қилиб деворни пастки қисмига ва бузиладиган деворнинг ўргасига, шунингдек, деворни устки қисмидан тракторга мустаҳкамланиши зарур. Бульдозер девор юзасига нисбатан перпендикуляр ҳолатда турди. Бульдозер секин олдинга қараб ҳаракат қилиб арқонни торта бошлайди. Бульдозер ҳайдовчиси бироз деворни тортгандан сўнг, олдинга қараб ҳаракат қилиб деворни кулатади. Агар деворни тебратганда натижа чиқмаса, тебратишни қайтариш зарур. Кулатилган девор қисмлари экскаватор ва автомобил кранлари ёрдамида ажратиб олинади. Агар девор мустаҳкам бўлса, уни олдиндан кулатиш томонидан дискалик кесувчи машина ва уриб синдирувчи болғалар ёрдамида кесиш зарур, кесиш чуқурлиги одатда деворнинг қалинлигининг 1/4 қисмини, кенглиги эса 100—150 мм ни ташкил қилади. Арқон бузиладиган деворнинг кесиладиган қисмининг 20—30 см баландлигидан ҳалқа кўринишда қамровланиши зарур. Бажариладиган ишларни кетма-кетлиги қўйидагича: тортиладиган арқон деворга қотирилади, деворни пастки қисми 1/4 қисмидан девор чопилади, бузиладиган девор қисмини синчдан ва бошқа қисмлардан ажратиб олиниб, тракторга боғланган тортиш арқони ёрдамида девор кулатилади. Курилмаларни бузиш учун пневматик ва гидроболғаларни кўлаш мумкин. Улар бир чўмичли экскаваторларни алмашинувчи ишчи жиҳозлари ҳисбланади. Экскаваторларнинг чўмичларини пневмо ва гидроболғаларга алмаштириш ўртacha 45—50 мин. вақтни олади.

Деворни кулатиш усули 4-чизмада кўрсатилган.



4-чизма. Деворни кулатиш усули:

1—илмок; 2—қамров арқони; 3—тахтадан таглик; 4—тортиш тармоги; 5—девор; 6—кесиш бүләги.

Бетон, асфальтбетон ва асфальт қопламларини (қалинлиги 0,3-0,5 м) бузишда болгалар билан тешик тешиб, кейинчалик қопламани экскаватор чүмичи билан бузилади. Бузиш учун танланадиган тешиклар қурилмаларни қалинлигига, мустаңқамлигига ва чүмичнинг ҳажмига мувофиқ танланади. Кўпгина ҳолларда тешиклар сеткасини $0,5 \times 0,5$ дан $0,9 \times 0,9$ м қилиб белгиланади.

Узун қурилмаларни (девор, парлевор ва бошқалар) бузишда гидроболга қўлланилганда, қурилмаларни ўзидан олдинга қараб, юқоридан пастга қараб қисмлар билан бузилиб борилади. Бунда горизонтал ё шунга яқин йўналишда ишларни олиб боришда бир уришнинг қуввати 20-40 фоизгача пасаяди.

Саноат биноларини қайта тиклашда, тош қурилмаларни бузишда ёки майдалашда, бетон ва темир-бетон қурилмаларини, эски биноларни бузишда портлатиш усулини қўллаш мумкин. Бундай ишлар алоҳида лойиҳа асосида амалга оширилади. Пойдеворларни портлатиш усули билан бузиш очиқ майдонларда, бино ичларида олиб борилиши мумкин. Пойдеворларни бузиш учун қўйидагилар аниқланган бўлиши керак:

Пойдевор қурилмаларининг ўлчамлари, материалини таърифи (бетон маркаси, арматура симларининг сони, уларнинг диаметри, пўлатнинг маркаси), каналлар, камералар, ғоваклар, уларнинг жойланиши, портлатилган қурилмани бузишда ишларни механизациялашти-

риш, портлатилган қисмларнинг катта-кичиклиги, бино, иншоот ва муҳандислик тармоқларини портлатишдан муҳофаза қилиш тархи, ишларни олиб бориш жойида шиша қопламаларнинг мавжудлиги.

Пойдеворларни портлатишда портлаттичларни кўлтиқ ва шпурларга жойлаштирилади. Пойдеворларни шпур усули билан портлатишда шпурни чукурлиги пойдевор баландлигининг 0,9 қисмига тўғри келади. Пойдеворларни бузишда алоҳида ҳар бир қатламни бузиб амалга оширилса, шпурни чукурлиги ҳар бир қатламни қалинлигига тенг бўлади ва охирги қатлам бу ҳисобга кирмайди.

Бу қатламда шпурни қалинлиги 0,9 м сиқиладиган қатламнинг қалинлигига тенг бўлади, бунинг сабаби пойдевор асосини қалинлигига зарар етказмасликдир. Пойдеворлар горизонтал шпурлар усулида бузилса, шпурлар билан пойдевор асосини ўтрасида қалинлиги 0,2–0,4 м қатлам қолдирилиши зарур. Шпурларнинг диаметри 35–60 мм ни, қаршилик чизиги 0,5–0,7 мм шпур чукурлигини ташкил қиласди. Шу билан бир вақтда портлаттич моддаларни сарфи оҳак қоришимасида терилган фишт пойдевор учун 0,3–0,45, цемент қоришимасида терилган фишт пойдевор учун 0,55, бетон пойдевор учун 0,5–0,65 ва темир-бетон пойдевор учун 0,5–07кг/м³ дир. Портлатишда қурилиш материалилари бўлаклари учб кетмаслиги учун портлаттич локализаторлари қўлланилади ёки пойдеворларнинг усти ёпиб кўйилади. Пойдеворларни усти қўмли қоплар, металл сеткалар ёки маҳсус шитлар билан ёпилади. Атрофдаги агрегатлар ва бошқа бино қисмлари (пойдевор ёнидаги) маҳсус шит билан қопланади. Бино ва иншоотларни йўналтирилган портлатиш билан қулатилади. Йўналтирилган усул билан баланд бино ва иншоотлар бузилади (тутун трубалари, баён я ва бошқалар).

Бино ва иншоотларни ўзининг асосига қулатиш принципи, бино ва иншоот периметри бўйлаб асоси сатҳида ариқча қазиб портлатиш усулига асосланган. Портлатиш натижасида бино ва иншоот ўз асосига қулади. Улар кулаганда қураб тушган деворнинг баландлиги бинонинг одатда 1/3 баландлигидан ошмайди, қулатилган супанинг кенглиги эса периметри бўйлаб бино деворини баландлигидан 1/2 қисмини ташкил этади. Портлатишдан олдин ҳамма ички пардевор, ораёпмалар, стропила, том, эшик ва ойна ромлари бузиб олинади. Бино ва иншоотлар шпурлардаги зарядлар ёрдамида портлатилади. Бинони асосига қулатишда шпурларни бинонинг ички тўмонидан пармалайдилар. Шпурларни диаметрлари 40–60 мм, чукурлиги девор қалинлигининг 2/3 қисмини ташкил этади. Шпурларни одатда икки қатор шахмат усулида жойлаштирадилар. Шпурларни ўзаро оралиғи (қатор бўйлаб) 0,8–1,4 ва қаторлар оралиғи 0,75–1 шпур чукурлигини ташкил этади. Портлаттичлар бинонинг бурчагида бир-бирини устида пармаланганди ва биссектриса йўналишида жойлаштирилган шпурларга ўрнатилади.

Бинонинг капитал деворлари қисмларга ажратилиб қулатилади. Бошқа бино ва иншоотлар билан тутацган биноларни қулатишдан олдин тутам жойида тирқишилар қилинади. Бино ва иншоотларни йўналтирилган портлатиш усули билан қулатиш, атрофдаги бошқа биноларни сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилади. Одатда бундай қулатишнинг йўналиши чегараланган қулаш секторининг биссектрисаси бўлади.

Гидропортлатиш усулини қутича шаклидаги бинолар, резервуар ва ғишт теримлари, темир-бетон, бетон қисмларини портлатишда кўлланилади.

Бундай усулда портлатганда қисмларни учиб кетиш радиуси иложи борича кичкина бўлиши мақсадга мувофиқдир. Қутича шаклидаги курилмаларни портлатишдан олдин устки юзасигача сув билан тўлдирилади. Портлатгич моддани арқон ёрдамида сув билан тўлдирилган курилмани ичига туширилади.

Пойдеворларни, ғишт деворларни ва темир-бетонларни гидропортлатиш усули билан қулатишда детонация (тез синувчи) қила-диган шнур (6—12 мм сим)дан фойдаланиш мумкин. Симлар сонини камайтириш учун шпурни пастки қисмига учча катта бўлмаган (50—100 г) сувга чидамли портлатгич моддалар жойлаштирилади ва шпурни портлатгич моддадан ортиб қолган бўшлифи сув билан тўлдирилади. Сувни сатҳи шпурнинг юқори сатҳидан 10 см паст бўлиши таъминланади. Бунинг боиси портлатганда қисмлар ёнбошга учмасликни таъминлашдир. Ёрилган пойдеворларни портлатишда сув ўрнига лой қоришимаси ишлатилади ва одатда портлатгич модданинг миқдори 1,3—1,5 марта кўпроқ олинади.


Таркибида кўп миқдорда арматура бор курилмаларда гидропортлатиш усулини кўллаш уччалик унумли бўлмайди. Кўйма бетон ва яхлит курилмаларни бузишда электрогидравлик усулни кўллаш мақсадга мувофиқдир. Электрогидравлик усул билан курилмаларни портлатиш маҳсус жиҳозланган мосламалар ёрдамида (вагончалар ёки автомобилларда жойлаштирилган) амалга оширилади.

Ишларни бажарилиши қўйидағи кетма-кетлика олиб борилади: портлатиладиган кўйма яхлит курилмада портлаш учун шпурлар пармаланади, уларнинг диаметри 40—50 мм ва чукурлиги 0,5—0,8 м бўлади. Шпурларни шахмат кўринишида, қаторларини ораси 0,3—0,5 м оралиқда жойлаштирилади, бу яхлит қурилмани мустаҳкамлигига ҳам боғлиқдир. Кўйма курилмаларда кудуқларни пармалаш учун ПР-22, ПР-30ЛУС, ПР-30 ЗЛУБ типидаги уриб синдирадиган болғаларни кўллаш тавсия этилади.

Шпурларни пармалаш учун кетадиган вақт ўргача 30—50 секундни ташкил этади. Айни вақтда бу қурилманинг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлади. Шпур сув билан тўлдирилиб, уни ичига электр


портлатгич жойлаштирилди. Назорат ўлчамларидан сүнг ўрнатила-
диган мослама тайёр деб қабул қилинади. Ундан сүнг мосламадан
портлатгичга ток юборилади, токни кучланиши 12—15 кв ва кучи
0,3—0,4 А га тенг бўлади. Электрзарядининг зонасида ўша пайтнинг
ўзида катта босим пайдо бўлиб қурилмани кулатади.

Экскаватор ЭО-4121 базасига ўрнатилган СП-62 гидроболға билан
темир-бетон пойдеворини бузиш усули 5,6-чизмаларда кўрсатилган.
Бетон маркаси 400 дан ортиқ қурилмани бузишда пастки сатҳи
12,4 м га тенг бўлганда экскаватор ЭО-4121 ни кўллаш тавсия эти-




5-чизма. Темир-бетон пойдеворларни гидроболға ёрдамида бузиш.

1—самосвал-555; 2—экскаватор ЭО-4121, СП-62 гидроболғаси билан; 3—бузиладиган пойдевор;
4—автокран МКА-10м омбурсимон ушлагичли.



6-чизма. Темир-бетон деворни бузишда күлланиладиган ускуна:

1—кислород баллони; 2—редуктор; 3—енг; 4—термит озиқдантирувчи; 5—вентиль; 6—трубка шулагич; 7—горелка; 8—қоришистиригі.



7-чизма. Темир-бетон қисмларидан қурилған бинонинг синчи, устуни ва түснини УПКР-2 ускунаси билан күчириб олиш:

1—кислород баллонининг редуктори; 2—операторнинг ўрни; 3—ускунанинг оловпуркагиң қисми; 4—ёрдамчи ишчининг ўрни; 5—термит қоришимасини таъминловчи узаттиг; 6—юкори ярусини түсіб турувчи сүрилар.

лади. Темир-бетон қисмларидан қурилган синч, устун ва түсинни УПКР-2 ускунаси билан күчириб олиш 7-чиzmада күрсатилган.

Пармаланган шпурларга ОК 11 ёки ОК 14 типидаги электртизмлари ЭГУРН мосламасига уланади, узунлиги 12—15 м бўлган электродларни улайдиган шпурлар қилинади. Сув шпурларга сув узаткичдан узатиб берилади. Шу билан бир вақтнинг ўзида конденсатор батареялар зарядка қилинади. Хавфли зоналарда одамлар йўқлигига ишонч ҳосил қилингандан (портлатгич ўрнатилган жойдан 10 м радиусда) сўнг портлатгич портлатилади. Пойдевор уриб синдирадиган болға ва поналар ёрдамида йигиштириб олинади. Майдаланган бетон парчалари ЗНХ-555 самосвалига СМК-10 автокран, қайчисимон ёки грейфер чўмичли экскаватор ёрдамида ортилади. Арматуралар ацетилен-кислородли кескичлар билан кесилади. Пойдевор вертикали бўйлаб 0,5 м ли захваткаларга бўлинади.

Электрогидравлик мосламасини қўллаш тош, бетоннинг яхлит қисмларини, бутобетон (ҳарсангтош) ва тош теримларини бузища меҳнат унумдорлигини ўн марта оширади, ишчиларни қўл кучидан озод килади.

Гидропарчалаш қўйма бетон ва гишт қурилмаларини бузища қўлланилади.

4.2. ЎЙМАЛАР, ТҮЙНУКЛАР БАРПО ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ВА БИНО ҚИСМЛАРИНИ АЖРАТИШ

Турли қурилмаларда ўймалар, туйнуклар барпо қилиш ва бино қисмларини ажратиш учун қўйидаги усууллар қўлланилади:

- қўл кучи;
- механик;
- газ кислород кесиши;
- электр ёй;
- термик;
- гидропарчалаш;
- лазер ва плазма усууллари.

Ўймалар ва туйнукларни оддий дастгоҳлар ёрдамида (кувалда, болға, кирка, лом, болта ва ҳоказолар) иш ҳажмлари кичкина бўлгандагина амалга оширилади.

Механик усууни пневмо ва электрпармалаш машиналари, электроболгалар, перфораторлар, образив материалдан тайёланган силлиқ дискли фрезер ускуналар қўллаб амалга оширилади.

Ўрга қаттиқликда бўлган пўлат, пластмасса, ёғоч, гишт ва бетонда диаметри 9 мм тешиклар барпо этиш учун ИЭ-1026 А типидаги электр пармалаш машиналари; темир- бетон, гиштларда ўзи кесадиган ҳалқасимон парма билан диаметри 25 мм туйнуклар очиш учун ИЭ-1029 типидаги машиналар қўлланилади. Шунингдек, пармалаш

диаметри 25 мм ли, энг кичик куввати 879 Вт, ҳаво сарфи 12 м³/мин, үлчамлари 690x133x195 мм, оғирлиги 5,4 кг бўлган ИП-1023 типидаги машинани ҳам қўллаш мумкин.

Темир-бетон қурилмаларида 50—160 мм ли туйнукларни тешиш учун қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлган электрпармалаш машиналар тавсия этилади (2-жадвал).

2-жадвал

Электр қўл пармалаш машиналарини таърифи


Кўрсаткичлар	ИЭ-1026А	ИЭ-1029
Пармалаш диаметри, мм	9	25
Шпинделнинг айланиш тезлиги, С-1 ток тури ўзгарувчан:	13	63
кучлангизи В	36	36
энг кичик куввати Вт	285	1070
Үлчамлари	239x67x162	780x380x142
Оғирлиги	1,6	6,7

Туйнук тешиш учун МС-50М, ИЭ-1801, ИЭ-1804 М, ИЭ-1805 типидаги кўчма электр станокларни ҳам қўллаш мумкин. Станоклар кўйма бетон полларда, темир-бетон ораёпмаларда, бетон, фишт девор, пардеворларда олмосли пармалар ёрдамида вертикал, горизонтал ва бурчак остида туйнукларни пармалашга имкон яратади.

Олмос пармали станокларни темир-бетон деворларда, ораёпма ва бошқа қурилмаларда ўймалар барпо этиши учун қўллайдилар. Мисол учун, темир-бетон деворда 60 мм туйнук очиш учун олмос пармали ИЭ-1801 типидаги, ишчи қисмларини сув билан совитувчи станоклар қўлланилади (пармасининг типи-СКА-2). Ишларни ПП-4 пакет ҳавозаларда туриб амалга оширилади. Ҳавозалар электр кўприкли кран ёрдамида ўрнатилади.

Пармалаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: узатиб берувчи механизм ёрдамида парма юзага яқинлаштирилади; пармани ўқи белгиланган ўйма ўқи билан сиғдирилади; 1 мин. да 5—6 л сув ҳажми етказилиб турилади; электр двигател манбага уланади ва пармани узатиб берувчи механизм ёрдамида 3—5 мм га киритилади ва бир меъёрда парма айланishiда қўл кучи ёрдамида чукурлик ўйилади. Үлчамлари 2x3 м ўйма ҳосил қилиш учун, кесиладиган блокларни олиб чиқиб кетиш учун, үлчамлари 2x1 млик учта ўйма ўйилади.

Ҳар бир участкада тешик ўйиш учун ишлар қуйидаги усулда олиб борилади: энг аввал, пастки кесимда иш бажарилади, кейин бош ва юқори кесимларда амалга оширилади.



8-чизма. Шилтенконинг РШ-2 ўриб оловчи қурилмаси:

1—сиқиб оловчи ковуш; 2—тортиб турувчи винт; 3—тиргаклар; 4—ўрмаловчи; 5—кран қурилмасининг ричаги; 6—йўналтирувчи стержен; 7—кран қурилмасининг ричаги; 8—ўрнатилувчи тиргак; 9—торози шайнини.

Юқоридаги блок юк қўтариши 2 тонналик иккита универсал қамров билан қамровланади, пастки блок РШ-2 типидаги ускуна ёрдамида қамровланади (8-чизма).

Блоклар автосамосвалга юк қўтариш қобилияти 2 тонналик электр кўпrik кранлар ёрдамида ортилади. Блокларни пармалашни, ҳавозаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ишларини III ва II разрядли пармаловчи операторлар ва II разрядли юкловчилар амалга оширади.

Гишт ва бетонда диаметри 16 мм ли тешик ўйиш учун электр кўл перфораторлари кўлланилади. Темир-бетон, гишт-девор ва бетонда ариқчалар ўйиш учун қўлда ариқча ўйувчи ИЭ-6401 типидаги дастгоҳлардан фойдаланилади.


16 мм лик ариқча ўйувчи қўл электр перфораторларини, бетон ва гиштда ариқча ўйиш дастгоҳларининг кўрсаткичлари қўйидагичадир: бир мартада ўйиладиган ариқчанинг кенглиги 7 мм, энг катта чуқурлиги 20, фрезанинг диаметри 100 мм, электрдвигателнинг ўзгарувчан токли қуввати 270 Вт гача, кучланиши 36 В, ўлчамлари 442x164x196 мм, оғирлиги 4,3 кг; дастгоҳ билан комплектда оғирлиги 2,3 кг.

Ариқчаларни ўйиш учун ИЭ-6403 ариқча ўйувчи ва электр құл перфораторлар ҳам құлланиши мүмкін.

Олмос пармали ускуна ёрдамида темир-бетон деворларда 2х3 м лик түйнуклар бунёд этиш иш ҳаракаттарининг схемаси 9-чизмада күрсатылған.


Электрёйли эритиши ускунасининг мажмусига қуидагилар киради:

Электрёйли кесиши ускунаси ёрдамида саноат биноларининг синчи ва темир бетон устунларини күчириш мүмкін (10-чизма). Ишларга тайёрлов даврида хавфли зоналар чегараларида панжаралар үрнатылған, огохлантирувчи тегишли ёзув ва белгилар осиб қойылады, қоронги тушиши билан эса қызил сигнал чироклари ёқилиши зарур. Энг аввало устун фрикцион қамров билан қамровланиб, уни СМК-10



9-чизма. Олмос пармали ускуна ёрдамида түйнукларни тешиши:

1—бузиладиган түйнук; 2—сувни узатып беріш учун резина енг; 3—II разрядлы пармаловчи операторнинг ўрни; 4—пармалаш учун станок ИЭ-1801; 5—III разрядлы пармаловчи операторнинг ўрни; 6—инвентар ҳавозалар; 7—самосвал ЗИЛ-555; 8—юк күтариш қобиляти 2 т лик электркүприкли кран.



10-чизма. Электрёйли кесиши ускунаси ёрдамида саноат биносидаги темир-бетон устунларни күчириш.

1—туриш жойидан 1-устун бузилади; 2—туриш жойидан 3-устун ва ҳоказо бузилади.

краны ёрдамида кесиши қисмida ишлар тамом булгунича ушлаб турилади. Ундан кейин III ва IV разрядли пайвандчилар звеноси устуннинг асосида кетма-кет учта тешик тешадилар. Бир тешик тешилгандан сўнг дасттоҳни совиши учун 20 мин давомида технологоик танаффус қилинади. Бузилган устунни СМК-10 краны ёрдамида МАЗ-200 автомобилига ортиб, цех ичидан олиб чиқиб кетилади.

Темир-бетонни электрёйли ускуналар ёрдамида бузища ишлайдиган ишчиларни тутундан ва ёруглик нуридан ва электр токидан жароҳат олишдан муҳофаза қилиш чораларини кўриш зарур.

Бетон ва темир-бетонни ичи пўлат симлар билан тўлдирилган, диаметри 17–20 мм лик пўлат трубани эгилувчан арматура билан арматуралаштирилган енг ёрдамида кислород баллонига уланади. Ундан сўнг трубани учи қизаргунча қиздирилиб, унинг ичига кислород узатиб берилади. Бунда пўлат кислородда ёниб бетонни эритади, шлак эса ортиқча кислород ёрдамида тешикдан чиқариб ташланади.

Кислород найзаси билан горизонтал ва ажралиб кетувчи вертикаль тешик ва штрабаларни кесиши тавсия этилади, чунки бунда шлак ҳеч қандай тўсиқсиз чиқариб ташланади. Бундай усулни бетонни сув остида кесишида ҳам кўллаш мумкин.

Бетон ва темир-бетонни кесиш учун бундан ташқари, термит-кислород ускунасини ҳам қўллаш мумкин. Кислородни насадкага узатиб берилганда озиқтирувчида майда дисперсли темир ва алюмин кукун термити (80 %ли темир кукуни ПЖЕ маркали ва 70% АПВ маркали алюмин кукуни) эжектрланади. Насадкадан аралашмани чиқишида очиқ олов ёрдамида (пайванд лампаси) ёндирилади. Катта ҳароратда олов таъсири остида (насадкани учидан 30—100 мм узоқликда ҳарорат 3500—4000°C га тенг) бетон юзаси эрийди ва кесиш жараёни юзага келади. Темир-бетон қурилмаларини кислород-термик усул билан кесиш учун УПКР-2 ускунаси ишлаб чиқарилган. Устунларни ва тўсинларни кетма-кет эритиш усули билан диаметри 35 мм ли 6 та тешик тешилади.

Устун ва тўсинларни кесиш бўйича ишларни охиригача СМК-10 русумли, юк кўтариш қобилияти 1 тн лик кран билан ушлаб турилади. Устун ва тўсинларни кесишида кислород баллони +0,00 сатҳида ишчи органидан 10 м узоқликда озиқтирувчи ускуна УПКР-2 кесиш жойидан 2 м узоқликда кувурли сўриларга ўрнатилади. Бунда балкаларни кесиш бўйича сўриларни маълум бир кетма-кетликда кўчириб ўрнатилади. Кўчирилган қурилмаларни юк кўтариши 16 тн лик К-162 автокран ва фрикцион қамров ёрдамида автотранспортга юкланади. Қурилмаларни газ ёрдамида кесишида V ва II разрядли кесувчилар ва сўриларни кўчириш ва бузилган қурилмаларни юклаш учун II разрядли дурадгор ва II разрядли кесувчи ва турдош мутахассисли қамровчилар жалб этилади.

5. ҚИСМЛАРНИ БУЗИШ ВА КЎЧИРИШДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ

Ҳаракатдаги корхоналарнинг кўчириладиган қурилиш қисмларини бузиш ва кўчириш бўйича ишларни бажаришда СниП III-4-80 талабларига амал қилишдан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат андозалари, санитария-гигиеник меъёрлар ва қоидалар, Давлат техника назорати, Давлат энергия назорати қоидалари ва ёнғинга қарши Бош бошқармаси меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ олиб борилади.

Саноат биноларини қайта тиклаш шароитида материалларни бузишда техника хавфсизлиги тадбирлари ҚУЛ (қурилишни уюштириш лойихаси)да ва ИБЛ (ишларни бажариш лойихаси)да ишлаб чиқарилади ва уларни цех раҳбарлари билан ўзаро мувофиқлаштирилади.

Тадбирларни ишлаб чиқиш ва ишларни бажаришни назорат қилиш бўйича умумий раҳбарликни бошпудрат қурилиш бошқармаси, цех ичидаги тадбирларни назорат қилишни эса корхона директори олиб боради. Ҳаракатдаги цех ичидаги ишларни бажаришдан олдин ишларни бажарувчи билан ва цех бошлиғи томонидан кўл қўйилган акт-руксат-

нома тузилган бўлиши керак. Актда цех ичидаги қисмларни бузиш ва ажратиб олиш ишларини бажариш бўлаги кўрсатилиб, ишларни хавфсиз бажариш бўйича тадбирлар кўрсатилган бўлади. Акт-руҳсатнома-ни шакли СНИП III-4-80 нинг 3-илювасида келтирилган.

Курилиш қисмларини бузиш ва ажратиб олиш ишларини бажаришда, қандай ишлар бажарилишига қарамасдан ишларга ёзма кўринишда наряд-руҳсатнома берилади ва унда ишларни хавфсиз бажариш шартлари ва хавфли зоналар кўрсатилган бўлади. Курилмаларни кўчириш ва ажратиб олиш ишларини бажариш ИБЛ да ёки технологик хариталарда ишларни бажариш вақтида тўсатдан курилма қисмлари қулаб тушиши хавфининг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилган, кўчирилмайдиган бино қисмларининг мустаҳкамлигини таъминловчи тадбирлар кўрсатилган бўлиши керак. Бир вақтни ўзида вертикаль бўйича иккита ёки ундан кўпроқ ярусда ишларни олиб бориш маҳсус ҳимоя воситаларсиз руҳсат этилмайди.

Кўчирилган курилмаларни механик воситалар билан ажратиб олишда, электр асбоб билан ишлаганда электр қурилмалари қоидасига, техник фойдаланиш қоидаларига (ПТЭ), техника хавфсизлиги қоидаларига (ПТБ) амал қилиш керак.

Бундан ташқари, кўл пармалаш ва пармалаш станоклари, гидравлик ҳаракатланувчи ускуна ва олмосли кесувчи дисклар билан ишлаганда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинади. Курилиш курилмаларини бузиш ва ажратиб олиш ишларини механик воситалар, термик ва порглаш усуслари билан амалга оширишда ҳам маълум қоидаларга риоя қилиш зарур. Ишларни муваффақиятли бажаришнинг бирдан-бир шарти ишчиларни бунга психологик тайёрлашдир. Ишчилар бажариладиган иш жараёнларининг қийинлителини, йўл кўйилган хатолар қандай оқибатларга олиб келишини аниқ ва равшан кўз олдиларига келтиришлари зарур. Тор жойларда ва алоҳида ҳолатларда курилмаларни кўчириш ва ажратиб олиш ишларини бажариш бўйича ишчиларни тайёрлаганда тўғридан-тўғри курилиш майдонида машқ қилиб кўришлик мақсадга мувофиқдир. Корхоналарни қайта тиклаш ишларини бажариш жараённида хавфли ва зарарли таъсиirlарнинг олдини олиш ва камайтириш учун жамоа ва шахсий ҳимоя воситалари кўлланилади.

Биноларни бузиш ва қисмларини ажратиб олиш, уларни ташиб чиқиб кетишида кўп микдорда чанг ажralиб чиқади. Шу тифайли иш зонасида ҳаво таркибини мөбёрига келтириш чорасини кўриш зарур. Нафас йўлларини оҳак, асбест чангидан муҳофаза қилиш учун РП-16, заҳарсиз чанглар учун РПР-1 ва ПРБ-5 респираторларини кўллаш керак. Фильтрлайдиган ШБ-1 «Лепесток» ни ҳаво таркибида радиоактив, заҳарли ва бактерияли аэрозоллар, силикат, металл, кўмир, цемент, бошқа чанглар мавжудлигига кўллаш керак. Ўсимлик чангларидан (пахта, каноп, ёғоч, тамаки, ун), металл (пўлат, чўян, мис

ва бошқа), минерал (цемент, шиша, охак ва бошқа) чангларидан ҳимояланища У-2к респираторидан фойдаланилади. Күзни ишлаб чиқариш чангидан ҳимоя қилиш учун ҳимоя күзойнаги тақилади.

Ҳаракатдаги корхоналар шароитида күпгина ҳолларда ишчиларга тебраниш таъсир күрсатади. Унинг асосий манбаси цехлардаги технологик жиҳозлар ҳисобланади. Ишчиларни тебраниш таъсиридан муҳофаза қилиш учун тебраниши пасайтирувчи ботинкалар билан таъминлайдилар (ботинка резинолатексли құшымча қатлам билан таъминланған). Шовқиндан ишчиларни ҳимоя қилиш мақсадыда тампон ёки шиша толаларидан тайёрланған қатламлар (шовқинни 15—30 ДБ гача пасайтириш), тез эрийдиган пластмассадан тайёрланған пасайтирувчилар; қулоққа тутгич (ВЦНИОТ-2м; ВЦНИОТ-4а; ВЦНИОТ-3т; ВЦНИОТ-7и), шовқинга қарши каскалар (ВЦНИОТ-2); шахсий ҳимоя воситалари күлланилади.

Иш жойларини 1 м ва ундан баланд жойларда панжаралар билан ұраш имконияти йүқлигіда ва мақсадға мувофиқ бўлмаганда ишчилар ҳимоя камари билан 12.4-89-80 стандартта мувофиқ таъминланарадилар.

Алоҳида курилмаларни ва бутун бир бино, иншоотларни портлатиш билан бузишда шу зонада бўлган ишчилар механизмлар ва иншоотларни тўлқин зарбаси, бузиладиган курилмаларни парчалари, бўлакларидан жароҳатланиши мумкин. Шунинг учун портлаттич модданинг миқдорини тўғри белгилаш ва иншоотларга зарар кўрсатмайдиган масофани аниқлаш мухимдир. Бундай масофа хафвасизлик қоидаларида белгиланган масофадан кам бўлмаслиги зарур. Ҳисоб асосида аниқланган ҳавфли зонанинг ўлчамлари ва шакллари кўрсаткичлар билан белгиланади.

Ишчиларни ҳавфли зонадан тегишли сигналлар ёрдамида олиб чиқиб кетилади. Ишларни жиҳозлар ёнида олиб борганда парчаларни учеб кетиш радиусини камайтириш учун, юмшатилган ва иложи борича солишишим сарфи камайтирилган портлаттич модда, гидропортлаттич ва турли кўринишдаги бекитиш усуслари кўлланилади. Бекитиш усули ва мавжуд биноларни курилма парчаларидан ҳимоя қилиш мақсадыда амалга оширилади. Бекитиш қурилмаларига металл тунукалар, болор, намат матларидан тайёрланған бекитгичлар ва бошқалар) киради. Портлатиш ишлари «Портлатиш вақтида ишларни ҳавфсиз бажариш умумий қоидалари»га мувофиқ амалга оширилади. Электр токидан жароҳатланиш ҳавфи билан боғлиқ бўлган ишларни бажаришда электрдастгоҳ ва машиналардан фойдаланиш қоидаларига амал қилинади ва ҳимоя воситалари кўлланилади.

Электрдастгоҳ, кўчма электр лампалари, пасайтирувчи трансформаторларни, ток тезлигини ўзгартириб берувчиларни ишчиларга беришдан аввал уларни корпусга уланганини, ерга улаш симларининг созлигини ва симларнинг ҳимоя қатламлари текширилади.

Ўта хавфли ва жуда ҳам хавфли биноларни қайта тиклашда электрдастгоҳлар 42В дан кўп бўлмаган кучланишида ишлаши зарур. Хавф туғилмайдиган хоналарда ва майдонларда электрдастгоҳларнинг кучланиши 127—220 В сим тармоқларидан фойдаланаилган ҳолда олиб борилади.

6. МАВЖУД УСТУН ВА ЖИҲОЗЛАР ОСТИДАГИ ПОЙДЕВОРЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЯНГИСИНИ БАРПО ЭТИШ

6.1. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

Корхоналарга янги технологик жиҳозни ўрнатганда айрим ҳолатларда ишлаб чиқариш майдонини кенгайтириш зарурияти туғилади. Бунинг учун бино синчлари, устунлари оралигини узайтириш керак бўлади. Бунда кўчирилган устунларнинг тагидаги пойдеворлар, кран ости тўсинларини қайта тиклаш ишларидан сўнг катта юклар кўтарилади, шу туфайли курилмаларни кўшимча мустаҳкамлаш ёки алмаштиришга тўғри келади. Кўтарувчи курилмалар ва қисмларни кучайтиришдан олдин, улардан юкларни олиш, яъни горизонтал тақсимловчи тўсинлар ёрдамида инвентар металл қозикёсёқларга ёки бетон блокларига тиргак ва тирговичлар ёрдамида суюнтирилиб, юқоридан тушадиган юкларни ёнма ён турган устунларга, шпрентель фермалар ёрдамида кўчирилган устунга тушадиган юкларни бошқа устунларга боғлагичлар туркуми ёрдамида тарқатилади.

Пойдевор ва асосларни мустаҳкамлаш бўйича қурилиш-монтаж ишлари ва мавжуд пойдеворларни кўчириш ва янгисини барпо этиш ишлари асосий ишлаб чиқариш ишларини бажаришдан олдин амалга оширилади.

Мавжуд пойдеворларни мустаҳкамлаш ёки уларни янгисини барпо этиш юқоридан тушадиган юқ характеристига, мавжуд курилмалар асосларининг хоссаларига боғлиқ бўлади.

5) МАВЖУД УСТУН ВА ЖИҲОЗЛАР ОСТИДАГИ ПОЙДЕВОРЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЯНГИСИНИ БАРПО ЭТИШ МАВЗУСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Биноларни қайта жиҳозлашда қандай ҳолатлар бинонинг курилмаларини қайта қуришга сабаб бўлади?

А—янги ўрнатиладиган жиҳозларни эскисига нисбатан геометрик ва механик ўлчамлари ва оғирликлари бошқача бўлганда;

Б—янги ўрнатиладиган жиҳозларни ишлатиш учун кўшимча майдончаларни бўлишилиги;

В—янги ўрнатиладиган жиҳозлар билан ишловчи ишчиларга қулайлик яратиш туфайли;

Г—яңги үрнатиладиган жиқозларга хизмат күрсатиш учун;
Д—яңги жиқозларга электр манбаларини улаш туфайли.

2. Ҳаракатдаги саноат биноси остидаги тупроқларни қайси усууллар билан мустаҳкамлаш күзда тутилган?

- А—тупроқларни музлатиб;
- Б—тупроқларни зичлаб;
- В—тупроқларни суюқ шиша, электр ва газсиликатизация, термик мустаҳкамлаш ва смолалаштириш;
- Г—тупроқлар таркибиға бетон қоришина киритиб;
- Д—тупроқлар таркибиға чақыртошлар зичлаб.

3. Кучайтириладиган пойдеворларни күтариш қобилиятини ошириш учун қандай тадбирлар қўлланилади?

- А—пойдевор атрофига қўйма бетон қўйиб;
- Б—пойдевор атрофини ҳарсангтош билан зичлаб;
- В—пойдевор атрофига қозикоёқ қокиб;
- Г—пойдеворни икки томонлама темир-бетон белбог билан боғлаб;
- Д—пойдеворни тагига тўсин ўрнатиб.

6.2. ПОЙДЕВОР АСОСЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ

Қайта тикланадиган биноларнинг асосларини мустаҳкамлаш ишларидаги энг муҳим ишлардан бири бу бино пойдеворини мустаҳкамлигини ошириш ҳисобланади. Корхоналарнинг ҳаракатдаги шароитида асос тупроқларини ва пойдеворларни зичлагичлар билан мустаҳкамлаш келажаги порлоқ усуудан ҳисобланади.

Бундай ишларни бажаришда мавжуд пойдеворларни очиш керак бўлмайди. Мустаҳкамлаш усууллари майдончани геологик ва гидрогеологик, тупроқларни кўрининишига ва физик-кимёвий ҳусусиятларига, пойдевор қурилмаларига боғлиқ бўлади. Юкорида кўрсатилган сабабларга мувофиқ асос тупроқларини мустаҳкамлашда у ёки бу усул қўлланилади. Қайта тикланадиган корхоналарда пойдевор асосларини мустаҳкамлаш ишлари ишлаб чиқарилган ишларни бажариш лойиҳасига мувофиқ (ИБЛ) бажарилиши керак. Қурилмаларни мустаҳкамлаш бўйича ишлаб чиқарилган ИБЛ ичига пойдеворларни техник ҳолати тўғрисидаги маълумотлар киритилган бўлади. ИБЛни ишлаб чиқаришда ишчи зонасидаги мосламалар ва жиқозларга зарар етказмайдиган ҳимоя усууллари аниқланади.

Ишларни кетма-кетлиги ва уларни бажариш муддатларига ИБЛ да алоҳида эътибор берилади. ИБЛ таркибиға алоҳида жиқозлар, мосламалар, техник ҳужжатлар, пойдевор асосларини мустаҳкамлаш бўйича технологик хариталар киради. Асос тупроқларини мустаҳкамлашда кудуқлар ўрнини пармалаш (керак бўлса инъекция қилинадиган кудуқлар) ва инъекторлар қоқиши жойларини белгиланиши кўзда тутилиши зарур.

Пойдевор асосларини мустаҳкамлаш турларини таққослашда асой мезон бўлиб: ишларни давом этиши, солиштирма чиқимлар, меҳнат сарфи, нархи ва бошқалар киради.

Пойдевор асоси тупроқларини мустаҳкамлаш ишларини бажаришдан олдин ҳар бир пойдевор тагидаги тупроқларни кўтариш қобилияти, ишларни бажариш участкасида тупроқларнинг гидрогеологик ҳолати аниқланиши зарур. Ҳаракатдаги корхона шароитида текширув мақсадида амалга ошириладиган пармалаш ишларини қўлда оддий парма билан ва ичи ковак кувур ёрдамида пармалаш маъқуллар. Ичи ковак кувурлар ёрдамида (диаметри 50 мм ва ундан кўпроқ) 8 м чукургача пармаланган тупроқларни чиқариб ташлаш мумкин. Пармалаш давомида кувурлар баландлиги бўйича бир-бираига узатиб берилади ва ушбу кўрсатичларга асосланаб тупроқнинг тегишли хусусиятлари аниқланади.

Саноат биноларининг заминидаги тупроқларни зичлашда қуйидаги усуллар қўлланилади: бир ёки икки қорищмалик силикатизация, электр-газиликация, термик мустаҳкамлаш, смолизация.

Силикатизация ва смолизация усулларининг моҳияти шундаки, тупроқ таркибига маҳсус кимёвий қорищмалар газ босими остида тупроқ таркибига киритилади ва шунинг натижасида тупроқ мустаҳкамланади ва сувга чидамлиги ортади.

Кимёвий қорищмалар кўринишида силикат натрийнинг сувдаги эритмаси (зичлиги $1,35-1,44 \text{ г}/\text{см}^3$, хлорли кальций зичлиги $1,26-1,28 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлиб, 28—30% сувсиз қорищмага тенгdir) ишлатилади. Қорищмаларни тупроқларга диаметрлари 18—38 мм ва деворларини қалинлиги 5 мм гача бўлган металл кувурлар орқали босим остида киритилади. Инъекторларни тупроқларга пневматик СМ-506, С-358 ёки ПЛ-1 болғалар ёрдамида қўкилади.

Пневматик болғани қўллаш жуда ҳам катта бўлган копер қурилмасини ишлатмасликка имкон яратади, бундай ҳолат корхоналарнинг тор жойларида жуда ҳам қуладир. Тупроқда қорищмалар плунжерли насослар ёрдамида сиқиб киритилади (ПС-46; НС-3; НД насослар). Худди шундай қорищма узатгич насослар ва пневматик ускуналар ($0,8 \text{ МПа}$ гача босимга мўлжалланган цилиндр идиш) ёрдамида киритилиши мумкин. Асос тупроқларини карбамид смолалари билан мустаҳкамлаш ишларига инъекторлар орқали гел қўринишидаги қорищмани (25% карбамид сув эритмасини 2—5% ли хлорат кислотаси қорищмасига аралаштирилиб олинган қорищма) тупроқда киритишдан иборатdir. Мустаҳкамланган тупроқларни қаттиқлиги қорищмани концентрациясига ва қўлланган қотирувчига қараб 1—18 МПа ни ташкил этади.

Бир эритмали мураккаб қорищмалар билан силикатизация қилиш усули тупроқларга унча катта бўлмаган ($0,2-0,5 \text{ МПа}$) мустаҳкам-

ликни беради, шу туфайли бундай усул күп күлланилмайды. Эрит-мали кремнефтогорисетводородли кислота ёрдамида силикатлаштириш усули фильтрлаш коэффициенти 0,3 м/сут дан ва ундан юқори, яъни майда заррачали чангсимон қумларни мустаҳкамлашга имкон яратади. Мустаҳкамланган қумларни мустаҳкамланиш чегараси 1—4 МПа га етади. Лёсс тупроқларни кимёвий ёки термик ишлов бериш усули билан мустаҳкамлайдилар. Лёсс тупроқларини кимёвий мустаҳкамлаш усули силикат натрийни (суюқ шиша ёпишқоқлигини пастлиги, тупроқ таркибига яхши тарқалиши, яъни макро ва микрокапиллярлар орқали) тарқалишига асосланган. Иккинчи коагулянт силикат қоришмасини ушбу ҳолатда тупроқни ўзи бажаради. Энг аввало унинг сувда эрийдиган кальций, магний ва олтингугурт бирикмалари бажаради. Мустаҳкамланган лёссынинг қаттиқлиги 0,6—1 МПа. Бир бирикмали силикатлаштириш усули билан қуруқ ва паст намлик лёсслар ва лёсса ўшшаган намлик даражаси 0,6 гача бўлган тупроқлар мустаҳкамланади. Силикатлаштиришда силикат натрий қоришмасининг зичлиги 1,1—1,2 кг/см² бўлиши керак. Уларнинг зичлигини лаборатория муҳитида аниқлайдилар. Айрим лёсс кўринишидаги тупроқлар доналиги ва кимёвий хусусиятларини инобатга олган ҳолда фақаттина газ силикат усули билан мустаҳкамланади. Бундай ҳолатда ис гази, кейин натрий силикати ва ундан сўнг яна ис гази босим остида киритилади (CO_3).

Силикатлаштириш усули билан оддий супес ва суглиноклар, сувга тўйдирилган лёсс кўринишидаги тупроқлар ва намлик даражалари 0,6 фоиз ҳисобида бўлган лойларни мустаҳкамлаш мумкин.

Мустаҳкамлаш рецептлари лаборатория муҳитида танланади. Электрсиликатлаштириш усулларининг моҳияти силикат натрий қоришмасини қоқилган инъекторлар орқали бир вақтни ўзида доимий электр токи билан таъсир кўрсатиб тупроқнинг фильтрлаш коэффициентини 4—25 мартаға оширишдир.

Кўйидаги 3-жадвалда лёсс тупроқларга ҳаракатдаги корхоналар шароитида ишлов бериш чегаралари бўйича тавсия берилган.

3-жадвал

Лёсс тупроқларга ишлов бериш чегараси кўрсаткичи

Тупроқни мустаҳкамлаш усуллари	Қўллаш чегаралари	Технологик жарабённинг моҳияти	Мустаҳкамланган тупроқнинг хусусияти
1	2	3	4
Бир бирикмали силикатлаштириш	Фильтрлаш коэффициенти $K_f=0,2-2$ м/сут	Силикатнатрий қоришмасини зичлаб киритиш	Чўкмаслиги, мустаҳкамлиги 1—3 МПа

3-жадвалнинг давоми

1	2	3	4
Термик	Ҳаво ўтказиш коэффициенти 0,2 дан 0,4 м/сут	Ёнилгини қудуқда ёкиш	Шунинг ўзи
Электрсиликатлаштириш	КФ=0,1 м/сут нам тупроқларда	Силикат натрий қорищмасини доимий электр майдонига зичлаб киритиш	Чўкмаслиги, мустаҳкамлиги 0,6—2 МПа
Смолалаштириш	КФ=0,1—0,2 м/сут	Карбамид смоласи қорищмасини зичлаб киритиш	Чўкмаслиги, мустаҳкамлиги 0,7—1,5 МПа
Кольматалаштириш	КФ=0,2—2 м/сут	Лой хамирини зичлаб киритиш	Чўкишини пасайтириш

Тупроқларни мустаҳкамлаш учун у ёки бу усулни танлаш бир томондан уларнинг физик ва кимёвий ҳолатига, иккинчи томондан уларни ишлиб чиқариш шароитида мустаҳкамлаш даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун энг аввало тупроқни турларга ажратиш, уларни доналил таркибини аниқлаш, фильтрлаш коэффициентини тошиш зарур. Ундан сўнг тупроқларга тушадиган юклар ҳисобланади ва тупроқни қандай юк кўтариш қобилияти аниқланади.

Ҳаракатдаги корхоналарнинг пойдеворлари асосидаги турли тупроқларни мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар 4-жадвалда берилган.

4-жадвал

Ҳаракатдаги корхоналарнинг пойдеворларини мустаҳкамлаш усуллари

Тупроқни мустаҳкамлаш усули	Технологик иш ҳаракатининг можияти (таркиби)	Тупроқлар	Фильтрлаш коэффициенти, м/сут	Мустаҳкамланган тупроқларнинг хоссаси
1	2	3	4	5
Икки бирикмали қоришка ёрдамида силикатизация қилиш	Натрий силикат ва хлорли кальций қорищмасини кетма-кет босим остида киритиш	Ўрга ва катта зарралик қумлар	2 дан кўп	Сув ўтказувчалиги, мустаҳкамлиги 1,5—5 МПа

4-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5
Бир бирикмали	Қотирувчи билан силикат натрий қорицмасини, фосфор ва хлорат кислотасини, сернокислоаммоний қорицмаларини босим остида киритиш	Майдада заррали ва чангсимон кумлар	0,5–2	Сувбеттказувчанилиги, мустаҳкамлиги 0,2–0,5 Мпа
Электросиликатлаштириш	Доимий ток таъсирида силикат натрий ва хлорли кальций қорицмаларини кетмакет босим остида киритиш	Майдада заррали, чангсимон кум, енгил ва ўртача супеслар	0,05–0,5	Сувбеттказувчанилиги, мустаҳкамлиги 0,3–0,4 Мпа
Икки бирикмали	Силикат натрий қорицмасини босим остида киритиш	Супес, суглинка, лой	0,2 дан кам	Сувбеттказувчанилиги, мустаҳкамлиги 0,5–2 Мпа
Термик	Пармалантган қудукда ёнилгини ёниши	Лёсс шаклидаги тупроқлар	—	Сувга чидамлилиги, мустаҳкамлиги 2 Мпа гача
Смолалаштириш	Карбамид смоласини, хлорат натрийни қотирувчи шаклида босим остида киритиш	Майдада заррали кумлар ва енгил супеслар	0,5–5	Сувга чидамлилиги, мустаҳкамлиги 1–5 Мпа

Ҳаракатдаги бино ва иншоотлар асосларини мустаҳкамлаш биноларни қайта тиклаш вақтида пойдеворларни алмаштирумаслик имконини беради.

6.3. МАВЖУД ПОЙДЕВОРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ

Биноларни асосий юк кўтарувчи қисмларидан бири пойдеворларни кучайтириш зарурияти куйидаги сабабларга кўра юзага келади:

— бинонинг юқорида жойлашган қисмларини алмаштириш на-
тижасида уларга тушадиган юкни ортиб бориши туфайли (бино ус-
тига кўшимча қават куриш, юқоридаги хоналарни қайтадан куриш);

— қайтадан қуриладиган биноларда технологик жараёнларни
ўзгариши, технологик жиҳозларни замон талабига мувофиқ мос-
лаштирилиши;

— фойдаланиш давомида эскириши (динамик юкларнинг таъси-
ридан ва тебраниш юкларидан, ҳаво мухити ва бошқалардан). Курим-
малардан нотўри фойдаланишилик сабабли ортирилган нуқсонлар.

Юқорида айтиб ўтилган сабаблар бино пойдеворларига ҳар
хил усулдаги кучайтириш ишларини кўллашни талаб этди.

Кучайтириладиган пойдеворларни кутариш қобилиятини оши-
риши уларнинг таранглик ҳолатини ўзгартирмасдан ёки конструк-
тив чизмасини ўзгартирмасдан амалга ошириш мумкин. Темир-бетон
пойдеворларни энг кўп тарқалган кучайтириш усуллари белбоғлар,
қопламалар, бир ва икки томонлама кўтириш усуллари ҳисобланади.

Одатда кучайтириладиган қисмларидаги пўлат симларни тўрт то-
монидан юпқа бетон қорицмаси билан қопланади, бундай қоплама-
лар тўсин ригел ва устунларни кучайтиришда кўлланилади.

Темир-бетон қопламаларнинг қалинлиги арматуралаш фоизи-
га нисбатан 30 дан 100 гача, айрим вақтларда 300 мм гача бўлади.
Қопламаларнинг ишчи симлари қурилмаларни чўзиладиган зона-
ларини кучайтириш учун хизмат қиласди. Бетон чўкиши туфайли
бетон қопламалар кучайтириладиган қисмни сиқиб олади.

Янги бетонни эски бетон билан жипсласиши, мустаҳкамли-
ги, уларни биргаликда ишлаши кўпгина сабабларга боғлиқ бўла-
ди: бетон қорицмасини ётқизиш шароитларига, уларни зичлаш
усулларига, бирикма юзасига қайта ишлов беришга; бетон мар-
касига ва бошқаларга.

Кучайтириладиган қисмни юзасига ишлов бериш унинг юзасини
керакли равишда ғадир-будир қилиб ишлашдир. Шу мақсадда қурил-
малар юзасини зубила ва уриб синдирувчи болғалар ёрдамида ғадир-
будир қилинади. Айрим пайларда юзаларни ғадир-будир қилиш
металл чўткалар ёрдамида амалга оширилади. Бетонлаштиришдан ол-
дин юзалар чангдан тозаланиб, сув билан ювилиб чиқилади.

Бир томондан ёпиқ бўлмаган бетон қопламасига «кўйлак» қурил-
маси дейилади. Уларни узунаси ва кўндалангича арматуралар билан
арматуралаштирилади. «Кўйлак»ларни қалинлиги 30—100 мм дан
иборат. Қурилмаларни кучайтириладиган юзаларини эски бетон
били янги бетонни бир-бири билан жипсласиши учун юзалари
ғадир-будир қилиниб, ундан сўнг ювиб ташланади. «Кўйлак»лар
горизонтал бўйлаб арматуралар билан ва вертикаль симлар ёрда-
мида кучайтириладиган қурилманинг чўзиш зонасига қўйилади.
Бундай ҳолларда ишчи арматуралар қирқимларини ҳисоб асосида

аниқлайди. Сиқилған ва нейтрапал зоналарда арматуралар узунаси бүйлаб конструктив ҳолда ўрнатиласиди.

«Кўйлак» курилмаси ригел, ораёпма тўсинглари, устун ва пойдеворларни кучайтиришда қўлланилади. Қайта қуриш шароитида тупроқ ишлари ҳажмини қисқартириш учун кўргина ҳолларда яхши кўрсаткичларга эга бўлган пойдеворларни қозикоёқ ёрдамида кучайтириш усулини қўллаб амалга ошириласиди. Бундай усулнинг моҳияти шундаки, пойдевор остига қўйма ёки темир бетон курилмани маҳсус усул билан киритиласиди.

Бундай усул билан, одатда, эски пойдевор алмаштирилмайди, балки унинг таги кенгайтириласиди ва чуқурлаштириласиди. Кўпгина ҳолларда бундай усул билан мавжуд пойдеворлар тагига темир-бетон тўсинглар ёки металл курилмалар ўрнатилиб, кейинчалик чўзилувчан майда тўлдирувчи (щебен)дан тайёрланган бетон қоришмаси билан бетонлаштириласиди.

Мавжуд пойдеворларни қозикоёқларга кўчириб ўтказиш усулининг ижобий томонларидан бири, уларни ҳар қандай шароитда ҳам пойдевор остида ётадиган тупроқни қандай бўлишига қарамасдан ҳам қўллашдир.

Аммо бундай усулни қатор камчиликлари мавжуд. Бундай камчиликлардан бири уларни кўп қисмлигидир. Чуқур жойлашадиган қозикоёқларни ерга киритиш учун катта-катта жиҳозларни ишлатиш ҳаракатдаги цехлар шароитида амалда деярли мумкин бўлмай қолади. Шу туфайли уриб киритиладиган қозикоёқларни ҳаракатдаги корхоналарда ишлатиш унчалик кенг тарқалмаган. Қозикоёқларни барпо этишда деярли тупроқларни силкитмасдан ва копёр жиҳозларини қўлламасдан амалга ошириласиди. Бетон қоришмасини зичлаш зичлаб киритиш (қозикоёқлар) ва пневмозичлаб, яъни сиқилған ҳаво билан зичлаб киритиш усуллари мавжуд. Қозикоёқлар куруқ ҳолатда барпо этилганда, қувурнинг ичидаги сув бўлмайди. Бундай қозикоёқларнинг узунлиги 18 м гача, киритиладиган қувурнинг диаметри 400 мм гача бўлади. Бундай қозикоёқларни кўтариш қобилиятлари кучсизроқ тупроқларда 200 дан 400 кН, тоғ жинслинга таянишида 800—1000 кН гача бўлиши мумкин.

Ҳар қандай гидрогеологик шароитда энг мукаммал қозикоёқлар ҳаво ёрдамида сиқиб киритиладиган қозикоёқлар ҳисобланади. Ерга қувурни киритиб бўлиб, унинг юқори қисмига ҳаво тармоғига уланган «шлизовой» аппарат ўрнатиласиди. Қувур ичидаги қолдиқ сув сўриб олинниб, қозикоёқларни қайишқоқ бетон қоришмаси билан бетонлаштиришга киришиласиди ва бунда бетон қоришмасининг қайишқоқлиги конус чўкиши 12—16 см гача, шлиуз аппаратидан узатиб бериладиган босим 0,15—0,3 МПа бўлиши керак.

Пойдеворларни кучайтириш ишлари ишларни бажариш лойиҳа-си асосида амалга оширилади. Бунда ишларни бажариш шароитлари (участкани торлиги, ишларни бажариш зонасида технологик жиҳозлар, цех ичи транспорти, юқори кучланиш остида ишлайдиган объектлар мавжудлиги), цех муҳити шароити (чанг ва газларни ҳавода тўпла-ниш даражаси), ҳарорат, намлик режими, ёнғинга қарши техника хавфсизлиги талаблари инобатта олинади. Пойдеворларни кучайти-риш ишларини қисман ишлаб чиқариши тұхтатиш билан амалга оширганда ишчи зоналарини технологик жиҳозлардан, муҳандислик тармоқларидан бүшатишни талаб этади.

Ишчи зонасининг қенглиги (арматура, қолип бетон ишларини бажариш ва йиғиш ишлари) кўл кучи билан бажарганда 1,5 м (так-лаш зонаси билан), механизациялаштирилган усул билан бажарган-да ишчи зонасининг кенглиги 2 м ва 1,5 м ни ташкил этади.

Ишларни бажариш шартига биноан арматураларни йиғиш ва бе-тонлаштириш усуллари, ётқизиш воситаларининг типлари ва уларни ўрнатиш жойлари; бетон қоришимасининг хусусияти, лойиҳада кўрса-тилган муддатларда мустаҳкамликка эга бўлиш учун цементнинг кўри-ниши, бетоннинг хусусияти, бетон қоришимасининг қолипда ушлаб туриш усуллари аниқланади. Ҳаракатдаги корхона шароитида ишлар-ни бажариш бўйича хавфсиз тадбирлар ишлаб чиқарилади. Пойдевор-ларни кучайтириш икки усул билан амалга оширилиши мумкин: «кўйлак» қопламалар куриш йўли билан ва ўстириш (набетонка) иш-ларини бажариш йўли билан. Шу билан бирга икки усулда ҳам эски курилма янги курилма билан кўшилади ва унинг мустаҳкамлиги, ишончлиги бажариладиган тадбирларни самарали ўtkазилишига боғ-лиқ бўлади. Пойдеворни ҳамма томондан кўшимича арматуралар ўрна-тиб бетонлаштирилади ва бунда пойдеворни асосий ўлчамлари йирик-лашади. Ўстириш (набетонка) усули пойдеворни бир томонлама ку-чайтиришда амалга оширилади.

Янги бетонни эски бетон билан жипсласишиш мустаҳкамлиги ку-чайтириладиган пойдеворни юзасига ишлов беришга, бетон қори-масини ётқизиш шароитига, зичлаш усулларига, арматуралаш зич-лигига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Шу туфайли ишларни бажа-ришда қуйидагиларга амал қилиш зарур. Бетонлаштириладиган бетон юзаси ғадир-будир бўлиши, бунинг учун бетонга уриб синдиради-ган болга ва перфораторлар билан ишлов бериш керак. Бундан таш-қари, уриб синдирадиган болгалар, кўл найзалари билан бетон юза-сида чукурчаларни барпо этиш мумкин, булар бетонни бир-бири билан жипсласишишта имкон яратади.

Иш ҳажмлари кичик бўлиб, кўл машиналаридан фойдаланиш имконияти бўлмаса, мавжуд пойдеворлар юзаларини ғадир-будир қилиш учун зубила ва болғалардан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, металл чўтқалар кўлланилади.

Бетон пойдеворларни кучайтиришда перфораторлар ёрдамида шпурлар тайёрлаб, шпурлар ичига анкерларни киритиб мустаҳкамлаб қўйилади. Анкерларни қадамлари ва мустаҳкамлаш усуллари ишчи лойиҳаларида кўзда тутилган бўлиши керак. Анкерларни эпоксид клей ёрдамида ҳам ўрнатиш мумкин.

Бетонлаштиришдан олдин кучайтириладиган пойдеворларнинг юзалари тозаланиши шарт. Бундай ишлар бетон қоришимасини қолилга ётқизишдан 1,5—2 соат (об-ҳаво шароитига қараб) олдин тамомланиши зарур. Бунда шунга эътибор бериш керакки, юзалар нам ёки хўл бўлмаслиги керак, агар юзалар хўл бўлса ётқизиладиган бетон қоришимасидаги сув нисбатини ошириб юборади ва бундай ҳол янги бетон билан эски бетонни жипслашшига салбий таъсири кўрсатади.

Ишларни қиши фаслида бажарганда курилмани бетонлаштириладиган юзаларига ЗИФ-55 ёки ДК-9 компрессорлари ёрдамида ҳаво пуркаб чиқилади.

Бетонлаштиришдан олдин юзалар иссиқ сув билан намланиб чиқилиши зарур. Ишлатадиган бетон қоришимасини қайишқоқлигига қараб унинг зичлаш сифати ҳар хил бўлади. Айниқса бундай ҳол «кўйлак» ва ўстириш усуллари билан кучайтирилганда, зичлашни вибраторлар ёрдамида бажариб бўлмаслиги туфайли зичлаш ишлари қўл кучи билан амалга оширилганда кўринади. Амалий ишлар шуни кўрсатадики, бетон қоришимасининг қайишқоқлиги бундай ҳолларда конуснинг чўкиши 8—10 см га тенг бўлиши керак. Шу билан бирга бетоннинг мустаҳкамлиги уни таркибидағи сувни вакуумлаштириш усули билан сунъий ҳолда сўриб олишга боғлиқ.

Пойдеворларни кучайтириш учун тайёрланадиган бетон қоришимасини одатдаги портландцементда тайёрлаш тавсия этилади. Ҳамма бошқа цементлар (ҳаммадан тез қотувчи) «кўйлак» ва ўстириш бирикмаларини 100% лик мустаҳкамлигини таъминлаб бермайди, бундай ҳолат бетонни қотиш даврида чўкиши билан изоҳланади. Бетон қоришимасини зичлаш учун ички ва юзаки вибраторларни кўллаш зарур. Бу фақаттинга ишларни сифатли бажариб қолмасдан, ёриқ, чукурларни бетон қоришимаси билан тўлдиришга имкон яратади. Бунда мавжуд қурилма қисмининг тагида доимо юклangan тупроқни озгина сиқиши кифоя, шу билан жисм заррачаларини ўзгариши рўй бермайди. Кучайтириш туфайли пайдо бўлган пойдевор товони остидаги тупроқ маъзум вақтгача табиий ҳолатида бўлиб, фақаттинга пойдеворни ҳисоб юк билан юклагандан сўнг, яъни қайта тиклаш ишлари тамом бўлган ва пойдевор тўлиқ юк остида ишлай бошлагандан кейин сиқила бошлияди.

Бундай ҳолат кучайтирилган пойдевор ишига салбий таъсири кўрсатади, чунки пойдевор товони остидаги босим бир хилда бўлмайди. Бундай камчиликни бартараф қилиб, пойдевор товони тагидаги куч-

ланишни түғри тақсимлаш учун, олдиндан «күйлак» остидаги тупроқни зичлаш зарур. Бунинг учун кучайтириладиган пойdevорни икки томонидан, аввалдан тайёрланган асосга иккита темир-бетон блоки ўрнатилади ва бу блокларни узунлиги пойdevор томонлари узунлигидан бир оз узунроқ бўлади. Бунинг сабаби мавжуд пойdevорни турғунлигини бузмасдан блокларни тяжлар (тортичлар) билан тортиб қўйишадир. Тяжлар А-II ва А-III пўлат арматурадан тайёрланган. Тяжлар блокда маҳсус тайёрланган ариқчаларга тортилади ва қаттиқ қотириб қўйилади. Каналлар (ариқчалар) блокни ўрга қисмидан пастроқда ўтқазилади, чунки домкратларни мавжуд пойdevорлар устига ва уларни юқори қисмига таянтириб, блоклар қиялик ҳолатига келтирилади. Бунда асосий пойdevор орасида пайдо бўлган чоклар намланган цемент билан тўлдирилади (чеканка қилинади). Кўтарилиган блоклар арматура тяжлари (тортичлар) тараанглашади ва шу вақтни ўзида товоң остидаги тупроқни зичлайди.

Блок ва мавжуд пойdevорлар орасидаги оралиқ арматурани занглашининг олдини олиш учун бетон қоришимаси билан тўлғазилиб чиқилади. Бунда бетон қоришимасининг маркаси блок ва пойdevор бетонининг маркасидан паст бўлмаслиги керак. Машина ва технологик жиҳозлар тагидаги пойdevорлардан узоқ муддат фойдаланилганда динамик юклар таъсирида уларда ёриқлар пайдо бўлиши ва ривожланиб қурилмаларни бузилишига олиб келиш мумкин. Айниқса бундай ҳоллар йигма пойdevорларга хосдир. Бундай пойdevорларни таркибига синтетик смола кирилиган материаллар билан қайта тиклаш мумкин. Бу усулда пойdevорлар тезда фойдаланишга топширилади, чунки смолалар жуда тез қотади. Асосий компонент сифатида ЭД5 ёки ЭД6 эпоксид смолалари қўлланилади, буларга қўшимчалар (маршалит, янчилган кварц кули ва бошқалар) ва қотирувчилар кирилилади. Юқорида кўрсатилган материаллардан тайёрланган биримка гидравлик насос ёрдамида ёриқларга кирилилади.

Синтетик смолаларни худди шундай жиҳозлар тагига анкер болтларини ўрнатища ҳам ишлатадилар. Бундай усул қайта тиклаш ишларида ёки пойdevорни таъмирлаш ишларида жуда ҳам унумли ҳисобланади. Уларнинг асосий моҳияти куйидагидан иборат: технологик жиҳознинг таянч қисмидаги тешиклардан кўл машиналари ёрдамида кудуклар пармаланади. Улар орқали эпоксид клейи киритилиб, қисқа силлиқ симлардан ташкил топган анкер болтлари ўрнатилади.

Эпоксид клей қотиб бўлгандан сўнг лойиҳада кўрсатилган талбага мувофиқ болтлар тортиб қотирилади. Агар жиҳознинг таянч қисмидан қудукни пармалаш қийин бўлса ёки жиҳозни ўз вақтида олиб келишининг иложи бўлмаса, болтларни юқорида келтирилиган технология асосида ўрнатилади.

Болтларни жойлашиш ўринини аниқлаш учун умумқабул қилинган геодезик бўлиш усули қўлланилади.

Бетонда қудуклар күчма станок ИЭ-1801 пармаси билан пармаланади.

ИЭ-1801 ставогининг техник таърифи

Кудуклар диаметри	25 мм гача
Пармалаш чуқурлиги	380 мм
Шпинделни айланыш тезлигиги	70—130 рад/с
Двигателнинг куввати	2,2 Вт.
Ўзгарувчан кучланиши	220/380В

Роликли ва таянч қисмларида ўрнатилувчи, пармаловчи станокни ишчи ҳолатига шовун ёрдамида ўрнатиб, бутун чуқурлик бўйича пармаланади ва пармаланган тупроқ чиқариб ташланади. Қудукларни диаметри 22 дан 44 мм бўлиб, чуқурлиги 350 мм, унга пармалаш учун кетадиган вақт тахминан ўргача ҳисобда 5 мин ташкил этади. Клейни тайёрлаш учун ЭД 6 эпоксид смола, полиэтилен полиамин ПЭПА, дигитилфтаолат ДБВ ва кварц қуми қўлланилади. Болт ўрнатиладиган жойда ҳарорат ошиши билан кварц қумининг миқдори ҳам ошиб боради.

Эпоксид клей (смола ЭД-6) ни қатламлар билан ётқизиш зарур. Бунинг учун уни сув ваннасида 60—80° С қизитиб, ундан кейин иситилган пластикатор смолага (дигитилфтолат) аралаштирилади. Қорищманни 8—10 мин давомида қорищтирилади, қорищтириши ҳаво кўпиклари йўқолгунча давом этирилади. Ундан кейин пластификация қилинган смолани полиэтилен полиамин (қотиувчи) билан қорищтириб, унча катта бўлмаган бўлаклар билан бир вақтни ўзида қорищтириб куруқ қум қўшилади. Анкер болтлари ўрниларига ўрнатилишдан олдин уларни ёғлардан, зангдан тозалаш учун 20% ли хлорат кислота билан ишлов берилади. Бунгача пойдевор бетони ўзининг 10% лик мустаҳкамлигини олиши керак. Болтларни ўрнатишда куйидаги ишлар бажарилади:

кудуқ чангдан сиқилган ҳаво ёрдамида тозаланади;

кудуқ ичига йигиладиган ҳалқани пастки қисми ўрнатилади;

кудуқ баландлигининг учдан икки қисми эпоксид клей билан тўлдирилади;

секин ҳаракат қилиниб болтни пастки ҳалқага етганича туширилади.

Болтларни тортиб қотириш уларни кудукқа ўрнатгандаридан 72 соатдан сўнг амалга оширилади. Болтларни клейда ўрнатиш вақти дикқат билан назорат қилиб борилади. Шу билан бирга болтларни ўрнатиш пайтида бетоннинг мустаҳкамлиги, клей таркибини ҳаракатдаги андозаларга мослиги, эпоксид клейнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, металл ва бетон юзаларининг тозалиги, занг ва ёғ

доғлари йўқлиги, эпоксид клейнинг иситиш даражаси текшириб борилади. Кудукдаги бетон юзасининг тозалигини юзаки кўриш билан назорат қилинади. Кудук ичини клей билан фақатгина «материк» бетонигача тозалаб бўлгандан сўнгтина тўлдирилади.

Юқорида изоҳланган усулнинг асосий қуалайлиги: металл сарфини, болтларни қудукқа киритиш узунлигини қисқартиради. Бундан ташқари, бундай усул бажарилиши бўйича оддий, пойдеворларга жиҳоз ва машиналарни ўрнатиш ишларини бажаришда меҳнат сарфи камаяди. Диаметри 24 мм ли 1000 болтни ўрнатишда меҳнат сарфи 800 соатга қисқаради.

6.4. МАВЖУД ПОЙДЕВОРЛАРНИ КЎЧИРИШ ВА ЯНГИ ПОЙДЕВОРЛАРНИ ЎРНАТИШ

Ишлаб чиқариш биноларини янгитдан қуриш даврида устунлар тагига янги пойдеворларни бинонинг ўзини бузмасдан ўрнатиш зарурияти туғилади. Бунинг сабаби пойдеворларга тушадиган оғирлик ошади, бу ўз-ўзидан уни жойлаштириш чуқурлигини ўзгартиришни талаб этади. Иншоот турғунлигига хавф туғдирадиган пойдевор асоси қандайдир бир сабабларга кўра кўтариш қобилияти пасайса (мисол учун ер ости сувларининг ошиши ёки пасайиши, ернинг узлуксиз равищда машиналар ҳаракати туфайли силкиниб туриши ёки пойдевор асосидан пастроқ жойлашган ер ости муҳандислик тармоқлари, коллектор ва туннелларнинг салбий таъсири) уни кўчириб янгилаш зарур бўлади.

Пойдеворларни янгилаш ишларини иккита асосий босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич. Бу босқичда ишлар бино турғунлигини ва бутун алмаштириш бўйича иккинчи босқични таъминловчи технологик иш ҳаракатини бажарилиши билан амалга оширилади. Бунда кейинги ишларни бажариш учун хавфсиз шароитни яратиб қолмасдан, балки алмаштириладиган пойдеворларни, устунларга тушадиган юкларни горизонтал тўсиниларга ва ушлаб турувчи қурилмаларга узатиб бериши таъминланади.

Иккинчи босқич. Пойдеворларни алмаштириш бўйича иккинчи босқич полларни кўчириш, котлованларни қазиш, траншеяларни кавлаш, эски пойдеворни кўчириш ва янгисини барпо этиш ишларини ўз ичига олади. Кўрсатилган ишлар кўпинча тор жойларда амалга оширилади, шунга қарамасдан уларни оддий анъанавий усулда олиб бориши мумкин. Уюштириш нуқтаи назардан энг қийин иш ҳаракатдаги цехлардаги станоклар остига пойдеворларни барпо этиш ҳисобланади. Бундай пойдеворларнинг товоnlарини ётқизиш чуқурлиги, одатда, станоклар тагига олдин барпо этилган пойдевор чуқурлигидан кўпроқ бўлади. Бундан ташқари, уларни баландлиги

бўйича кетма-кет тушишини ҳисобга олиш, ҳар хил токчалар, қудулар, анкер болтлари тагига чукурчалар барпо этиш талаф этилади.

Машина ва технологик жиҳозлар тагига барпо этиладиган пойдевор ҳажмлари катта бўлиб, бундай пойдеворларни барпо этиш типик усулда бўлиши мумкин эмас. Бунда мавжуд пойдеворлар товонининг чукурлиги, тупроқ шароитлари, бинонинг баландлиги, устунлар оралигининг кенглиги ва бошқалар ҳисобга олиниади. Мавжуд пойдеворларни ва муҳандислик тармоқлари бўйича ишларни бажариш участкаларида доимий геодезик назорат ташкил этилади. Шу мақсадда бинони қутарувчи қисмларига нивелирлаштириш нишонлари ўрнатилади ва бундан ташқари, маълум бир жойларига гипс, шиша ва қофоздан бажарилган кўрсатичлар ўрнатилади. Шунингдек, металл синчларини, том қопламаларни ва уларни суюб турган қисмлари зўриқишини доимий равишда синчилаб ўрганиб борилади.

Мавжуд пойдеворларда чўкиш пайдо бўлганда қўшимча зўриқиши пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида ферма устунлари қотирилган тутамлар шарнирларга алмаштирилиши зарур. Ишларни қиши фаслида олиб борганда том юзасида ортиқча қор тўпланиб қолишга йўл қўйилмайди.

6.5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Мавжуд пойдеворларни кўчириб олиш ва янги пойдеворларни барпо этиш ИБЛ (ишларни бажариш лойиҳаси)га мувофиқ ҳолда амалга оширилади. Пойдеворларни алмаштириш бўйича ишларни бажарилади иш зонасини технологик жиҳозлардан ва муҳандислик тармоқларидан бўшатилиши зарур. Бажариладиган ишларни имконияти борича маълум вақт бирлигига бажарилиши таъминланади ва бунда барча хавфсизлик чоралари кўрилади. Тор жойларда ишлаш имкониятлари инобатга олиниади. Пойдеворларни алмаштириш жараёнида бинони қутарувчи қисмларини қайта тиклашда тиргович тизимларини ўрнатиш, юкларни горизонтал ҳолда ушлаб турувчи тўсингларга узатиб бериш, устунларни осилтириб қўйиш ва ростверкларни барпо этиш йўли билан вақтинчалик ушланиб турилади. Мавжуд пойдеворларни алмаштиришда ва уларни юксизлантиришда ишларни бажариш кетма-кетлиги ИБЛ да кўрсатилган бўлади. Синчли биноларда пойдеворларни юксизлантиришга устунларни осилтириш усули дейилади. Темир-бетон устунларини хомут ва симлар ёрдамида осилтирадилар, бунинг учун ҳар бир устунда тешиклар қолдирилиб, қабул қилинадиган кучларга қараб узунлиги 25—32 мм ли симлар ўрнатилади. Ундан кейин симларни пастки ва юқори қисмидан, уларга яқинроқ жойдан устунга иккита пўлат хомут ўрнатилиб, болтлар


билан тортиб қотириб қўйилади. Хомутларнинг ўлчамлари устун кесимлари ташқи ўлчамларига тааллуқли бўлиб, пўлат листларнинг қалинлиги 20—22 мм бўлиши керак. Хомутларнинг баландлиги болтларнинг сонига боғлиқ бўлиб, одатда 200—220 мм дан ошмайди. Қисмларнинг ишончли ҳолда ишлашини таъминлаш учун хомутлар оралигидан, симлар ўрнатилади ва улар тешиклар орқали поналаниб қўйилади. Бу устунларни кўтариш қобилиятини оширади ва юклар таъсиридан, хомутларни сикиш кучларидан бузилишининг олдини олади. Шунинг учун хомутларни болтлар ёрдамида тортиб қотириш, тешиклардаги бетоннинг мустаҳкамлиги 100% га етгандагина амалга оширилади. Горизонтал тўсиналарни шпаллардан тузилган панжаларларга (энг кўп тарқалган усул), бетон блокларга ёки маҳсус ўрнатилган асосларга таянтирилади.

Тўсиналарни таянтириш усуллари ИБЛ ни ишлаб чиқариш босқичида танланади. Агар устунларга ўрнатилган хомут ва симларни сатхлари, горизонтал ҳолатдаги таянч юзаларининг сатҳларидан анчаги на катта бўлса, ундан ҳолда охиридагига қўшимча пўлат тўсиналар ўрнатилади. Йиғиш ишларини бошланишида, пўлат арқонлар ёрдамида устунлар пойdevор билан боғланади ва арқонлар мураккаб бўлмаган винт курилмаси ёрдамида тортилади. Горизонтал тўсиналарга поналар, қистирмалар ва домкратлар ёрдамида узатиб берилади.

Пўлат устунларни осилтириб қўйиш учун уларни бетонлаштириш ёки уларда тешиклар пармалаш керак бўлмайди.

Эски пойdevорлар товонларининг чуқурлиги 2,3—2,4 м бўлиб, мавжуд устунларнинг тагига товонларини чуқурлиги 5,4 м дан 8,4 м бўлган пойdevорларни ўрнатиш вазифаси қўйилса, ишлар қуидидаги ҳолатда амалга оширилади. Қарама-қарши пойdevорлар орасига пўлат кувурлардан тайёрланган (узунлиги 13,5 м) тўртта қозиқоёқ ўрнатилади (кувурни диаметри 426 мм ва қалинлиги 10 мм). Ҳар бир тутамда (бирикмада) иккитадан қозиқоёқ бўлиб, улар горизонтал йўналишида ушлаб турувчи тўсиналарнинг асоси бўлиб хизмат қиласи. Осильтириб қўйиладиган устунларга қаттиқ қовургалар пайвандланади ва улар орқали бинонинг ушлаб турувчи синчидан юкни горизонтал тўсиналарга узатиб беради. Бунда 100 тн лик гидравлик домкратлар ва ёрдамчи икки таврлик тўсиналардан фойдаланилади. Тўсиналар ва устунни қаттиқ қовургалари орасига пўлат қистирмалар ўрнатилиб, кейин пайвандлаб чиқиласи (11-чизма).

Эски пойdevорни портлатиш усули билан қўпориб олингандан сўнг янгиси барпо этилади. Қозиқоёқлар пайвандланган боғловчилар ёрдамида фазовий туркумга айлантирилади. Қозиқоёқларни қоқиб бўлгандан сўнг уларни турғун юкларга синалиб кўрилади, бунда юкларни босиб киритишдаги оғирлиги 400—450 кН га тенг бўлади. Пойdevорларни алмаштириш жарабёнида ушлаб турувчи горизонтал тўсиналарни чўкишини инструментал назорат орқали кузатиб бори-



11-чизма. Чүкүр жойлаштирилган пойдеворларни барпо этишда пүлат устунни осиши чизмаси:

1—металл қозықоёклар; 2—ушлаб турувчи горизонтал металл түсін; 3—ёрдамчи иккі таврлы түсінілар; 4—осилттирилдеган устун; 5—пайвандланған қаттық қовурғалар; 6—гидравлик дөмкөтлар; 7—яңти пойдевор.

лади. Устунларни ушлаб турувчи қурилмаларини барпо этиш учун эски цехни бузишдан чиққан материаллардан фойдаланилади (кран ости түсінлари, металпрокат ва бошқалар).

Пұлат устунларни осиб құйишини шпренгел туркумли боғловчилар ёрдамида амалга оширилиши ҳам мүмкін, уларнинг қыслары бўлиб иккита ёнма-ён устунларни боғловчилар фермалар хизмат қиласди. Осилтириб қўйилган устундан тушадиган юқ фақаттинга иккита ёнма-ён турган устунларга эмас, балки боғловчилар туркумига киравчи бошқа устунларга ҳам тушади. Устунларни орада биттадан қолдириб осадилар.


Биринчи гурух устунларининг пойдеворларини алмаштириш ишларини тутагиб бўлиб фермалар кўчириб олинади ва иккинчи гурух устунларини алмаштириш жойига ўрнатилади. Мавжуд зинапояли ёки столб шаклидаги пойдеворларни қозикоёқли пойдеворларга алмаштиришда, ростверк қўйма ёки йифма темир-бетон курилмасидан фойдаланилади. Кўпгина ҳолларда мавжуд пойдеворлар тагига темир-бетон ёки металл курилмаларни ўрнатиб, кейинчалик уларни бетон билан қоплаб ташлайдилар. Агар мавжуд пойдеворларни кўпгина қисмини алмаштириш кўзда тутилган бўлса, ростверклар алоҳида катта бўлмаган бўлаклар кўринишида амалга оширилади ва уларнинг катталигини ҳисоб йўли билан аниқланади, бу бино пойдеворларнинг ҳақиқий кўтариш қобилиятига боғлиқ бўлади.

6.6. ЯНГИ ПОЙДЕВОРЛАРНИ БАРПО ЭТИШ

Бино синчи ва технологик жиҳозларнинг тагига янги пойдеворларни барпо этиш комплекс ишларни бажариш билан боғлиқдир: пол қопламларини ва бетон тайёрлов қатламини кўчириш, мавжуд пойдеворларни бузиш ва бузишдан чиққан материалларни чиқариб ташлаш ва ҳоказолар.

Янги барпо этиладиган пойдеворларни қуришда энг унумлиги ташкилий-технологик усулни кўллаш цехни тўхтаб туриш муддатини қисқартиради, яъни янгитдан қурилдиган участкани муддатидан олдин ишга топширишга имкон беради.

Қолип турларини танлашда энг аввало эътибор енгил, кичкина шитли, мураккаблаштирилган инвентар қолипга (енгиллаштирилган қаттиқ металл каркасли, палубаси арzon материаллардан бажарилган) берилади. Истиқболли қолиплар турига кўчирилмайдиган, кичкина ўлчамли темир-бетон плита-оболочкалар кириб, уларнинг оғирлиги 40 кг гача бўлади. Ўлчамлари ва оғирлиги унча катта бўлмаган, кўчирилмайдиган кичик шитдан тайёрланган қолипларни ташиш, транспорт воситаларидан тушириш, таҳлаш ва яхлитлаш ишларини ҳаракатдаги корхона шароитида ва ўта тор жойларда бажариш имконини беради. Уларни йиғишида маҳсус транспорт воситалари ҳам ке-



12-чизма. Автобетоннасос ёйининг узунлик ҳолати.

рак бўлмайди. Кўчирилмайдиган плита-қобиқлар бетон курилмаларини пардоzlаш қатлами бўлиб хизмат қиласди.

Кўчирилмайдиган қолип плиталарнинг тўрлари қалинлиги 3 см, пайвандланган тўр билан арматуралаштирилади, бунда симларининг диаметри 4—6 мм; ячейкалари 150x150мм бўлади. Параметри бўйлаб закладной қисмлар пайвандланади, улар уголок ёки пўлат листдан бажарилган бўлади ва бу закладной қисмлардан плиталарни бир-бирларига қўйма бетон арматураси билан пайвандлашда фойдаланилади. Бундай плиталарни кичик ўлчамлиги ҳар қандай қўйма курилмани қоплашга имконият яратади ва ёғоч материалларни тежаб қолишга ёрдам беради.

Арматура турлари ва каркаслари иш жойларида тайёрланади ёки курилиш майдончасининг торлик даражасига, уларни тахлаш имкониятига қараб тайёрланади, арматураларни олиб келиш шароитга ва йигиши воситаларининг мавжудлигига қараб яхлитланади.

Бетон қоришмаларини ётқизиш воситаларини уларни цех ички йўлларидан олиб келишигига, цех ичидаги пардеворларда ойнак ўрин-

ларини барпо этиш, қурилмаларни бетонлаштириш суратига қараб танланади. Бетон тез орада мустаҳкамлигини олиши учун, бетон қоришимасига тез қотирадиган (хлорли кальций САСЛ ва бошқалар) тезлатгичлар күшилади. Күшимиңчаларни оптималь микдорда күшилиши зарур. Күшимиңчаларни оптималь ўлчамлари одатда олдиндан аникланади. Қабул қилинган бетон қоришимасини таркиби синов қоришимасида текшириб күрилади. Пойдеворларни барпо этиш бўйича ишлар узлуксиз ҳолда амалга оширилиши зарур.

Бетонлаштириш давомида фақаттинга бетон сатҳини ишчи чизмаларида кўрсатилган ҳолатигача, яъни ишчи чокларигача бетонлаштирилади.

Автобетоннасос ёйининг узунлик ҳолати 12-чизмада берилган.


Бетонлаштиришни узлуксиз ҳолда олиб бориш, ишларни тезлаштиришдан ташқари, мавжуд пойдеворларнинг чўкишини олдини олишга ёки унинг микдорини пасайтириш имконини беради. Қайта қуришда кўпгина ҳолларда бино пойдеворлари олдида ишларни бажаришга тўғри келади. Шу муносабат билан динамик усувларни қўллаб таъсир кўрсатишни (қозиқоёқларни болғалар билан уриб киритиш, шпунтларни виброюқлагичлар билан киритиш, тупроқларни зичловчи плиталар ёрдамида зичлаш, бетонни майдалаш, музлаган тупроқни уриб синдириувчи болғалар билан ишлов бериш) пойдеворлар ёнида имкони борича камайтириш зарур, бу пойдеворларни чўкишининг олдини олади. Биноларни қайта қуришни ўзига хос шароитлари мавжуд машиналарни турли чекловчи воситалар билан жиҳозлашни талаб қиласди. Жумладан, йиғувчи кранлар ва экскаваторлар тор жойларда бурилиш бурчаги ва ёйини баландга кўтарилишини чекловчилар билан жиҳозланган бўлиши керак. Кранларни бундан ташқари, кўтарадиган юкларини чеклаш зарур.

Бетон қоришимасини тор жойларда узатиб бериш учун турли кичик ўлчамли кранлар, мавжуд кўприкли кранлар, лентали конвейерлар, автомобилга ўрнатилган бетоннасослар, виброхобот ва вибротарновлардан фойдаланилади.

Кўприкли ва ёли кранлар ёрдамида технологик жиҳозлар тагидаги пойдеворни бетонлаштириш схемаси 13-чизмада берилган.

Бетон қоришимасини кранлар ёрдамида узатиб бериш усулида бир сменада бетон ишларининг ҳажми $30-35 \text{ m}^3$ тезлиқда олиб борилганда мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Бунда юк кўтариш қобилияти 10–16 тн ва ундан ҳам кўпроқ бўлган телескопик ёли автомобил кранларини кўллаш мумкин.

Ўта тор жойларда енгил «Пионер» типидаги кранларни, тельферли кран-тўсинларни, лебёдкаларни кўллаш тавсия этилади. Авто-транспорт воситалари ўтиб бўлмайдиган жойларда, бетон қоришимасини кичик ўлчамли мотележка ва думитторлар ёрдамида етказиб берилади. Кичик ўлчамли, кўп оғир бўлмаган қурилмалар (оддий



13-чизма. Күпприкли ва ёйли кранлар ёрдамида технологик жиҳозлар тагидаги пойдеворни бетонлаштириши.

устунлар, ригеллар, ораёпмалар, том ёпмалари ва юпқа девор қисмлари ва бошқалар)ни сифими $0,5\text{--}1\text{ m}^3$ бўлган бадъялар, катта ўлчамли қурилмалар (ўртacha ҳажмли бино ва иншоотлар остидаги пойдеворлар, кучли синчлар, тиргович деворлар ва бошқалар) сифими $1\text{--}2\text{ m}^3$ бадъялар ёрдамида бетонлаштирилади.

Катта оғир қурилмалар (домналар тагидаги пойдеворлар, прокат станлари, тутун трубалари, гидротехник иншоотлар блоклари ва бошқалар) сифими 2 m^3 ва ундан кўпроқ бўлган бадъялар ёрдамида бетонлаштирилади. Силкинувчи транспортлар бетон қоришишмасини $5\text{--}20^{\circ}$ бурчак остида ва 30 m гача бўлган масофага узатиб беришда кўлланилади.

Кам ҳаракатланувчи бетон қоришишмаларини горизонтга нисбатан $5\text{--}20^{\circ}$ бурчак остида узатиб бериш вибраторлар билан жиҳозланган айланма ва узунаси бўйлаб силкитувчи (бир мин $2500\text{--}3000$) желоблар (тарновлар) билан узатиб бериш унумли ҳисобланади. Бетон қоришишмасини энг катта ҳаракат тезлиги бетон қатлами $20\text{--}23\text{ см}$ бўлганда эришилади. Лотокларни ярим доирали киркимлари энг қулай вариант ҳисобланади. Бетон қоришишмасини 2 m дан 10 m гача баландликка узатиб беришда металл ёки резинали хартумлар ишлатилади. Металл хартумлар конус шаклидаги звенолардан йигилади, уларнинг узунлиги $600\text{--}1000\text{ mm}$ бўлади. Хартумлар 10 m дан кўп бўлган чукурликка бетон қоришишмасини силкинувчи хартумлар ёрдамида уза-

тиб беради. Силкинувчи хартумлар узунлиги 1000—1500 мм узунликдаги звенолардан бўлиб, улар қувур бирималардан иборатdir. Хартумлар вибраторлар билан жиҳозланган бўлиб, бундай вибраторларда ҳар 2—4 секцияда битта сўндирувчи ўрнатилади. Бундай сўндирувчиларнинг вазифаси бетон қориши маси оқимини тезлигини пасайтиришdir. Оралиқ сўндирувчилар ҳар 10—11 м да ўрнатилади. Кўчириладиган лентали конвейерлар асосан қўйма, ўлчамлари катта бўлмаган ($5-8 \text{ м}^2$) қурилмаларни бетонлаштиришда кўлланилади.

Лентали бетон ётқизувчилар билан ҳажмлари катта бўлган пойдеворлар ва ўлчамлари катта бўлган қурилмалар бетонлаштирилади. Бетонлаштириш тезлиги бир сменада 20 м^3 бетон бўлгандага мақсадга мувофиқdir. Ишчи органларига қараб бетон ётқизувчилар турғун ва узатиб берувчи осма ёй билан жиҳозланган бўлишлари мумкин. Телескопик ёйнинг мавжудлиги бетон қориши масини қурилмаларга тақсимлаб бериш ишларини механизациялаштиришга имкон яратади.

Бетоннасослар билан қурилмаларни бетонлаштириш ($6 \text{ м}^3/\text{соат}$) бошқа механизация воситаларини қўллаш имкони бўлмагандага кўлланади. Бетоннасос ускунлари турғун, шатакли ва ўзи юрувчи кўринишларда ишлаб чиқарилади. Кам арматурали, оғирлиги $10\,000 \text{ м}^3$ ли ва ундан каттароқ қурилмаларни бетонлаштириш учун ишлаб чиқариш кўрсаткичи соатига $40 \text{ м}^3/\text{ли}$ бетон узаттични, диаметри 203 мм дан каттароқ турғун бетоннасосларни қўллаш мақсадага мувофиқdir.

Бетон қориши масини технологик туйнуклар ва бошқа этишиш қийин жойларга узатиб бериш зарурияти туғилганда шатакли ва ўзи юрувчи бетоннасос ускуналари қўлланилади. Ўта тор жойларда пойдеворларни барпо этишда бетон қориши масини узатиб бериш ва жойлаш учун кўприкли кранлардан, улар йўқ бўлгандага ёки улардан фойдаланиш имконияти бўлмагандага шатакли ва ўзи юрувчи бетоннасослардан фойдаланилади.

Пойдеворларни зичланган котлованларда барпо этиш усулининг моҳияти шундан иборатки, алоҳида турган пойдевор тагига котлован қазимасдан тегишли чукурликка зичлаб бетон қориши маси киритилади. Тупроқларни зичлаш натижасида пойдевор тагига ҳамда унинг атрофида зичланган зоналар пайдо бўлади ва улар бўйлаб тупроқ чўкиши тутатилади, мустаҳкамлик хусусияти ошиб боради.

Тупроқларнинг кўтариш қобилиятини ошириш учун пойдевор тагидаги котлованга қаттиқ тупроқ материаллари порциялар билан тўкилиб зичланади (чакиртош, кумтош аралаштириш, катта заррали кумлар ва бошқалар). Курилиш майдонининг пол асосини ҳам зичлаш, ҳам котлованни барпо этиш иш ҳажмини кескин равишда камайтиради.

Котлованларни зичлаш учун кран-эксекваторлар ёки осма жиҳозлар билан жиҳозланган тракторлардан фойдаланилади. Узунлиги

8 м дан 12 м гача бўлган йўналтирувчи штанга зичлагични вертикал бўйича бир жойга тушишини таъминлаб беради.

Зичланадиган котлованларда устунсимон пойдеворларнинг асосларини кенгайтирмасдан барпо этишда қаттиқ материалларни киритиб зичлаш натижасида кенгайтирилган лентасимон пойдеворларни барпо этиш усули ишлаб чиқилган ва мувафакқият билан қўлланилиб келинмоқда. Бундан ташқари, пойдевор атрофи ва тагига қаттиқ материалларни зичлаш йўли билан пойдевор қуриш усули мавжуд.

Аммо котлованларнинг шаклларини сақлаб қолиш билан зичлаш ва пойдеворларнинг керакли кўтариш қобилияти синов ва тажриба йўли билан тасдиқланган бўлиши шарт. Пойдеворлари зичланган котлованларда асосларини кенгайтирган ҳолда барпо этиш усули шундан иборатки, котлованлар 2—3,5 м чукурлаштирилиб, улар 60—90° остида ўткирлаштирилган думмили зичлагич билан зичланади.

Котлованларга қалинлиги 0,6—1,2 м бўлган қаттиқ материаллардан (чакиртош, майдо тош, тупроқ тош аралашмаси, катта заррачали кум) асосга ётқизилиб зичланади. Қаттиқ материални котлован асосида зичлаш натижасида шу материалдан кенгайтирилган асос пайдо бўлади ва зичланган тупроқ зонаси чукурлиги, тархи бўйлаб кенгаяди. Котловани юқори қисмини қўйма бетон билан кўтарилади ва вибраторлар ёрдамида зичлаб, устун остига стакан ёки бино қурилмасини таянтириш учун таянч супачаси барпо этилади.

6.7. ПОЙДЕВОР ВА БОШҚА ЕР ОСТИ ҚУРИЛМАЛАРИНИ СУВДАН МУХОФАЗА ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Сувдан муҳофаза қилиш ишлари умумий қурилиш ишлари мажмуасига кириб, бино ва иншоотлар тиклангандан сўнг ёки пойдеворлар барпо этилиб, улар кучайтирилгандан сўнг амалга оширилади. Куйида илғор усуллардан полиэтиленларни қўллаш усули қўриб чиқилади, бу усул ўзининг унумлилиги ва устунлиги билан ҳозирги вақтда кенг қўлланилиб келмоқда.

Полиэтиленлар қалинлиги 2—2,5 мм ва ўлчамлари 1450x1700 мм ёки 1450x2000 мм бўлиб, улар ТУ 05-1313-70 «Полиэтилен қопламалари» га мувофиқ кўринишда ишлаб чиқарилади.

Бу материални физик-механик хусусиятлари (сув сўришлиги амалда нолга тенг; чўзища чидамлик чегараси 10—12,5 МПа; узища нисбий чўзишлиши 200—400% га тенг) ҳар томонлама ўрганилган. Бунга яна шуни қўшиш керакки, полиэтиленлар кислота ва ишқорларга жуда ҳам чидамли (куюқлаштирилган азотдан ташқари). Уни пайвандлаш учун катта бўлмаган ҳарорат (110—120°) етарли. Полиэтилен қопламаларини ташқи ҳаво ҳарорати—40°C да ҳам пайвандлаш мумкин.

Сувдан муҳофаза қилиш ишларини бошлашдан олдин полиэтилен қопламлари ёпиқ хонада яхлитланади. Тажриба шуну күрсатади-ки, полиэтилен қопламасининг күндаланг кенглиги ўлчамини 2—4 м га етказиш меҳнат сарфини пасайтиришга, иш унумдорлигини оширишга имкон беради. Қопламалар верстакда пайвандланади. Унинг баландлиги 1,2 м бўлиши керак. Полиэтилен қопламаларини тайёрлашда инфракизил нурлари билан пайвандловчи «Пилад» ускунаси қўлланилади. У поливинилхорид линолеум қопламасини пайвандлашда қўлланилиб келмоқда. Қопламанинг узунлиги иншоотни күндаланг қирқими ўлчамига боғлиқ бўлиб, деворларга қопламаларни қоплаб, кейинчалик вертикал деворни сувдан муҳофаза қилиш қатлами билан бириттирилади.

Полиэтилен қопламларини қурилиш майдонига транспорт воситаси билан олиб келинади ва ИБЛга мувофиқ тахланиб қўйилади. Бунда рулонлар вертикал ҳолатда сакланади. Қоплама тайёрлов юзаси бўйлаб ёзилади ва табиий ҳолда текислангунча ушлаб турилади. Қопламалар электр ҳаво ёрдамида ишловчи пистолет горелкалар ёрдамида пайвандланади. Бу қурилма ҳаво пуркагични учидан ҳаво оқими ҳароратини 200—230°C қўтиришга имкон беради.

Горелка пистолетни никромли спирали 368 кучланишдаги электр токи билан иситилади. Ток эса тармоқ кучланишидан пасайтирувчи трансформатор орқали (куввати 1кВт) узатилади.

Горелкани ҳаво билан таъминлаш учун 0—38 электр компрессор қўлланиб, ҳаво 0,1 МПа босимда етказиб берилади.

Горелка пистолетининг сопида вентил билан штуцер жойлаштирилган. Вентил ёрдамида ҳаво сарфи ва босим тартибга солинади. Қопламани чокма-чок эритувчи сим ишлатилиб, аввалдан гильотин ёрдамида андозага мослаб кесилган полиэтилен пайвандланади. Пайвандланган чокларни ишончли бўлиши ва зичлигини таъминлаш учун уларни эски латталар (ацетон билан бўктирилган) ёрдамида артилади.

Пайвандлашда чоклар металл валиклар ёрдамида сиқиб қўйилади, валикни ишчи органининг кенглиги 40 мм га teng бўлади. Арматура каркасларини ўрнатишда полиэтилен қопламаларини йиртилиб кетишининг олдини олиш учун, пайвандлаб бўлгандан сўнг устидан рувероид қатлам ётқизилади.

Иншоотнинг вертикал юзаларига қоплама мастика БКС ёрдамида ёпиширилади. Мастикани эса қурилиш шароитида тайёрлайдилар. Таркиби компонентлари Б-III битум, синтетик латекс СКС-30 ва солярка ёғидан ташкил топган. Мастиканинг ҳарорати 80—100°C дан кам бўлмаслиги шарт. Муҳофазаланадиган юзага мастикани уч қатлам қилиб (ҳар бирининг қалинлиги 2—3 мм) шпател ёрдамида текислаб тортилади. Полиэтилен қатламларини бир-бири устига мин-

дириб, қирраларини электр ҳаволи горелка ёрдамида пайвандлаб ташланади. Бу ишларни қуруқ об-ҳавода амалга оширадилар. Иш ҳажмлари ва иш қўлами катта бўлганда қопламаларни пайвандлаш 2—3 звеноли бригада ёрдамида амалга оширилади. Бунда ҳар бир звенога алоҳида участкалар ажратиб, участкалар ўлчамлари эришилган ишлаб чиқариш кўрсаткичига қараб ажратилади. Ҳар бир звено бу ҳолда алоҳида пайвандлаш пости билан таъминланади. Сувдан муҳофаза қилиш қопламаси тешимаган, йиртилмаган ва пайванд чоклари оралиқда қолиб кетмаган бўлиши зарур. Унинг юзаси текис, силлиқ, ҳаво пуфакларисиз ва буришиш бўлмаслиги керак. Шу муносабат билан бажариладиган ишларнинг сифатини доимо назорат қилиб бориш зарур.

Пайванд чокларининг зичлиги ва мустаҳкамлиги органишадан тайёрланган, қалинлиги 10 мм ли поролон ва эластик резинка билан қопланган вакуум рамка ёрдамида текширилиб борилади. Бу ускуна назорат қиладиган вакуумметр билан таъминланган бўлиб, патрубкага мустаҳкамланган, патрубка эса ускунани қопқогига пайвандланган. Вакуум рамкани синаладиган чок супачаси устига ўрнатилганидан сўнг шугуцер орқали компрессордан ҳаво сўриб олинади.

Пайвандланадиган чокни сифати ҳавони сўриб олишда 66,65—79,98 кПа (500—600 мм/т столб) назорат қилинадиган вакуумметр бўйлаб чок йиртилмаса сифатли деб ҳисобланади. Синов кўрсаткичлари тегишли маълумотнома билан расмийлаштирилади. Бузилган ва синовдан ўтмаган сувдан муҳофаза қилиш қатламини участкалари полиэтилен билан қайта қопланиб, кейинчалик яна текшириб кўрилади.

Сувдан муҳофаза қилиш қопламаларини топширишда қўйидаги ҳужжатлар кўрсатилади:

пайвандланадиган чокларни синов маълумотномалари;

ишларни бажариш журнallари;

пайвандланадиган чокларнинг зичлигини текшириб кўрувчи маълумотномалар;

полиэтиленни ишлаб чиқарилганилиги тўғрисида завод паспорти.

Қоплама полиэтиленни ишлатиш сувдан муҳофаза қилиш қатламининг мустаҳкамлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, индустрiali иш усулларини қўллаш натижасида курилишни тезлathiшга имкон яратади. Бундан ташқари, ер ости курилмаларини шу кўринишдаги муҳофаза қатлами билан қоплаш анчагина иқтисодий фойда келтиради.

Коллоидли цемент қорищмаси ва активлаштирилган торкрет бетон, темир-бетон ва фишт курилмаларини қоплашда қўлланилади. Коллоидли цемент қорищмаси (КЦР) цементни катта дисперслик қорищмаси ва майда заррачали кварц куми ва юзаки актив кўшимчалардан тайёрланган қорищмадан иборат. Фаол кўшимчалар сифатида сульфат-спиртли қуйқа кўшилиб, қорищмани яхши ётишини ва эгилувчанлигини оширади.

Коллоид цемент қоришмасининг боғловчи асоси бўлиб, майдада эзилган цемент қум аралашмаси бир-бирига нисбати оғирлигига қараб 70:30—80:20 (цемент, қум) коллоидли цемент қоришмасини (КЦР) тайёрлаш учун маркаси 400 дан кам бўлмаган портландцемент ёки лойтупроқли цемент ишлатилиди. Бунда сув цемент нисбатидан 0,35 дан катта бўлмаслиги керак.

Активлаштирилган торкret таркиби билан коллоидли цемент қоришмаси таркибидан ажралиб турмайди. Уни цемент пушка ёрдамида оддий торкret билан юзаларга қопланади. Коллоидли цемент қоришмасини горизонтал юзаларга, активлаштирилган торкretни эса вертикал юзаларга қоплаш тавсия этилади.

7. МАВЖУД ПОЙДЕВОРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ВА ЯНГИСИНИ БАРПО ЭТИШДА ТУПРОҚ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ

Маънавий эскирган технологик жиҳозларни алмаштириш мавжуд пойдеворларни кучайтириш ёки янгисини барпо этиш ва турли белгиланишдаги ер ости тармоқларини ётқизиш билан боғлиқ бўлади. Бу мақсадда ҳар хил ўлчамдаги котлован ва траншеяларни саноат майдонида ва корхона ичидаги қазиш зарур. Ушбу ишларни бажариш технологиясига ва ишларни уюштиришга қўйидаги асосий кўрсаткичлар таъсир қиласди:

ҳажмий-режалаш ва қайтадан қуриладиган бинолар ва иншотларнинг қурилмалари бўйича қарорлари;

иш ҳажмининг ўлчамлари;

тупроқ иншоотларини асосий ўлчамлари ва ишларни бажариш шароитлари;

бажариладиган ишларни корхонанинг асосий ишлари билан мослаштириши.

Қайта тиклаш шароитида тупроқ ишларини бажарганда доимий равишда ер ости муҳандислик тармоқларининг зичлигини ҳисобга олиб бориш ва уларни ҳақиқий ҳолатини аниқлаш талаб этилади.

Цех ичидаги бажариладиган ишлар жуда тор жойларда, ўлчамлари чекланган майдончаларда амалга ошириш билан боғлиқ бўлади. Ҳаракатдаги корхона цехларининг ишлаб чиқариш мухити (чанглиги, газланганлиги, шовқин, силкиниш ва бошқалар) жуда кўп ҳолларда қурилиш ишларининг унумдорлигини пасайтиради. Айрим ҳолларда саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш мухити озигина микдорда чанг бўлишига йўл қўймайди. Бундай ҳолда бино қисмларини алмаштириш ва кучайтириш бўйича қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш ва механизациялаштириш, улар билан боғлиқ бўлган ишларни уюштириш жуда ҳам қийин бўлади. Ҳаракатдаги цех шароитида тупроқни кавлаш, ташиб кетиш ва сувларни чиқариб ташлаш

ишиларини уюштириш ишилари күтпина қийинчиликка олиб келали. Канал, траншея ва котлованлардан сувларни чиқариб ташлаш учун цех бўйлаб вактинчалик кувурлар ёки ёроч лотоклар ётқизилиб, улар орқали чиқариб ташланадиган сувларни аввало тинитувчи кудуқقا, ундан кейин эса умумоқизиши завод канализациясига узатиб берилади.

Тор жойларда тупроқ ишиларига қўл кучи сарфини қисқартириш учун кичик ўтчамли экскаватор ва бульдозерлар, жиҳоз ва тупроқларни зичлаш учун қўл машиналарни ишилаб чиқаришни талаб этади.

Котлованлар, траншеяларни барпо этишда тупроқ ишиларини бажаришдан олдин, цехлар ичидаги бетон қопламаларини ва саноат майдон-часидаги ҳар хил қаттиқ қопламаларини бузиб, йиғиштириб олинади.

6) МАВЖУД ПОЙДЕВОРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ВА ЯНГИСИНИ БАРПО ЭТИШДА ТУПРОҚ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ МАВЗУСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Мавжуд пойдеворларни мустаҳкамлашда тупроқ ишиларини бажариш учун қандай хужжат бўлиши шарт?

- А—ишиларни бажариш лойиҳаси;
- Б—ёзма равища рухсатнома;
- В—ишиларни бажариш жадвали;
- Г—ишилар учун тўланадиган смета қиймати;
- Д—ишиларни олиб бориш журнали.

2. Ишилаш қийин бўлган жойларда тупроқни қатламма-қатлам зичлаш ишилари (котлован ва траншея қўлтиқларининг пастки қисмида) қандай воситалар ёрдамида амалга оширадилар?

- А—кўл электрик трамбовкалар (зичлагичлар) билан;
- Б—ғиддирак ломли зичлагичлар билан;
- В—трактордаги осма зичлагичлар билан;
- Г—плитали зичлагичлар билан;
- Д—оддий кўлда ясалган зичлагичлар билан.

3. Қиши фаслида котлован ва траншеяларнинг қўлтиқларини тўлдириш учун тўкиладиган тупроқ нимадан ҳимояланган бўлиши керак?

- А—қўёш нуридан;
- Б—шамолдан;
- В—музлашдан;
- Г—намланишдан;
- Д—ифлосланишдан.

7.1. ТОР ЖОЙЛАРДА КОТЛОВАН ВА ТРАНШЕЯЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тор жойларда котлован ва траншеяларга ишлов бериш ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу деворларни мустаҳкамлашда, одатда қўлланадиган механизмларни қўллаш қийинлиги ёки умуман мумкин

Эмаслиги билан изоҳланади. Бу ишлар тупроқ ишларини энг ноқулай жойларда бажариш, ҳавзаларнинг тагини текислаш, тозалаш ва энг кичик ўлчамли, турли мақсадлар учун белгиланган пойдеворларни барпо этиш, қувурларни ётқизиш, деворларнинг яқинида, цех ичларида котлованларни барпо этиш ва тупроқларни қайта тўкиш ва қатламлари бўйлаб зичлаш ишларидир.

7.2. ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ ВА ЮЗАЛАРИНИ ТЕКИСЛАШ

Саноат корхоналарининг ҳаракатдаги цехлари шароитида тупроққа механизмлар ёрдамида ва қўл кучи билан ишлов берилади.

Тупроққа қўл кучи билан:

тупроқ кавловчи техникаларни қўллаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмагандан ва иш ҳажми кичик бўлганда;

мавжуд техника воситаларини қўллаш учун иш қўламининг йўқлиги (ишини бажариш яқинида станок, бўргиб чиқувчи қурилиш қисмларининг мавжудлиги ва бошқалар). Цех ичидаги ўтиб кетиш йўллари бўлмагандан;

ҳаракатдаги цехларда тупроқ кавловчи механизмларни қўлланда маълум бир чегараларни бузилишига олиб келувчи ишлар (чангни чиқиши мумкин эмаслиги, портлаш хавфи) бўлганда ишлов берилади.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда фақатгина тупроққа ишлов бериб қолмасдан, балки уларни юклаш ва ташиш ҳам қўл кучи билан амалга оширилади.

Тупроққа механизмлар ёрдамида ишлов бериш ва ишларни бажариш имконияти ҳаракатдаги цех шароитлари ва унинг меъморий қурилмаларини ечиш билан мослаштирилган ҳолда амалга оширилади (бинонинг баландлиги, устунларнинг оралиқ узунлиги ва бошқалар).


7.3. КОТЛОВАН ВА ТРАНШЕЯЛARНИНГ НИШАБЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Котлован ва траншеяларнинг нишабларини мустаҳкамлашда ёғоч, металл, бетон-темирлардан фойдаланилади.

Ишларни бажариш усули бўйича мустаҳкамлаш ишлари қоқиладиган, силкитиб киритиладиган йифма, қўйма, шунингдек, торкрет ёрдамида амалга оширилади.

Консол-тирговични мустаҳкамлашда уларни кўтарувчи қисмлари тупроққа қоқилади. Шпунгли қозиқоёқлар ва пўлат иккитаврли тўсин ҳаво ёки буғ ёрдамида ишловчи болгалар билан жиҳозланган бир ва икки марталик ҳаракатланувчи коперлар ёрдамида қоқилади.

Консол-тирговични мустаҳкамлаш усули 14-чизмада кўрсатилган.



14-чизма. Консол-тирговичли мустаҳкамлаш усули:

1—иккитаврли түсин; 2—ушлаб турувчи пұлат бурчак; 3—мустаҳкамлагиңи түсіб турувчи тахта; 4—ёғоч тирговичлар.

Икки босқычли ички ёниш двигателлари асосида ишловчи силкинувчи болғалар ва дизел-болғалар, асосан, ёғоч шпунтли қозықоёқларни қоқишида құлланилади.

Дизел-болғаларнинг афзаллиги шундаки, уларни түғридан-түғри қозықоёққа ёки қозықоёқ пакетларига үрнатылади. Дизел-болғалар махсус электр қувватини талаб қылмайды, чунки у ёнилғи ёрдамида (солярка, нефт ва бошқалар) ишлайды.

Буғ, ҳаво болғалари катта ўлчамда ва оғир (8—10 т гача) бұлған-лиги учун махсус коперларни құллашни талаб этади, шу түфайли улардан цех шароитида ҳамма вакт ҳам фойдаланыб бұлмайды.

Тебратиб киригувчиларни деворлари металл бұлған қозықоёқ-лардан тайёрланған шпунтларни қоқишида ишлатылади. Натижада қозықоёққа тупроқнинг қаршилик күрсатиш қучи пасаяди. У үзининг оғирлигиге және төлеме менен тегінде киригувчилардың қысымынан табиғаттағы топырақтың қаршилик күрсатыш қучи пасаяди. У үзининг оғирлигиге және төлеме менен тегінде киригувчилардың қысымынан табиғаттағы топырақтың қаршилик күрсатыш қучи пасаяди.

Бу усул бошқа усулларга қараганда оддий ва яхши механизациялаشتырған, шунинг учун ундан күп фойдаланилади.

Алоҳида қозиқоёқни ёки қозиқоёқ билан бирга төбратиб киритувчиларни күприкли кран ёрдамида ўрнатилиши, күчирилиши мумкин.

Төбратиб киритувчини шпунтта мустаҳкамланғандан сұнг шпунтни қозиқоёқ билан бирга күтарадилар ва тик ҳолатта ўтказилади. Ундан сұнг краннинг ёйини буриб, төбратиб киритувчини шпунт билан бирга киритиш жойига ўтказилади. Бунда ҳар бир алоҳида турған қозиқоёқни лойихада күрсатылған ерга күйилади.

Металлдан тайёрланған шпунтни қоқишиңиң тезлигі энг камидан 0,3 м/мин бўлиши керак. Ҳар бир киритилған шпунтни қозиқоёқни ҳолати белгиланған нуқта орқали, вертикаллиги эса шовун орқали текшириб борилади. Деворларнинг ҳолатини назорат қилиш ўлчамлари ҳар 10—15 та қозиқоёқ қоқилғандан сұнг амалга оширилади. Йиғма мустаҳкамлагичлар чукур бўлмаган тор котлован ва траншеяларда қўлланилади.

Йиғма мустаҳкамлагичлар олдиндан тайёрлаб күйилади ва уларни тупроққа ишлов бериш жараёнинда ўрнатилиб борилади. Шитлар қалинлиги 25—39 мм. ли тахталардан, тирговичлар ғўлалардан тайёрланади.

Йиғма мустаҳкамлагичларни бетонлаштириш усуllibарни ҳар бир алоҳида ҳоллар учун алоҳида аниқланиб, улар ИБЛда ифодаланған бўлади. Чуқурлик деворларини мустаҳкамлашда торкетлаштириш усули охирги пайтларда қурилиш амалиётидаги қўлланилиб келинмоқда.

Торкетлаш усулини мустаҳкамлагичларни ўрнатишнинг бир тури деб ҳисоблаш мумкин.

Торкетлаш цемент-пушка ёки бетон-шприц машиналари ёрдамида бажарилади. Бу усул билан котлован деворларини мустаҳкамланғанда торкетлаш бетон қатлами котлованга фақаттина фильтровчи сувни ўтишидан ҳимоялаб қолмасдан, балки биринчи навбатда тупроққа таъсир қылувчи босимни қабул қылувчи бўлиб хизмат қиласи.

Торкетлаш усули боғланған, меъёрланған намлиқдаги тупроқларни мустаҳкамлашда унумли ҳисобланади. Бундай усульнини кумли тупроқларда ёки ер ости сувлари кучли оқиб келишда қўллаш тавсия этилмайди.

Котлован деворлари қопламалари билан қурилмалар оралиғидаги 15—20 см масофа қолдирилади. Бу масофа сувдан муҳофаза қатламини ва ҳимоя деворини жойлаштириш учун, шу билан бирга қозиқоёқларни ёки шпунтларни қокқандада келиб чиқадиган қочирмаларнинг ўрнини босищ учун қолдирилади. Котлован тубининг четларига бўлган оралигини 0,8—1 м. га ошиши ташки сувдан муҳофаза

қилиш қопламининг юқори сифати ва бутунлигини таъминлаб туради, аммо котлованин кенгайтириш сабабли тупроқ ишлари ҳажмини 5—10% га оширади.

Сув билан бўктирилган, паст кўрсаткичли сув ўтказувчи тупроқларда сув сатҳини пасайтириш имкони бўлмагандан, яхлит шпунтли қопламалар барпо этилади ёки сунъий равишда котлован деворлари музлатилади.

Котлован чукур бўлганда қозикоёқларни қўшимча мустаҳкамлаш талаб қилинади. Бунинг учун қозикоёқлар бўйлаб 0,5 м узоқликда бўлажак ер ости иншоот, қурилмани юқорисидан узунаси бўйлаб иккитаврли тўсиндан белбоғлар ҳосил қилинади. Белбоғларга кўндаланг оралиқ тирговичлари тиради, уларни котлован ўқи бўйлаб ҳар 4—6 м да ўрнатилади.

Қозикоёқлардан оралиқ тирговичларга юкларни узатиб бериш учун ҳар бир боғлаш тўсинлари оралиғида пўлат поналар қўйилади. Котлован катта чукурликда (10 м дан кўпроқ) бўлганда юқориси бўйлаб бир неча ярусга оралиқ тирговичлар ўрнатилиб чиқилади. Оралиқ тирговичларни ер ости қурилмалари контури бўйлаб ўрнатилиши ҳам мумкин. Худди шундай айрим пайтларда уларни котлован пастки қисмida, пойдевор деворидан 30—40 см оралиқда ўрнатилади. Қалинлиги 15—20 см бетон тайёрлов қатламини ўрнатиб бўлгандан сўнг, оралиқ тирговичлар кўчирилиб олинади. Пастки ярусга оралиқ тирговичларни ўрнатиш қозикоёқларнинг турғуллигини яхшилайди, аммо котловандаги қурилиш-монтаж ишларини қийинлаштиради.

Оралиқ тирговичлар кўпроқ металдан йиғилган профиллардан тайёрланади (иккита швельлер ёки тўргта учбуручак қоплама билан пайвандланган). Худди шунингдек, диаметрлари 30—40 см ли трубалар ёки телескопик тўғри бурчакли ёки труба қирқимли оралиқ тирговичлар ҳам қўлланилади. Котлованларни кўндаланг йўналишда оралиқ тирговичлар билан мустаҳкамлагандага кераклигича мустаҳкамликка эга бўлади ва мустаҳкамловчи қисмларни бир неча бор қўллашга имкон яратади. Аммо котлованин 15—20 м дан каттароқ кенглигида, оралиқ тирговичлар катта ва оғир (битта оралиқ тирговичнинг оғирлиги 2—3 т. ва ундан кўпроқни ташкил қилиш мумкин) бўлади. Шунинг учун қатор ҳолларда диагонал кўндаланг боғловчиларни оралиқ тирговичлар сатҳидан ўрнатилади, бундай ишлар ортиқча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Охирги пайтларда оралиқ тирговичлар билан мустаҳкамлаш тизимида қозикоёқни ёки шпунтни лойиха ҳолатида ушлаб туриши учун анкерлар ўрнатилимоқда. Бу куйидаги усулда амалга оширилади: котлованин маълум бир сатҳгача горизонтта нисбатан йўналтирилган бузилиш призмаси кудук жойлашган жойдан ташқарида бўлган бурчак остида, диаметри 20—30 смлик, чуқурлиги 8—20 м бўлган қудуклар пармаланади. Кудукларга уларнинг бутун узунилиги бўйлаб ёки унинг пастки қисми-

да, яни қудукларни узунаси бўйлаб белбоғларида чўзиб турувчи анкерлар жойлаштирилади. Шу усул амалга оширилганда анкерлар тупроқни силжишини чеклаб қўяди ва котлован қопламасининг мустаҳкамлиги таъминланади. Ер ости курилишида вақтингчалик анкерлар бир вақтнинг ўзида доимий курилмани кўтарувчи қисмларини ушлаб туради.


Анкерланган тупроқларга мустаҳкамланган бўйлама белбоги пўлат трубалар, диаметри 18—40 мм лик ўзгарувчан профиллик стерженлар ва ўта қаттиқ сим боғламлари, шодалар ёки узилишга чидамлиги 1800 МПа бўлган арқонлар кўринишда ишлатилади. Чўзиб турувчи анкерларни кўтариш қобилияти стерженлиги 150—500, трубалиги 300—1500, симлиги 500—2500 кН бўлади.

Анкерларни тупроққа қистириш усуллари билан зўриқтирилмаган трубали анкер, олдиндан зўриқтирилган, сўқиладиган, кенгайтирилган ёки кенгайтирилмаган анкерларга ажратилади. Трубасимон анкерлар қудукнинг бутун узунаси бўйлаб мустаҳкамланиши ёки фақаттия бир қисмida мустаҳкамланиши мумкин, бунда анкерларни тупроқларга мустаҳкамлашни икки босқичда амалга оширилади. Бошланишда пармалангандан қудукқа труба туширилади ва труба девори билан қудуқ деворлари оралиғига цемент қоришимаси босим остида киритилади. Ундан сўнг трубанинг пастки қисмидаги оралиқдан анкерлаш зонасига босим остида қоришка юборилади, қоришка тупроққа сингиб, анкерни мустаҳкам қистирилишини таъминлаб беради.

Ҳар хил тупроқларда энг кўп қўлланиладиган анкерлардан пармалаб киритивчи анкерлар ҳисобланади. Тупроқли анкерларни котлованнинг узунаси бўйлаб ҳар 3—5 м да баландлиги бўйлаб бир ёки бир неча ярусга жойлаштирилади. Одатда юқорида жойлашган анкерлар кўпроқ юклангандан бўлиб, уларни пасттиларидан узунроқ қилинади. Анкерларнинг горизонтга қиялиги 25—30° дан ошмаслиги кепрак, чунки бунда горизонтал ушлаб турувчи куч пасаяди ва мустаҳкамлагичларга тушадиган юқ ошиб кетади.

Анкерларни барпо этиш технологиясини оралиқ тирговичларни қуриш технологиясидан қийинлигига қарамасдан, ишларни бажариш қиймати 8—11% баланд. Анкер мустаҳкамлагичлар унумли ҳисобланади, айниқса кенг ва чукур котлованларни мустаҳкамлашда.

Котлованларда қоқиладиган қозиқоёқларни ва шпунтларни қўллаш билан мустаҳкамлаш анчагина металл сарфлашни талаб қиласди. Ер ости иншоотларини куриб бўлгандан сўнг 80% қозиқоёқ ва шпунтларни чиқариб олинишга қарамасдан, уларнинг кўп миқдорини қайта ишлатиб бўлмайди. Цех шароитларида тупроқларни механизмлар билан ишлашга имкон яратувчи воситаларга ҳар хил алмаштирувчи жиҳозлар билан жиҳозланган бир чўмичли экскаваторлар киради. Котлованлардан тупроқни кавлаб олишда кулай, кичик ўлчамли восита-ларга чўмичли грейферлар киради. Грейферлардан фойдаланиш кот-



15-чизма. Иссик-Күл үтказиш трассаси тағидаги траншеяларнинг қиркими:

- а) мавжуд тармоқларни қиркимнинг пастки қисмida жойлаши; б) шуни ўзи бир тоңда жойлашгани; в) шуни ўзи трасса бирон томонга бурилганида.
1—иссиқ-Күл трассасининг ўчи; 2—құлда ишлов бериладиган тупрек; 3—бурилиш бурчаги.

лованларни вертикаль деворли қилиб ва тупроқни шпунт үрнатылған жойлардан бошлаб ишлашга имкон яратади, аммо унинг унумдорлиги андозали чүмичлар билан жиһозланған экскаваторларни унумдорлигидан 2 марта кам бұлади. Грейферларни пойдевор ёнбағиrlарини тупроқ билан тұлдиришда муваффакиятлы құллаш мүмкін.

Тупроқларга тор жойларда ишлов беріш гидравлик экскаваторлар ёрдамида фойдалыроқ ҳисобланади, улар арқонли экскаваторларға нисбатан анчагина құлайлыкка эга: юқори унумли (15–20%), бошқариш осон, зичланған тупроқларға ишлов берішда фойдалы,

уларнинг қурилмалари ускуна ва қисмларини тезда алмаштиришга имкон бор.

Гидравлик экскаваторларнинг арқонли экскаваторларга нисбатан энг муҳим қуайлиги улар бир жойдан туриб анчагина иш зонасида ишлай оладилар, бу тор жойларда ишлаганда катта аҳамиятга эгадир.

Механизмларни ишлатаётганда ёнбош девордан кабел ва трубалар устидан энг камида 2 м узоқликда фойдаланиш рухсат этилади, бу технологик хариталарда түлиқ ёритилган бўлади.

Иссиқлик ўтказиш трассаси тагидаги траншеяларнинг қирқими 15-чиzmада берилган.

Охирги йилларда экскаваторларга турли кўринишдаги жиҳоз, ускуна ва мосламалар ўрнатилмоқда. Бундай мослама ва жиҳозларга куракчалар, қазиш чукурлигини назорат қилувчи мосламалар (чукурликни ўлчовчилар), ковшини тўғри чизик йўналишда ҳаракат қилишини таъминловчи автоматик тизимлар, турли ишчи жиҳозлар киради.

Тупроқларни суриш, текислаш ва пойдеворлар ёнбагирларини тупроқ билан тўлдириш, тозалаш ва ҳавзаларнинг тагларини текислаш ишларини бажаришда кичик ўлчамли бульдозерлардан фойдаланилади. Микробульдозерлар учун машиналарнинг базаси бўлиб кичик габаритли Т-54В русумидаги тракторлар ёки махсус шассилар хизмат қиласди.

Бульдозер жиҳозлари кичик ўлчамли тракторларга ўрнатилали. Тракторнинг юрувчи аравачаларига кронштейнлар пайвандланиб, уларга доираси бўйлаб ёпиқ тўғри бурчакли рамалар мустаҳкамланади. Раманинг олдинги қисмига отвал (пичоғи) ёки отвал-чўмич ўрнатиласди.

Т-54В-С1 трактор базасида чўмичли ва пичоғли, чўмичида катта бўлмаган миқдорда тупроқларни, сочиувчи материалларни узатиб берувчи кичик ўлчамли БМ-4 бульдозер ишлаб чиқарилган.

БМ-4 бульдозернинг техник таснифи:

Тортиш кучи	20 кН.
Чўмич пичоғи ўлчами:	
кенглиги	1450 мм.
баландлиги	700 мм;
пичоғини кўтариш баландлиги	1200 мм;
пичоғини горизонттага қиялик бурчаги	40°—60°;
калеясини кенглиги	950 мм;
Йўлда тутиладиган ўрни	950 мм
Ҳаракат тезлиги:	
иш ҳолатида	1,6 км/соат
транспорт ҳолатида	1,03—1,5 км/с


Ўлчамлари:

узуулиги	4200 мм;
кенглиги	1500 мм;
баландлиги	2250 мм;
огирлиги	4,1 т.

Универсал тозаловчи икки пичоқли (отвалли) УЗБТ-54В текисловчи-бульдозер Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Микро (кичик) бульдозерни ишлаб чиқишида «Химия» қурилиш-монтаж комбинати ва бошқа қурилиш-ишлаб чиқариш корхоналари ижодий ҳамкорлик қилишган.

Текисловчи БМ-4 кичик ўлчамли бульдозер 16-чизмада кўрсатилган.

Тор жойларда тупроқни қайта тўкиш ва зичлаш ишларини бажариш қийин кечади. Қайта тўкилган тупроқ зичланган (тегишли зичлаш даражасида) бўлиши керак. Чунки саноат биноларининг ер ости тармоқлари ва пойдеворлари талайгина турғун (статик) ва динамик оғирликлар таъсирида бўлади, қайта тўкиладиган тупроқларни кераклигича зичланмаганлиги чўкиш ҳолатларига ва улар ўз навбатида қурилиш қисмларининг бузилишига олиб келади.



16-чизма. Текисловчи БМ-4 кичик ўлчамли бульдозер:


1—посанги; 2—талреп; 3—тракторни осма тизими; 4—орқа кўндаланг тўсими; 5—кронштейн; 6—рама; 7—трактор; 8—гидроцилиндр; 9—чўмич-пичоқ.

Тор жойларда тупроқнұң қайта тұкиш ишлари юкловчи ва грейфер жиҳози билан жиҳозланған бульдозер, фронтал ва грейфер юкловчилар билан жиҳозланған бульдозерлар ёрдамида бажарилади.

Келәжакда тор жойларда ишлаш учун кенг күлламда кичик үлчам-ли бульдозер-текисловчилар ва маҳсус жиҳозлар құлланилади.

Тор жойларда тупроқларни зичлаш учун пневматик ва электрик зичлагичлар, маҳсус уриб синдирадиган болгалар құлланилади. Кириш қийин бұлған котлован ва траншеяларнинг пастки қисмінде қатлам-қатлам қилиб тупроқларни зичлаш учун қурилиш обьектларыда құл электрзичлагичлар құлланилади. 27 кг гача бұлған ИЭ-4501, ИЭ-4503; ИЭ-4506 ва 150 кг гача бұлған ИЭ-4502; ИЭ-4504 электрзичлагичлар шулар жумласидан.

Құлда ишлатылады машиналарни құллаш құл кучига нисбатан иш унумдорлыгини 4—5 марта оширади. Зичлаш ишларыда мөхнат сарфини тор жойларда анчагина қисқартыриш, иш сифатини



17-чизма. Т-40 трактори базасига үрнатылған осма гидрозичлагич:

1—осма гидрозичлагич; 2—рукоят; 3—гидротизим; 4—ёй; 5—буриш; 6—трактор; 7—қирицышлагич.

яхшилаш, уларнинг нархини туширишга фақатгина кран, трактор ва экскаваторларга алмашинувчи осма зичлагичларни қўллаб эришиш мумкин.

Т-40 трактори базасига ўрнатилган осма гидрозичлагични техник таърифи 17-чизмада берилган.

Мазкур тракторнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичи қўйидагicha:

Ишлаб чиқариш кўрсаткичи	25 м ³ /соат.
Зичлаш чуқурлиги	0,5 м.
Зичлаш юзасининг кенглиги	0,5 м.
Шиддатлик кучи	20,4 кН.
Вибраторни тебраниш кўрсаткичи	100—1400 мин.
Илмогининг энг катта узунлиги	3 м.
Зичлагични трактор жойидан пастроқقا тушириш чуқурлиги	2,0м.
Ёйини горизонтал текисликка буриш бурчаги	180°.
Зичловчи плитанинг ўлчамлари	500x500мм.
Тракторнинг ҳаракат қилиш тезлиги:	
ишчи ҳолатида	0,5км/соат.
транспорт ҳолатида	1,62—26.68 км/с.
Ўлчамлари:	
узунлиги	4960 мм.
кенглиги	2100.
баландлиги	3000
машинанинг оғирлиги	2340 кг.

Ўзи ҳаракатланувчи юзаки зичлагичлар (виброплиталар) боғланмаган ва боғланган тупроқларни тор жойларда зичлаш учун ишлатилади.

Ўзи ҳаракатланувчи СВТ-3МП виброплитанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 12—15 м³/соат; оғирлиги 300 кг, зичлаш чуқурлиги 0,2—0,5 м ва ишлаб чиқариш кўрсаткичи 12 м³/соат, зичлаш чуқурлиги 0,8—1,4 м.

Котлован ва траншеяларда бундай виброплиталар (силкинувчи) ни кран илмогига осиб зичлаш ишлари бажарилади.

Бугунги кунда уч турдаги ўзи ҳаракат қилувчи виброплиталар ишлаб чиқарилади: SVP туридаги виброплита тупроқ, қум, чақиртош, сочма тош материаллари ва бетонни зичлаш; BSD туридаги йўл ва темир йўл қурилишида посангилар қатламларини ва чақиртошларни зичлаш; GSD туридаги траншея, зовур ва котлован пойдерворларининг тупроқларини зичлаш учун қўлланилади.

Одатда виброплита учун икки дебалансли вибраторлар қўлланилади. Вибраторни икки дебалансини уйғотувчи кучининг йифиндиси қоқ ярим айланишда охирги кўрсаткичгача ўзгариб туради. Нол кўрсат-


кич ҳолатида ҳаракат йүналишини 180° га ўзгартиради. Бундай кучни вертикалдан оғишида плита түғрига ва орқага қараб ҳаракат қиласи. Вертикалга уйғотувчи кучни қиялик бурчагини оператор маҳсус механизм ёрдамида ўзгартиради. Шундай қилиб, виброплитани ўзи ҳаракат қилиш тезлигини ўзгартириб туради. Пойдеворларни барпо этишда, туннел, коллектор қуришда ва қувурларни ётқизишида тупроқларни қайта тўкиш ва қатлам-қатлам билан зичлашда турли машиналар дастаси билан амалга оширилади.

Туннелга тупроқларни қайта тўкишда бульдозерлардан фойдаланиш имконияти бўлмагандан Э-100м (Э-652) грейфер билан жиҳозланган, сифими $1,0 \text{ м}^3$ ($0,5\text{m}^3$) ли экскаватор ёрдамида амалга оширилади. Туннелларни барпо этишда тупроқларни қайта тўкиш ва зичлашда Д-159Б бульдозер ва 5 т ли кранга ўрнатилган гидросилкинувчи қурилма С-629 машинаси қўлланилади. Бунда ишни бошлишдан олдин иш майдончасига сув сарфи 300 л/мин лик вақтингчалик қувурлар олиб келинади. Тупроқ тўкишни бульдозерлар ёрдамида траншеяниң бутун баландлиги бўйича кетмат-кет қиялик остида амалга оширилади. Тупроқлар гидросилкинувчи билан зичланади, қозиқлар билан белгиланган нуқталарга ва ҳар $1,5-2$ м оралиқда вибраторлар жойлаштирилади. Силкинувчи блокни туннелнинг вертикал сатҳидан энг камида $0,6$ м узоқликда ўрнатилади. Цех ичи қувурларини ётқизишида тупроқларни қайта тўкиш ва қатлам-қатлам қилиб зичлаш учун одатда кичик ўлчамли бульдозерлар, ўзи ҳаракатланувчи зичловчилар ёки қўл электрзичлагичлар мажмуаси қўлланилади. Тупроқларни траншеяларга қайта тўкиш учун одатдаги бульдозерлар, пастки қатламларни текислаш ва тахлаш ишларини қувурларга шикаст етказмаслик учун кичик ўлчамли бульдозерлар билан амалга оширилади.

Мураккаб пойдеворларни барпо этишда тупроқларни қайта тўкиш ва қатлам-қатлам қилиб зичлаш ишларини котлованларда кўпгина ҳолларда машиналар мажмуаси — грейфер билан жиҳозланган экскаватор, осма зичлагичлар билан жиҳозланган, кран ўрнатилган кичик БМ-4 бульдозер билан олиб борилади.

Туннелли траншеяни қум тупроқ билан кўмиш схемаси 18-чиzmада кўрсатилган.

Тор ва чуқур қўлтиқларга тупроқни қайта тўкиш ва зичлашда Д-159Б туридаги бульдозерлар, БМ-4 типидаги кичик бульдозерлар ва осма зичлагич плиталар, қўл зичлагичлардан фойдаланилади. Бунда қўлтиқлар бир-бирларидан $0,7$ м дан (ишчилар сифмайдиган), $0,7-1,4$ м гача (ишчилар ишлаши мумкин) ва $1,4$ м дан кенг бўлган трактор базасида ишлайдиган кичик бульдозер сифадиган кенгликлари билан фарқланади. Бульдозер ёрдамида зичлаш қатламини ташкил қилиш учун керакли ҳажмдаги тупроқ котлован ёки траншея лабига олиб келиниб пастта туширилади. Тор ($0,7-0,8$ м) қўлтиқлар-



18-чизма. Туннел траншеяни қум тупроқ билан күмиш:

1—силкитибзичлагич; 2—бульдозер; 3—микробульдозер; 4—тупроқни захира қисми; 5—үтиш туннели; 1,2—зичлаш ва бульдозер ҳаракатининг йұналиши.

да боғланған ва боғланмаган тупроқтарни зичлашда үзи ҳаракатла-нуvчи оғир ИЭ-4502 ва ИЭ-4504 электртүрказгичлар құлланилади.

Құлтиқтар көнглиги 0,7 м дан кам бўлганда мавжуд механизм воситалари қайта тўкилган тупроқтарни зичлашга имкон бермайди, чунки бундай құлтиқларда одам ишлай олмайди. Бундай құлтиқлар ва тор жойлар ер ости тармоқлари билан тўлдирилган ҳолларда ва механизм воситалари билан тупроқтарни зичлаш ишларини бажариш мумкин бўлмағанда қумли тупроқлар билан тўлдириб ташланади.

Қум тупроққа кейинчалик сув сепилади. Сув сепганда сувнинг оқими (300—600кПа), сарфи 0,05—0,002 м³/сек тенг бўлади.

Қўлтиқларни бутун баландлиги бўйлаб қум билан (сув сепиб) тўлдириш мумкин эмас, чунки бундай ҳолда зичлаш иши бўйича қўйилган мақсад амалга ошмайди. Шуни инобатга олиш керакки, ушбу усулни қиши фаслида иншоотларни чўкадиган тупроқларда барпо этишда қўллаб бўлмайди, шунинг учун сув пурка бўкишни об-ҳаво иссиқ маҳалида режалаштириш зарур.

Қиши фаслида тупроқларни зичлашда тупроқ ҳўл бўлмаслиги керак, агар тупроқ таркибида яхши эриган тупроқлар белгиланган миқдордан ошиб кетса, у ҳолатда зичлаш ишларини олиб бориб бўлмайди. Бундай ҳолларда ишлар торайтирилган майдонда олиб борилиши, имконияти борича механизация ёрдамида тезликда бажарилиши керак.

Ётқизилган ва зичланган тупроқни қўймалиги ва зичлиги унинг музлаш ва кейинчалик эриш эҳтимолидан химоя қилинган бўлиши зарур. Бунинг учун охирги икки-уч қатлам тупроқни тўкишда унинг намлиги 0,8—0,9 текисланиши чегарасидан ошмаслиги зарур, шундан сўнг яна бир қатлам тупроқни зичламасдан ёйиш керак. Баҳорда тупроқнинг юқори қатламини текшириб кўриш зарур ва қандайдир бир ўзгаришлар аниқланса, қайтадан ишлов бериб, уни зичлаш зарур.

Қиши фаслида чегараланмаган ҳолда, олдиндан уваланган тог жинсли тупроқ, гравий, чақиртош, катта ва ўрта заррали қумларни ёйиш руҳсат этилади. Богланмаган тупроқларни худди ёздагидай ёйиб зичланади, уларни кўшимча намлаш руҳсат этилмайди.

Лой тупроқларни қайта тўкиш учун уларнинг намлиги ёйилиш чегарасидан ошмаса ишлатилиши мумкин. Худди шундай майда ва чангсимон қумлар ҳам ишлатилади.


Бироқ куюқ лой, бўрли, талькли ва таркиби титилган тупроқларни ёйиш руҳсат этилмайди.

Қиши фаслида ишларни бажариш учун боғланмаган ва қисман боғланган, таркибида 3 дан 12% гача лой заррачалари бор тупроқлар ёйилади, бундай тупроқлар боғланган тупроқларга нисбатан осон зичланади ва эригандан сўнг ҳам кам чўқади.

Котлован ва траншеяларга қайта тўкиш ва кейинчалик зичлаш учун мўлжалланган тупроқлар музлашдан муҳофазаланган ҳолда ёйилиши зарур. Тупроқни кузови иситиладиган автосамосвалларда ташиб ўтиш мақсадгага мувофиқ.

Котлован қўлтиқларига тупроқларни тўкиш ва зичлаш схемаси 19-чиzmada кўrsatilgan. Эриган тупроқларни зичлаш ишларини таомом бўлиш ҳолатида унинг ҳарорати 2° С дан кам бўлмаслиги керак.

Қиши фаслида тупроқларни зичлаш усулларидан энг яхшиси уриб зичлаш бўлиб, бунда тупроқларни қалин қатлам қилиб ёйилади, ёйиш жойига музланган тупроқларнинг катта бўлаклари ётқизилади.



19-чизма. Котлован құлтқұларини зичлаш:

1—иншоотни ер ости қисмі; 2—силкитибзичлагиң; 3—кран экскаватор; 4—тупроқни биринчи қатлами учун эхтиёт қисм; 5—бульдозерлар; 6—микробульдозер (кичик бульдозер).

Тупроқларни қишиң фаслида зичлаш учун асосий зичлаш воситаси сифатида зичлаш машиналари ишлатилиши керак. Зичлаш ишларини унча кенг бүлмаган қысмларда олиб бориш ва зичланадиган тупроқни анчагина қалинликда солиш зарур.

Силлиқ металл катоклар қишиң фаслида тупроқларни зичлашда кам ишлатиласи, чунки ёйладиган ва зичланадиган тупроқни қалинлиги унча катта бүлмайди. Иш күламиининг катталиги тупроқни тез совушига ва музлашига олиб келиши мумкин.

8. МАВЖУД ПОЙДЕВОРЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЯНГИСИНИ БАРПО ЭТИШДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ

Мавжуд пойдеворларни мустаҳкамлаш ва ҳаракатдаги корхоналарни қайта куришда янги пойдеворларни барпо этиш ишларини амалга оширишда умумкурилиш қоидаларини бажаришдан ташқари, СниП III-80 га мувофиқ алоҳида қоидаларни бажариш талаб қилинади.

Ҳаракатдаги корхона чегарасида ва ҳаракатдаги цех ичида бажариладиган технологик иш ҳаракатлари ўта хавфли ишлар тоифасига киритилиб, уларни бажаришдан олдин наряд-рухсатнома олинади.

Корхона ишчилари ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишган бўлишлари ва корхоналарни қайта куриш техника хавфсизлиги бўйича қўшимча маслаҳатлар олишлари зарур. Шунингдек, ишчилар курилиш-монтаж ишларини бажариш зonasида ҳаракат қилиш қоидалири билан таништирилади.

Ҳаракатдаги цехда ишларни бажариш учун асос бўлиб корхона бўйича буйруқда жиҳозларни ва қурилмаларни тайёрлаш бўйича кўрсатмалар, ушбу ишларни хавфсиз бажариш учун тадбирлар, пудратчилар билан тезкор алоқани боғлаб туриш учун масъул шахслар кўрсатилган бўлади. Қурилмаларни кучайтириш ёки алмаштириш бўйича ишларни бажарувчи ишчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш зonasи ўраб олинган бўлиши керак. Ишчи зonasида жойлаштирилган кучайтириш тармоқлари ва технологик жиҳозлар бошқа жойга кўчириб ўтказилиб, ўраб кўйилиши зарур. Ҳаракатдаги цех шароитида қурилмаларни кучайтириш ва алмаштиришда муҳандислик тармоқлари одатда ўчирилган, қисқартирилган, жиҳозлар ва технологик қувурлар портловчи, ёнадиган, заҳарловчи моддалардан бўшатилиб, ажратиб кўйилади.

Ер ости тармоқлари зonasида тупроқ ишларини фақатгина шу тармоқлардан фойдаланувчи масъул корхонанинг ёзма рухсатномаси асосида бажариш рухсат этилади. Тупроқ ишларини тўғридан-тўғри ҳаракатдаги ер ости тармоқлари яқинида олиб борилганда белкурак ёрдамида кескин ҳаракат қилинмайди. Бунда зарба берувчи дастгоҳ-

лар билан ишлаш тақиқланади. Котлован ва траншеяларга ўтиш учун кенглиги энг камида 0,6 м лик нарвончалар ёки кўчирма нарвончалар ўрнатилади. Котлован, траншеялар одамлар ва транспорт ҳаракат қиласиган жойда ўраб олинган бўлиши шарт. Тупроқ қазилмаларини кўчиш призмаси ичida қурилиш ва транспорт машиналари ва турли жиҳозларни ўрнатиш тақиқланади (кўчиш призмасининг катталиги ИБЛда кўрсатилган бўлади). Машина ва жиҳозларни тупроқларни ўпирish призмасини ичida ўрнатилиши юкларни миқдори ҳамда мустаҳкамлигини тегишли ҳисоблари бўлгандагина рухсат этилади. (Юклар миқдори ИБЛда кўрсатилади).

Ортиқ намланган кум, лёсс кўринишдаги тупроқлар ва тўкилган тупроқларни мустаҳкамламасдан ишлаш тақиқланади. Бундай тупроқларни ишлашни алоҳида лойиҳалар бўйича сунтий усулда сув сатҳини пасайтириб, шпунтли ва бошқа мустаҳкамлагичлар ёрдамида олиб борилиши керак.

Ер кавловчи машиналар ёрдамида ишланадиган котлован ва траншеялар деворлари тупроқларини кавлаш вақтида мустаҳкамланиши зарур. Кўтарувчи қисмларни кучайтириш ва тайёрлашдан олдин, кўшимча, керак бўлса таянчлар ўрнатиш йўли билан юклардан бўшатиш, жиҳозлар кўчирилган ва юқорида ўрнатилган қисмлар ечилган бўлиши керак. Бир қаватлик бинолар қисмларини кучайтиришда фермаларниң пастки белбоғлари бўйлаб вақтингчалик ҳимоя ораёп-маси ўрнатилиши зарур.

Ташқи девордаги ойна ўринлари ташқарига чиқарилгандан сўнг, янги технологик жиҳозларни, қурилиш материалларини узатиб, қабул қилиб олиш учун баландлиги 1 м ли перилалар билан ўраб олиниши керак. Фишт деворларда ойна ўринларини икки томонидан пўлат сарбаста ўрнатиб, уларни бир-бирларига болтлар билан қотирилади.

Курилиш чиқиндиларини, қурилмаларни қўпориб олгандан сўнг чиқсан жисмларни хавфсиз чиқариб ташлаш керак. Ўта хавфли хоналарда ишларни бажаришда ҳимоя тадбирлари, ишчиларни ишлаб чиқаришнинг зарари таъсиридан ҳимоя қилиш кўзда тутилади.

Девор ва пойдеворларни бир томонлама кўмиш фақаттинга бетон ўз мустаҳкамлигини олиб бўлгандан сўнгтина рухсат этилади. Тупроқларни пойдевор суюнч деворлари ва бошқа қурилмалар олдида зичлаш ИБЛда кўрсатилган масофада, кетма-кетликда олиб борилади.

Ҳаракатдаги цехда қурилмаларни кучайтириш ва алмаштириш бўйича бацд ишчилар иш режими ва шахсий ҳимоя воситалари иш режимига, асосий ишлаб чиқариш шахсий ҳимоя воситаларига ҳамда Сни П III 4-80 талабларига жавоб бериши керак.

7) МАВЖУД ПОЙДЕВОРЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЯНГИСИНИ БАРПО ЭТИШДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ МАВЗУСИ БҮЙИЧА САВОЛЛАР

1. Ҳаракатдаги бино ва иншоотларнинг қисмларини алмаштириш учун қандай ҳужжат асос бўлади?

- А—корхона бошлигининг бўйруғи;
- Б—корхона бошлиғи ва пудратчи ўртасидаги шартнома;
- В—корхона қарашли бўлган вазирлик бўйруғи;
- Г—пудратчининг бўйруғи;
- Д—пудратчининг ишлаб чиқарган иш жадвали.

2. Ер ости электр тармоқлари яқинида ишларни бошлаш учун қандай ҳужжат бўлиши керак?

- А—пудратчи томонидан берилган рухсатнома;
- Б—электр тармоғидан фойдаланувчи корхона раҳбарининг ёзма рухсатномаси;
- В—шаҳар электр тармоғидан фойдаланувчи корхона раҳбарининг рухсатномаси;
- Г—район электр тармоғидан фойдаланувчи корхона раҳбари рухсатномаси;
- Д—хеч қандай ҳужжат керак эмас.

3. Бир қаватли саноат биносининг кўтарувчи қисмларини кучайтириш учун ферма пастки белбоги сатҳида қандай ишларни бажариш керак?

- А—вақтингча ҳимоя ораёпмасини;
- Б—вақтингча таянч курилмаларини;
- В—вақтингча устунларни ўрнатиш;
- Г—вақтингча пойдевор тўсийларини ўрнатиш;
- Д—вақтингча пойдеворларни мустаҳкамлаш.

9. ЕР ОСТИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЁТҚИЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Саноат корхоналарининг ер ости муҳандислик тармоқларини (муҳандислик тизимлари, лоток, туннел ва бошқалар) ётқизиш бўйича ишлар ўзининг нархи ва меҳнат сарфи билан ишлар мажмусининг 10–15% ини ишғол этади. Ер ости муҳандислик тармоқлари асосан турли мақсадларга белгиланган (водопровод тизими, газ ўтказгичлар, канализация тизими, кам қувватли кучайтириш кабеллари).

Катта саноат корхоналарининг ер ости қувурларининг узунлиги бир неча ўн км гача этиши мумкин, уларни ётқизиш муддати эса кўпгина ҳолларда объектларни фойдаланишга топшириш муддатини белгилайди. Турли кўринишдаги ер ости тармоқларини барпо этиш умуммехнат сарфига ўрта ҳисобда: сув қувурлари—20, канализация—65, газ—3,5, иситиши—7, технологик қувурлар—1,5, электр кучланиш ва камқувватли кабеллар—3 фойзи ташкил этади.

Ҳамма ер ости тармоқлари ўзларининг жойлашишлари билан майдондан ташқари (магистрал) ва майдон ичи (магистрал ва тақсим-

ловчи) ва цех ичи күринишиларига бўлиниади. Ер ости тармоқлари кўзга кўринмайди (96% гача умум иш ҳажмидан)—бу турли кўринишидаги қувурларни траншеяларда табиий ва сунъий (чақиртош бетон) асосларда, ўтувчи ва ўтмайдиган канал-коллекторларда ва яна ёпиқ (траншеясиз) усуllар (4% умум иш ҳажмидан) билан, бунда қувурлар остига траншея қазимасдан тупроқни ўйиб, санчиб, тешиб, уриб ўйиб, горизонтал йўналишда пармалаб ётқизилади. Саноат корхоналарини қайта қуришда мавжуд тармоқларни кўчириш, уларни алмаштириш ва янги ер ости муҳандислик тармоқларини барпо этиш эҳтиёжи туғилади.

Тармоқларни қайта қуришда кўпгина ётқизиладиган қувурлар олдин ётқизилганлари билан кесишишлари мумкин. Ётқизишни ёпиқ усулини кенг кўламда кўллаш кўпгина ҳолларда вақтинчалик автомобил ва темир йўл транспортлари учун ўтиш йўллари барпо этишга ва мавжуд тармоқларни узлуксиз ҳаракатини тўхтатмасдан бошқасига улашга тўғри келади. Бунда янги ётқизиладиган қувурларни кесишидиган ҳаракатдаги қувурлар билан урилишининг олдини олувчи тадбирлар кўзда тутилган бўлиши керак.

8) ЕР ОСТИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЁТҚИЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ МАВЗУСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Ер ости тармоқлари деганда нимани тушунасиз?

- А—турли мақсадлар учун белгиланган канал, лоток, туннел ва тру-
бопроводлар;
- Б—ер ости сувлари;
- В—ер остида жойлашган саноат бинолари;
- Г—ер остида жойлашган бино қурилмалари;
- Д—ер остида жойлашган пойдеворлар.

2. Тор жойларда муҳандислик тармоқларини ётқизиш учун қандай қувурлар мақсадга мувофиқ деб ўйлайсиз?

- А—пўлат;
- Б—сопол;
- В—асбест;
- Г—чўян;
- Д—пластмасса.

3. Кудукларни тешиши усулида қувурлар диаметри қанчагача бўлиши мумкин?

- А—100—400 мм;
- Б—200—300 мм;
- В—300—400 мм;
- Г—150—200 мм;
- Д—100—150 мм.

9.1. ТОР ЖОЙЛАРДА ЕР ОСТИ ТАРМОҚЛАРИНИ КҮЗГА КҮРИНМАЙДИГАН УСУЛ БИЛАН ЁТКИЗИШ

Ер ости муҳандислик тармоқларини қуриш анчагина технологик (кувурларни ёткизиш чуқурлиги, унинг диаметри ва материали, тупроқни күриниши, гидрогеологик шароитлар, құлланиладиган механизмлар) муаммолар билан бөглиқ.

Кувурларни ёткизиш иш мажмуалари ўз ичига тупроқ, йифиш, синов ишлари ва яна сувни чиқарып ташлаш, сув сатхини пасайтириш, кувурлар остига сунъий асосларни тайёрлаш ишларини олади.

Тармоқларни ёткизишда бошланғич үлчамлари бўлиб кувурлар диаметри ва ёткизиш чуқурлиги ҳисобланади. Кувурларни траншеяларга ёткизиш усулларидан энг кўп тарқалгани алоҳида ёткизиш усули ҳисобланади.

Бунда ҳар бир траншеяга тўғридан-тўғри тупроққа бир турдаги кувур ёткизилади (сув ўтказувчи кувурлар, иссиқлик ўтказувчи трассалар, газ ўтказувчи ва бошқ.). Аммо ишлар тутатиб бўлингандан сўнг саноат қурилиш майдонида мураккаб тармоқлар ҳар хил сатҳда ёткизилади. Бу ҳар хил тармоқларни бир вақтнинг ўзида ёткизганда қурилиш ишлари мураккаблашади, қурилиш майдонида катта ҳаждаги тупроқ ишларини бажаришга олиб келади, бу эса бажариладиган ишларнинг тезкорлигига таъсир кўрсатади.

Тор жойларда муҳандислик тармоқларини ёткизиш учун (сув, канализация ва бошқ.) пластмасса кувурлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Пластмасса кувурларни ёткизишда муҳофаза қилиш қатламини бажариш шарт эмаслиги туфайли, бошқа материаллардан тайёрланган кувурларни ёткизишдан осон, арzon ва тез бажарилади.

Пластмасса кувурлар пўлат ва чўян кувурларга қараганда кўпга чидамли, чунки улар кислота ва ишқорлар таъсирига чидамли бўлади. Пластмасса кувурлар силици юзага эга бўлганиклари учун бошқа материалларга қараганда ишқаланиш паст. Улар етарли даражада мустаҳкам ва эгилувчан, иссиқликни кам ўтказганлиги учун сув музлагандаги емирилмайди.

Кувурларни траншея лабида йигиш қуйидаги ишларни ўз ичига олади: кувурларни кўздан кечириш ва уларни ёткизиш, кувурларни бир-бирлари билан улаш, траншеяга тушириш, траншея тубига зичлаб ҳимоя қатлами билан ёткизиш, алоҳида кувурларни ўрамаларга улаш контакт пайванди билан пайванланиб, узайтириш усулида олиб борилади. Тутамлар узунлиги қудуклар орасидаги масофа билан ахрапувчи тутамлар, кесимлар ва бошқа тармоқлар билан аникланади.

Кувурларни траншеяларда йигиш ишлари ўз ичига қуйидаги иш жараёнларини олади: ҳар қайси кувурни кўздан кечириш, траншеяга тушириш, кувурларни улаш, муҳофаза қатламини қилиш ва зичлаш.

Траншеядаги кувурларни ҳам узайтириш усули билан уланади. Кувурларни тутамларга бирлаштириш, траншея олдида уюштирил-

ган пайвандлаш постида амалга оширилади, кейинчалик пайвандланган тутамлар траншеяга ётқизилади. ПВП, ПНП ва ПП қувурларини пайвандлаш учун траншея лабида күчма пайвандлаш ускуналадынан фойдаланиш тавсия этилади.

Пайвандлаш ускунасида ишлаш учун пластмасса қувурларни пайвандлаш технологияси ва ускуна курилмаси билан таништирилген ва қисқа муддатли амалий ўқишини ўтган шахслар күйилади.

Охирги пайтларда ҳар хил турдаги тармоқтарни тұғридан-тұғри тупроққа еки коллекторларға ётқизиш усуулари кенг құлланилмоқда.

Қувурларни траншеяга ётқизишда ишларнинг кетма-кет бажарылышы 5-жадвалда берилген.

5-жадвал

Қувурларни траншеяга ётқизишда ишларнинг кетма-кет бажарылышы 5-жадвалы

а) Диаметри 300 мм ли пўлат қувурларнинг звенолари учун

Бажариладиган ишлар	Ишларнинг кетма-кетлиги, мин.								Ишларни давом этиш муддати, мин.	Мехнат сарфи, одам - мин.
	10	20	30	40	50	60	70	80		
Кейинги ётқизиладиган қувур звеносининг тагини тоzалаш			T4						74	74
Қувур звеносини (қисмини) қамровлаш	T ₁	T ₂	T ₃	T ₄					7	23
Траншеяга қувурни узатиб бериш	T ₁	T ₂	T ₃						8	24
Қувур звеносини улаш, тұғрилаш ва бир-бiri билан боғлаш		T ₁	T ₂	T ₃					27 14	95
Қувурлар ҳолатини тұғрилаш		T ₁	T ₂	T ₃					18	54
Ётқизилген звеноар тагига тупроқ тортиш					T ₁	T ₂	T ₃		21	63
Звеноарни буралмайдыган чокларини пайвандлаш		Ә-1				Ә-1			67	87
Жами: 44 м лик қувур звеноарни учун										405

б) Оғзи кенгайтирилган, диаметри 1000 мм ли чўян қувурлар

Бажариладиган ишлар	Ишларнинг кетма-кетлиги, мин.								Ишларни давом этиш муддати, мин.	Меҳнат сарфи, одаммин.
	8	16	24	32	40	48	56	64		
Траншея тагини тозалаш ва текислаш			T1						47	47
Кувур звеносини (кисмини) қамровлаш	T ₁	T ₂	T ₃						7	21
Кувурни асосга ётқизиш	T ₁	T ₃	T ₄	T ₅					5	20
Кувур чокини тўғрилигини аниқлаш	T ₂	T ₃	T ₄	T ₅					6	24
Кувур тагига тупроқ тортиши			T ₁	T ₃	T ₄	T ₅			11	44
Чокларни текислаш						T ₁	T ₂		36 29 4	134
Жами: 5 м лик кувур звенолари учун										290

Ер ости қувурларини қўшма усул билан ётқизиш механизмларни, материалларни, меҳнат ресурсларини бир жойга жамлашга имкон ярагади. Бу ишлар тезкорлигини оширишни таъминлайди, курилиш майдонида тупроқ ишларини камайтиради, тармоқларни алмаштиришни имконияти борича осонлаштиради ва уларга фойдаланиш даврида техника хизмат кўрсатишни осонлаштиради. Коллекторлар бир шаклга келтирилган темир-бетон L-шаклдаги кўринишили деворлардан, чоклари текисланадиган ораётмалардан бажарилади. Охирги йилларда туннеллар ва коллекторлар курилишда турли қирқимдаги блоклар кўлланилмоқда.

Кувурларни лойиҳа ҳолатига вактинчалик таянчлардан ечиб олгандан сўнг доимий таянчларга ўрнатилади. Кувурларни туннел ичida худди шундай доимий таянчларга ўрнатилган йўналтирувчилар бўйлаб ҳам тортиб ўтказиш мумкин. Йиғиш туйнукларининг узунлиги 13—15 м лик қилиб, ҳар 200—240 м да, уларни орасида эса кенглиги 150 мм лик технологик чоклар ҳар 100—120 м да қолдирилади. Технологик чоклар лебёдкани, пўлат арқонни, тортиб олувчи блокларни ва туннел вентиляцияси қувурларнинг чокларини пай-

вандлаш вақтида мустақамлаш учун хизмат қиласи. Қувурларни таъмирлашда ёки уларни алмаштиришда туйнуклар очилади. Қувурларни йигиб бўлгандан сўнг технологик чоклар, йифиши туйнуклари ёпилади, чоклар текисланади ва тупроқларни қайта тўкиш ишлари бажарилади. Кучланиш ва кам кувватли кабелларни маҳсус назорат қилиш қудуқлари орқали тортилади. Олдиндан синовни ўтказишда босимни ишчи ҳолатигача пасайтириб, қувурларни шу ҳолатда энг камида бир суткагача ушлаб туриш зарур. Агар қувурлардан синов пайтида суюқлик оқмаса, улар доимий синовдан ўтказилади.

Синаладиган участкаларнинг узунлигини маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб белгиланади. Ер ости қувурларини ётқизиш бўйича асосий қурилиш ишлари: траншеяларда тупроқларга ишлов бериш (керак бўлганида мустақамлаб);

траншеялар тубларини тозалаш ва қўл кучи билан ишлов бериш ва чуқурлар қазиш;

қувурларнинг чокларини текислаб уларнинг тагига тупроқ тортиш; қўлтиқларига тупроқ тўкиш ва уларни зичлаш, қувурларни тупроқ билан 20 см гача кўмиш (кувурларнинг чокларидан ташқари);

қувурларни синаш;

қувурларни тупроқ билан кўмид зичлаш.

Мажмуа магистрал қувурларини коллекторларга ётқизиш қатор меҳнатталаб иш жаёнларини бартараф этади. Коллекторларда қувурларни солишириб ётқизиш усули ишларни бажариш муддатини бир неча бор қисқартиришга имкон беради, бу корхоналарни қайта қуришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Босим остидаги қувурлар учун (сув, газ ва иссиқлик тармоғи) асосан пўлат ва чўян қувурлар, канализация тармоғи учун эса со-пол, чўян ва темир-бетон қувурлардан фойдаланилади. Охирги вақтларда ер ости тармоқларини ётқизишда кенг кўламда енгил асбест-цемент, шиша ва турли кўринишдаги полиэтилен қувурлар (шу ҳисобда шиша толалари билан арматуралаштирилган) ишлатилиб келмоқда, бу ўз қаторида кўпгина метални тежашга имкон яратади.

Кувурларни ва коллекторларни тор жойларда йигиши аслида, одатдаги янги қурилишни олиб бориш ишларидан хеч қандай фарқи бўлмайди (кувурларни ётқизувчи воситалар ва ёйли кранлар ёрдамида). Лёсс тупроқларда босим остидаги қувурларни ётқизиш келажак технологияси бўлиб, уларни зичланган траншеяларда ётқизиш тор жойларда ишларни траншея деворларини мустақамламасдан олиб боришга имкон яратади. Зичланган траншеялар технологияси пойdevor остига зичланадиган котлованларнинг технологиясидан фарқи бўлмайди.

Ётқизишга тайёрлаш. Корхоналарнинг ер ости тармоқларини ётқизиш ИБЛнинг “Мұхандислик тармоқларини кўчириш” қисмидаги қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу бўлимни таркибида қуидаги ҳужжатлар ишлаб чиқарилган бўлиши керак: қурилиш-

ни олиб бориш бош лойиҳаси, ишларни бажариш ва материаларни олиб келиш жадвали, ишларни бажариш технологик чизмалари, кесиб ўтадиган тармоқларни вақтингчалик ўтиш йўлларини ҳимоя қилиш бўйича қарорлар, техника хавфсизликлари сифатини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар, қарорларни қабул қилиш бўйича ҳисоблар ва тушунтиришлар.

ИБЛни ишлаб чиқаришда бошланғич маълумотлар бўлиб: тармоқларни қўчириш лойиҳаси КУЛ (курилишни уюштириш лойиҳаси), лойиҳани тузишдан олдин текшириш материаллари, ишларни бажариш усуслари ва муддатларини буюртмачи ва маҳаллий ташкилотлар билан келишилганлиги тўғрисида ҳужжатлар ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда ишларни бажариш кетма-кетлиги, тупроқларни қайта тўкиш, тармоқлар учун материалларни олиб келувчи транспорт воситаларининг ҳаракат қилиш йўллари, траншея устига ўрнатилган пиёдалар учун кўпrikчалар, материалларни сақлаш жойлари, машиналарни турish жойлари, вақтингчалик ёритиш тармоқлари ва бошқалар кўрсатилади. Қийин ишлар бажариладиган участкалар учун деталлаштирилган 1:200 ўлчамдаги бош лойиҳа ишлаб чиқарилади. Айрим участкалар бўйича ишларни бажарилиш муддатлари буюртмачи ва бош пурратчилар билан келишилган ҳолда аниқланади.

Ташки ва ички ётқизилган тармоқларда ишларни кетма-кетлиги курилиш-монтаж ва жиҳозларни йиғиши ишларидан олдинроқ боришини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур. Ишларни бажариш жадвалларида ётқизиладиган тизим участкаларининг синов муддатлари кўрсатилган бўлиши керак. Тупроқларни қайта тўкиш ишларини тезлаштириш учун, бундай синовларни янги биноларни куришда камроқ узунликдаги участкаларда олиб бориш тавсия этилади.

Айрим технологик муаммоларни ечишда, масалан, траншеяларни пойдевор олдида қазишга қурилиш ташкилотининг рухсати олингандан бўлиши шарт.

Тайёрлов таддирларига трассаларни белгилаш ва ажратиш, керак бўлганда реперларни ўрнатиш, трассадаги ҳамма кесиб ўтадиган тармоқларни белгилаш, кесилмайдиган тармоқларни урилишдан муҳофаза қилиш ишлари киради. Трассада кесиб ўтадиган тармоқларни белгилаш учун жойларда уларнинг ҳолати аниқланади. Аниқлаш куйи-даги усулда амалга оширилади: назорат қудуклари ва рейкалар ёрдамида, маҳсус аниқдаш учун белгиланган аппаратлар ҳамда траншеялар қазиш йўли билан.

9.2. ЕР ОСТИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЁПИҚ УСУЛ БИЛАН ЁТҚИЗИШ


Ер ости тармоқларини (коллектор, туннел, қувурлар) мавжуд йўллар, бинолар, ва иншоотлар тагидан олиб ўтиш эҳтиёжи туғила диган бўлса, уларни ёпиқ усул билан ўтқазиш (траншеясиз) зарур

бўлади. Амалиётда ер ости тармоқларини икки асосий ёпиқ усулидан фойдаланилади: эзиз кувур футлярни ётқизиш; тупроқни тешиш усали билан (вибротешиш ва ҳаво босими остида қудуқларни тешиш).

Квадрат қирқимли кувур ва коллекторларни ётқизишида тупроқларга ишлов бериш ишлари (тешиш ва горизонтал йўналишда бургулаш) тармоқларни ёпиқ усула ётқизиш бўйича тайёрланган ишчи трассасини бошланишида ва' охирида, котлованларни вертикал деворларини мустаҳкамлашдан бошланади.

Котлованларнинг ўлчамлари домкрат ускуналарининг ва тешиб ётқизиладиган қувурлар ўлчамлари билан белгиланади, чуқурлиги эса қувурларни ётқизиш чуқурлигигида, йўналтирувчиларни кўндаланг қирқимлари ва унинг тагидаги посанги қатламини инобатга олган ҳолда аниқланади. Ётқизиладиган қувурлар тагига қудуқларни тешиш усали диаметри 100—400 мм ли қувурлар учун 3 м дан чуқурроқда амалга оширилади (20-чизма).

Тешадиган ускуна гидравлик поршеннинг юриш оралиғи 150 мм ли домкрат штоки орқали домкрат ҳаракатини қувурга узатиб берувчи, қувурга ўрнатилган шомполлар ва пўлат конус шаклидаги қувурга пайвандланган найза учидан иборат. Домкратни манбага қўшгандан сўнг қувур 150 мм га сурилади ва домкрат ўчирилади, поршени бошланғич ҳолатга келтирилади. Ундан сўнг эса шток бошқа тешикка ўрнатилади ва яна домкрат қўйилади (ҳар бир циклда сурилиш 150 мм га тенг). Бундай усул таркибида тош ва шагал бўлмаган тупроқларда қўлланилади. Сурилиш тезлиги 1,5 м/соатга етади.



20-чизма. ИП-4605 маркали тешувчи найза:

1—корпус; 2—ечиладиган кенгайтирувчи; 3—ударник; 4—ойна; 5—золотник; 6—реверсив мосламаси; 7—снг.

Вибротешиш (силкитиб тешиш). Кудукларни силкитиб тешиш силкитиб урувчи ускуналардан фойдаланиб ишловчи қувурларни учига жойлаштирилган силкитиб қоқувчи болгалар туридаги ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Бундай ускунада тешувчи куч қувур билан қимирламайдыган қилиб уланган силкитиб киритувчи бүлади, аравачада ўрнатылған лебёдка эса қувурни тайёр қудукқа 7,5 кН күчланиш ва 30—40 м/соат тезликда етказиб беради.

УПВ-1 силкитиб киритувчи ускуна диаметри 219 мм ли ва УПВ-2 диаметри 426 мм ли қувурлар учун ишлаб чиқарылған.

Тупроқларни кавламасдан эзіб қувурларни киритишда мәжнат сарфи құскаради.

Хозирги вактда ҳаво босими ёрдамида тешадыган түрттә ускуна: ҳаракатни ўзгартирмайдыган ИП-4601, ИП-4601 А ва ҳаракатни ўзгартириб берувчи ЦП-4603, ИП-4605 ишлаб чиқарылади. Ҳаво босими остида ишловчиларни ишга тушириш ва машинани забойдан чиқариш учун тешиладыган қудукни бошланиши ва охирида энг камида 1 м ва узунлиги 1,8—2 м ли чуқурлар қазылади. Ҳаво босими остида тешувчиларнинг йұналишини аниқлаштириш учун қудукни ўқы бүйлаб оддий мұлжаллаш воситалари құлланилади.

Ҳаво босими остида тешувчи ускунани асосан боғланған ва намлиги күп бўлмаган тупроқларда (намлиги 19—30% бўлгандан) ишлатылади. Кенгайтирувчисиз тешиладыган қудукларни диаметри 130—200 м; кенгайтирувчи билан ишловчидан (бир неча бор ўтишда) — 300 мм гача, ҳаракат тезлиги 15 м/соат. Бир ётқизишида амалга ошириладыган қудукларни энг катта узунлиги 50 м, ишчи босими 0,5—0,6 МПа, ҳаво сарфи 3—4 м³/мин.

Қудукларни эзіб ўйиш диаметрлари 500—1800 мм ли қувурларни, квадрат түғрибурчакли коллекторларни 80 м масофагача ётқизишида ишлатылади. Қудукларни эзіб ўйиш учун құлланиладыган ускуна рама, сикувчи фланец ёрдамида құндириладыган қувурларни пешонасига етказиб берувчи бир ёки бир нечта домкратлардан ташкил топган. Қувурнинг қарама-қарши томонидаги пешонасига қаршиликни пасайтириш учун ҳалқа пайвандланган (пичоқнинг диаметри қувурнинг диаметридан бир оз катта). Домкратларни таяниши учун икки қатор брус ва қозиқоёклардан ташкил топган маҳсус девордан фойдаланилади. Қувурнинг орқа томони чуқурликка етгандан сүнг унга құшымча звено пайвандланади. Қувур ичидан тупроқни лебёдкада арқон узатиб берувчилар билан таъминланған хокандоз ёки бошқа воситалар билан чиқарыб ташланади. Тупроқларни күришига қараб ўтиш тезлиги сменада 1,5—3 м ни ташкил этади.

Эзіб ўйиш усули, айниқса, ҳаракатдаги йўл, бино ва иншоотлар остига ётқизиладыган коллектор ва туннеллар қурилишида унумли бўлади.

Кувурларни траншеясиз усулда ётқизишида эксцентрик-пармалаш машиналари ПМ 800—1400 ва ПМ 800—1600 лардан фойдаланилади. Машинанинг кесувчи қисми пропеллер шаклдаги кувурнинг узунаси бўйлаб ўқига нисбатан эксцентрик ҳолда ўрнатилган пичоқ, кичик ўлчамли редуктор ва электродвигателдан ташкил топган.

Пропеллер шаклдаги пичоқ кувурнинг ташки диаметридан бир-мунча катта, бу эса кувурни ётқизишида унинг қаршилигини пасайтиришга имкон яратади.

Кувурларни ётқизиши трассаси бўйлаб кенглиги 3—4 м, узунлиги 10—19 м ли шурфлар (котлованлар) қазилади, булар ётқизиладиган кувурларнинг ўлчамларига ва тортувчи лебёдкаларни ўрнатилишига боғлиқ бўлади. Котлован туви кувурдан 20—30 см пастда бўлади.

Кувурнинг ичига ҳаракатдаги тортувчи лебёдка билан уваланган тупроқни чиқариб ташловчи мослама ўрнатилади. Автокран ёки «Пионер» крани ёрдамида уваланган тупроқ ер устига кўтарилиб, автосамосвалларга юкланди. Ҳаракат тезлиги тупроқни зичлигига, намлигига, ётқизиладиган кувурларни узунлигига ва диаметрига боғлиқ бўлади.

10. ЕР ОСТИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЁТҚИЗИШДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ

Техника хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишида СниП III-4-80 нинг «Курилишда техника хавфсизлиги» бобига риоя этилади.

ИБЛда корхонадаги ишларни бажаришда бажарувчиларга наряд-рухсатномалар берилиши, масъул шахсларни эса қайси хавфли ва муҳим ишларни олдида бўлишлари кўрсатилади. Қайта қуриладиган корхоналарнинг ҳамма тармоқлари, янги ётқизиладиган трасса тизимини кесишувчи қисмлари курилиш бош тархида чизилган бўлиши керак. Ишни бажаришдан олдин унинг ҳолати жойларда ўлчаш ёки шурфларни қазиш йўли билан, траншеялар қазишида қоқилган қозик, столблар билан аниқланади.

Алоҳида муҳим ҳолларда ишларни бажариш учун наряд-рухсатнома берилиши зарур. Қазиладиган траншеялар билан кесишадиган ҳаракатдаги тармоқларни очишида улар ҳамма босқичларда ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган урилишдан, совиб кетишдан ва йилнинг совуқ вақтида музлашдан муҳофаза қилинган бўлиши зарур.

Ҳимоя лойиҳаси ИБЛ таркибида ишлаб чиқарилган бўлиши керак. Ёниш ва порглаш категориясига алоқадор саноат биноларида ер ости ишлари ёнфинга қарши ва газдан муҳофаза қилиш станциялари томонидан келишилган рухсатнома асосида ўтказилиши мумкин.

9) ЕР ОСТИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЁТҚИЗИШДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ МАВЗУСИ БҮЙИЧА САВОЛЛАР

1. Корхоналарни қайта қуришда янги ётқизиладиган тармоқларни көсишиш нүкталари қандай хужжатда күрсатылған бўлиши керак?
 - А—қурилиш бош тархида;
 - Б—ишларни бажариш лойиҳасида;
 - В—технологик хариталарда;
 - Г—махсус бажарилган схемаларда;
 - Д—ишличи чизмаларида.
2. Ёнгин ва портлашдан хавфли категорияли саноат биноларида ишлар кимнинг рухсати билан амалга оширилади?
 - А—пудратчининг;
 - Б—буюртмачи ва ёнфинга қарши курашувчи корхона ходимининг;
 - В—буюртмачи ва пудратчининг;
 - Г—буюртмачининг;
 - Д—ишлар бажариладиган корхона раҳбарининг.
3. Кавлашда очиладиган ҳаракатдаги тармоқларни ҳимоялаш тадбирлари қайдай хужжатда ишлаб чиқарилади?
 - А—ишларни бажариш лойиҳасида;
 - Б—қурилишни уюштириш лойиҳасида;
 - В—қурилиш бош тархида;
 - Г—махсус схемада;
 - Д—ишличи чизмаларда.

11. САНОАТ БИНОЛАРИ ПОЛЛАРИНИНГ ТАГИГА БЕТОН АСОС ТАЙЁРЛАШ

Поллар саноат биноларининг энг муҳим курилма қисми ҳисобланади. Саноат бинолари қурилишида поллар нархи бинонинг ҳисобнома қийматининг 10—16 фоизини ташкил этади. Полларнинг турлари ва қисмларини тўғри танлашда механик кучларни, ҳарорат таъсирини ва бошқа омилларни инобатта олинади. Пол ости қатламининг қалинлиги бетон маркасига боғлиқ бўлиб, у 100—260 мм гачани ташкил этади. Пол ости бетон тайёрлов қатламининг солиштирма ҳажми умумполлар тагига тайёрлов қисми ҳажмининг 35—85% орасида ўзгариб туради ва ўртacha 60% ни ташкил этади.

Бетон қорицмасини ётқизишдан олдин тупроқ асосга сув сепилади, кейин эса кенглиги 3—4 млик тасмаларга бўлиб, бетон қорицмасини тасмаларни орадан битта қолдириб бетонлаштирилади. Биноларни қайта қуришда поллар тагига бетон қатламини тайёрлаш янги қурилишда бетон тайёрлов қатламини бажариш технологияси билан деярли бир хил бўлади.

Тор жойларда пол ишларини бажаришда бетон қоришмани ётқизиш жойига мототележкалар ва бошқа воситалар ёрдамида (кувурлар орқали узатиб берувчи ТР-Т, кўприк кранлари ва бошқалар) узатиб берилади.

10) САНОАТ БИНОЛАРИ ПОЛЛАРИНИНГ ТАГИГА БЕТОН АСОС ТАЙЁРЛАШ МАВЗУСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Саноат бинолари полларининг тагига тўшама ётқизишни нимадан бошлайдилар?

- А—бортикларни (четки тахталарни) ўрнатишдан;
- Б—бетондан пол ости тўшамини ётқизишдан;
- В—пол ости тўшами тагига чақиртош ёки гравийдан асос тайёрлашдан (зичлаб);
- Г—пол юзасини текислашдан;
- Д—бетон қоришмасини ётқизишдан.

2. Саноат биноларини қайта қуриш шароитида қайси иш меҳнаттаблиги билан қийинроқ?

- А—ер юзасини текислаш;
- Б—бетон қоришмасини тақсимлаш, текислаш ва зичлаш;
- В—бетон қоришмасини ётқизиш;
- Г—бетон қоришмасини ётқизиб берувчи жиҳозни жойлаштириш;
- Д—бетон қоришмасини тайёрлаш.

11.1. ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ БИНО ПОЛЛАРИНИНГ ТАГИГА БЕТОН АСОС ТАЙЁРЛАШ

Бетон қопламани қуиши Д-360 силкитибзичлагич ёрдамида амалга оширилади. Сочилувчи материаллар самосваллар ёрдамида бетон қилишга тайёрлаган юзага туширилади, ундан сўнг эса ўзи юрувчи зичлагичлар ёрдамида текисланади ва зичланади.

Ишчи майдонига бетон қоришмаси самосвал, аравача, бадъя ёки бетоннасослар ёрдамида узатиб берилади. Агар пол арматуралаштирилса, бетон қоришмасини самосвалдан ёки аравачадан қоришма ётқизиладиган секцияни қоқ ўргасига туширилади.

Коришмани ётқизишда арматура ўрнидан кўзғатилмайди, уларни устидан юриш ёки кўприкчаларни таянчлари ўрнатилиши таққикланади. Бу ҳолда арматурани ётқизилишини тартибга солиш зарурини туғилади. Бетон қоришмасини кран ёки бадъя ёрдамида юза бўйлаб бир текисда тақсимлаш зарур. Бетон қоришмасини тақсимлаб берадиган бетоннасос ёрдамида узатиб бериш энг тез ва оддий усуллар. Бетон қоришмасини консистенцияси кам ҳаракатланувчи ҳолатидан юмшоқлик даражаси ҳолатига ўтган бўлиши шарт. Насос ёрдамида тортиши ва вакуум ишлов беришда одатда юмшоқ бетон қориш-

маси құлланилади. Тасмалар биттә үтказилиб бетонлаштирилади, бунда биринчى бұлиб үтвучи йұлдан эң узокда жойлашгани бетонлаштирилади ва секин-аста йұлга яқынлашиб борилади. Маяк тахталари оралиғида бетон қорищмаси қотиб бұлғандан сұнг, кейинги оралиқ бетонлаштирилади. Деформация чокини ташкил қылувчи бетонлаштирилган плиталарнинг ён қырралари оралиқ тасмаларни бетонлаштиришдан олдин иссиқ БН-ІІІ маркалы битум билан 15—2 мм қалинликта чапланаб чиқылади.

Янги ётқизилген бетон қорищмаси ичига көнглиги 80—100 ва қалинлиғи 4—5 мм ли металл тасмани бетон тайёрлов қатламининг 1/3 чуқурлигига киритилади. Тасма бетон қорищмаси ичидә 20—40 мин қолдирилиб, кейин қорищма ичидан чиқарып олинади. Бетон қорищмаси қотиб бұлғандан сұнг пұлат тасма ўрни иссиқ битум ёки цемент қорищмаси билан тұлдирілади.

Тайёрлов қатламины алоқыда участкалар билан бетонлаштиришда йиғма ёки металл қолипларни тайёрлаш зарур. Бундай қолипларни ўрнатилиш жойида тез ва осон йиғилишини ва күчиришни тәмминалаш зарур.

Бетонлаштириш ишлари охирiga етгандан сұнг бетон полини юзаси қыртишлаш машиналари билан текислаб чиқылади.

Тайёрлов қатламини бетонлаштириш ишларини ҳажмлари кичкина бұлғанда, бундай ишларни оддий схема билан бажариш тавсия этилади.

Самосвал ёки бетон ташувчи махсус автомашина бетон қорищмасини тұкиш учун бетонлаштириш режалаشتырылған юзага чиқиши ёки тұкиш томони билан яқынлашиб, бетонни маяк тахталари орқасында тұкиши керак. Ҳар қандай қолатда ҳам маяк тахталарнинг шикастланишининг олдини олиш мақсадида тұкиш жойлаriga түрт қырралы түсінлар ўрнатылади.

Бетон қорищмасини тақсимлаш ва текислаш ишларини экскаватор Э-151 ёрдамида бажариш мүмкін. Бетон текисловчи ускуна бетонлаштириладиган юза ёнiga ўрнатылыб, у узунаси бўйлаб ҳаракат қылади, ундан сұнг бетон қорищмаси виброрейка ёрдамида зичланади ва юзаси текисланади. Транспорт воситасидан асосга туширилған бетонни бетонтекисловчи чўмичи тақсимлаб, ундан сұнг кареткаларини олдинга сурилиб қайтиш ҳаракати остида уни текислайди. Осма ишчи органининг иш күлами узунасига 3,2 м ни ва энiga 4,2 м ни ташкил этади. Охирги йилларда қурилиш амалиётида куйма бетон полларни қуришда кенг құламда вакуумлаштириш (хавосизлантириш) усули құлланилмоқда. Вакуумлаштириш усули билан ишларни амалға ошириш вакуум ускунаси ва сўриб олувчи матлар ёрдамида бажарылади.

Бир вақтнинг ўзіда бетон таркибидаги ортиқча сув сўрилиб олиниши билан атмосфера босимини мат ёки плиталарга босиш натижасынан

сида бетон қорищмасининг зичланиши амалга оширилади. Вакуумлаштириш усулини кўллаш пол учун ётқизилган бетон таркибидаги сув миқдорини камайтиришга ва юқори сифатли бетон олишга имкон беради. Шунинг учун 28 суткада бетоннинг сиқилишга чидамлиги 20–40% га ошади. Натижада бетонни чўкиш ҳолати ва ёриқларни пайдо бўлиши камаяди, бетоннинг қотиши билан бир-бирига ёпишиши ортади. Бу бетонга бериладиган кейинги ишловларни олдинроқ бошлишга имкон беради.

Ҳозирги вакуум ускуналари плёнкалардан тайёрланган фильтрлар билан таъминланган бўлиб, улар заррачалари 5 мкм катталиклаги цементни ушлаб қолади. Фильтрлар бир сменада бир марта ювилади. Ҳозирги вактда вакуум-насос 95% гача тозаланган ҳаво билан таъминланади. Бетонлаштириш жараёни ўз ичига бетон қорищмасини текислаш, ётқизиш ва зичлаш, уни вакуумлаштириш (ҳавосизлантириш) ва янги ётқизилган бетон юзасини текислаш ишларини олади.

Вакуумлаштириш давомида бетон қорищмаси таркибидан 20% сув чиқариб ташланади, бу эса бетоннинг сув-цемент нисбатини камайтиришга ва физик-механик ҳолатини яхшилашга олиб келади. Вакуумлаштириладиган бетон пол юзасининг емирилишга қаршилиги оддий усул билан ётқизишга қараганда 1,5 баравар юқори, шунинг учун, унинг юзасини текислаш фақатгина текисловчи машиналар ёрдамида амалга оширилади.

Бетон полларни кўрсатилган технология билан куриш тажрибаси унинг қўйидаги афзалликларини кўрсатади:

бетон поллар юзасини танаффуссиз бир босқичда бетонлаштирища мөхнат унумдорлиги 2 баравар ошади;

технологик жараёнларни механизация мажмуаси билан бажариш имкониятини беради;

2–3 суткадан сўнг тайёр полни фойдаланиш юклари билан юклаш имконияти яратилади;

цементни 20% гача тежашга эришилади;

полни сифати (мустаҳкамлиги, ёйилиши, совуққа чидамлилиги, сув ўтқазмаслиги, юзани тозалиги) ошади.

5 кишидан иборат бригада учун механизмлар комплекти ўз ичига: силкитувчи рейка, вакуум-агрегат, сўриб олувчи мат, текисловчи машина, ёрдамчи дастгоҳлар ва мосламалар, яна меъёрий комплектни тащувчи, сақловчи контейнерларни олади.

Меъёрий комплектнинг таснифи:

Ишлаб чиқариш кўрсаткичи

200–240 м²/сменада

Ётқизиладиган бетон қатламининг қалинлиги

20 см гача

Ўрнатилган куввати

12,9 кВт;

Тайёрлов босқичида асос ахлатдан тозаланади, уни силки-тибзичлагич ёки юзаки вибратор ёрдамида зичланади, сув билан ҳұллаб маяк тахталари үрнатилади.

Тайёрлов қатламига бетон қорищмасини қабул қилиб, уни текислаш оддий дастгоҳлар ёрдамида амалга оширилади. Бетон қорищмасини сұнгти марта текислаб, зичлашни силкитувчи рейка ёрдамида амалга оширилади. Шундан сұнг зичланган бетон тас-масини устига сурувчи мат ётқизилади ва уни ҳавосизлантирувчи агрегатта уланиб, бетон ҳавосизлантирилади. Ҳавосизлантириш ишлари тамом бұлғандан сұнг, ҳавосизлантирувчи мат күчириб олинив, уни кейинги фойдаланишга тайёрлаб қўйилади.

Бетон юзаси дискли ёки парракли текисловчи машиналар ёрдамида текисланади. Бунда дискли машинани олдиндан дағал ишлов беришща ва парракли машинани эса юзалари силлиқ ишлов беришща ишлатилади. Силликлаш ишлари тамом бұлғандан сұнг маяк тахталар қўпориб олинади. Пол ости тайёрлов қатлами, майдончалар ва бошқа қурилмаларни бинонинг ер ости қисмларини барпо этишща құлланадиган машина ва механизмлар ёрдамида барпо этиш мумкин. Бундай механизмларга ғиддиракли ёки ўрмаловчи ўзиорар кранлар, кўчириб үрнатилувчи конвейер-бетонётқизувчилар, ўзиорар тасмали бетонётқизувчилар, ёйи шарнир бирикмали бетоннасослар киради. Юқорида кўрсатилган машиналарни құллашща уларнинг технологик схемалари худди шундай арматуралаштирилган пол ости тайёрлов қатламини бетонлаштиришга имкон беради, чунки бунда самосваллар бетонлаштирилган юзага чиқмайдилар. Конвейерларни секциялари бетонлаштирилган ва бетонлаштирилмаган тасма томонидан ҳам үрнатилиши мумкин. Кетма-кет үрнатилган секцияларни жойлашиши ҳар бир секциянинг ҳаракат зонасида бўлади. Бетон қорищмасини самосвалдан қабул қилиб, уни конвейерга узатиб бериш виброистеъмолчи ёрдамида ёки юкловчи бункер ёрдамида амалга оширилади. Бетон қорищмасини силкитувчи рейка ёрдамида ҳар бир секцияни ҳаракат зонасида тақсимлаш билан зичлаб боради. Бетон қорищмаси самосваллар ёрдамида байдыларга тўкилади ва кран ёрдамида бетонлаштириш зонасига етказиб берилади ва туширилади. Туширилган бетон қорищмасини текислаш Э-1514 экскаватор базасига үрнатилган бетон текисловчи қурилма ёки кўлда оддий дастгоҳлар билан амалга оширилиши мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тайёрлов қатламини кран ёрдамида бетонлаштириш унумдорлиги бошқа технологик схемаларга нисбатан пастроқ ва фақатгина автосамосвалларни бетонлаштириш зонасига кириши қандайдир бир сабабларга кўра қийин бўлғанда ва бетон қорищмасини узатиб

берувчи ва тақсимловчи жиҳоз бўлмаганда тавсия этилади. Бетонёт-қизувчининг телескопик ёйини энг катта узунилиги 20 м, шунинг учун бетонётқизувчини энг охирида, бетонлаштириладиган тасма ёнида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бетон қорищмасини зичлаш ва юзасини текислаш бундан олдинги схемаларга ўшаб амалга оширилади. Агар ўзиюрувчи тасмасимон бетон ётқизувчиларни, доимий ёйларини узунилигини бир хил бўлган, мисол учун, УБК-132 бетон-ётқизувчилар билан бетонлаштиришда худди юқорида кўрсатилган схема билан бетонлаштириш мумкин бўлса, ЛБУ-20 бетонётқизувчига нисбатан маневр қилиш учун тегишли майдончани кўзда тутиш зарур. Шарнир-бирикмали ёйли автобетоннасос билан бетонлаштириш схемаси ўзи юарар тасмасимон бетонётқизувчисиникидан деярли фарқ қilmайди.

Кўйма бетон тайёрлов қатламини бетонлаштириш пайтида бетоннасослардан фойдаланишда ишларни сурункали уюштириш, насосни бетон қорищмаси билан таъминлаш имконини беради, бетон узатувчини бетондан тозалашда вақтни йўқотишнинг олдини олишга имкон яратади.

Бетоннасослар ёрдамида тайёрлов қатламини ҳосил қилишда, СНИП III 15-76п га риоя этилади. Узатиб бериладиган бетон қорищмасининг қуми таркибида юқори микдорда майда ва чангсимон заррачалар бўлиши зарур. Бетон қорищмасининг сув микдори ва цемент сарфини пасайтириш унинг қайишқоқлигини оширувчи қўшимчаларни қўшиш ҳисобига амалга оширилади. Бунда саноатимиз ишлаб чиқарадиган суперпластификаторлар (силлиқликни оширувчи) алоҳида эътиборга эга.

Ўтқазилган тажрибалар шуни кўрсатадики, суперпластификаторларни цемент оғирлигидан 75% гача микдорда қўллагандан ўзгармайдиган мустаҳкамликка ва анчагина силлиқлик кўрсаткичига олиб келади. Бетон қорищмасини бошлангич ҳаракатланиши 0—1 см бўлганда суперпластификатор ёрдамида унинг ҳаракатланишини 6—8 см гача ошириш, бетон сувини камайтириш ёки цементни тежаш ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Ҳаракатланишини бундай ошириш бетон қорищмасини қулай узатиш ва ишлов беришга имкон яратади. Шуни ҳам айтиш керакки, суперпластификаторнинг нархи жуда юқори. Уни қўллаш бетон нархини оширишга олиб келади, шу туфайли иқтисодий асосланган бўлиши зарур. Бундан ташқари, агар қурилмага совуққа чидамлиги бўйича ва бетон қорищмаси 60 мин кам вақтда ётқизилишига ишонч бўлмаган ҳолларда суперпластификаторни қўллаш тавсия этилмайди, чунки бу вақтдан бошлаб унинг силлиқлаш ҳаракати анчагина пасаяди. Бундай (қайишқоқ) силлиқ бетон қорищмасини ётқизишда уни текислаш ва бетон юзасини юқори сифатли енгил силкитувчи рейкалар ёрдамида силлиқлаш ишларига олиб келиши мумкин.

Қайта тикланадиган биноларнинг тайёрлов қатламини бажаришда техника хавфсизлиги қоидалари худди қўйма пойдеворларни алмаштириш ишларини бажаришдагидек бўлади.

11) ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ БИНО ПОЛЛАРИНИНГ ТАГИГА БЕТОН АСОС ТАЙЁРЛАШ МАВЗУСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Бетон юзасини қандай машиналар билан текислайдилар?

- А—дискли ва парракли текисловчи машиналар билан;
- Б—виброрейка билан;
- В—вибромайдон билан;
- Г—қўл ёрдамида зичлаб;
- Д—белкураклар билан.

2. Бетон тайёрлов қатламини тайёрлашда бетон қоришимасини узатиб берувчи насосларда бетон қоришимаси конусининг чўкиши қанча бўлиши керак?

- А—6—7 см;
- Б—6—8 см;
- В—6—9 см;
- Г—5—6 см;
- Д—6—10 см.

12. БИНО ҚИСМЛАРИНИ ЙИФИШ ВА КЎЧИРИШ

Бино ва иншоотларни қайта тиклашда қурилмаларни йифишни механизациялаштириш мажмуаси объектларни ташқи ва ички ўлчамларидан, мавжуд қурилмаларни кучайтириш ҳамда алмаштиришдан келиб чиқадиган айрим хусусиятларга боғлиқ. Биноларни қайта қуришда қурилиш қисмларини йифиш жараёнида, айрим қўл операцияларни бажариш талаб этилади.

Кўпқаватли бино ва иншоотларни қайта тиклашда қурилиш қисмларини йифиш бир қатор кетма-кет ишлардан тузилган. Технологик операцияларни бажариш усуслари ва уларни кетма-кетлиги ИБЛда ишлаб чиқарилади.

Ватанимиз амалиётида катта блокли, олдиндан яхлитланган қурилмаларни йифиш кенг кўламда қўлланилади. Айрим қурилмалар қисмларини йифиш блокларига яхлитлаш меҳнат талаб қўлувчи ва хавфли, юқорида бажарилувчи иш ҳажмларини, вақтинчалик ҳавоза, таянч ва ҳоказоларни қуришга қўшимча сарфларни анчагина қисқартиришга, иш сифатини оширишга имкон яратади. Қурилмаларни энг кулай яхлитлаш даражаси техникиктиносидий ҳисоблар ёрдамида аниқланган бўлиши зарур. Бинолар ва иншоотларни қайта қуришда йифиш блокларининг ўлчамлари обьект торлиги билан солиширилган бўлиши керак.

Амалиёт шуни күрсатадики, ишларни ташкил этишнинг энг яхши усули, қурилишни оқим усулида ташкил қилиш ҳисобланади. Бино ва иншоотларни қайта тиклашда мейёрсиз оқим ташкил этилади, шу туфайли умумий оқимга бир турдаги ишларни ҳар хил ҳажмли ишлари ва ҳар хил меҳнат талабли ишлар киритилади. Саноат биноларини қайта қуришда қурилиш қисмларини йифиш бўйича катта ҳажмда иш бажариш зарур.

Объектларни қайта қуришда кўчириш ишларини механизациялаштириш жуда ҳам мураккаб, шунинг учун объектларни қайта қуриш ишларининг рўйхатида меҳннталаблик бўйича биринчи ўринни эгаллади. Қайта қуришда қурилиш қисмларни йифиш усуллари торлик ўлчамлари билан, йигувчи машиналарнинг имконияти билан, йигиладиган қисмларни тури билан, қаватларни йифиш кетма-кетлиги билан, технологик шароитлари билан (ҳаракатдаги корхонани қайта қуришда) белгиланади.

Технологик ишларнинг биринчи босқичида объект ичидаги алмаштириш учун белгиланган ҳамма қурилмалар кўчирилади, ундан сўнг эса янгиси йигилади. Бундай ҳолларда йигишини ва кўчиришини ҳар хил машиналар ёрдамида олиб бориш мумкин. Қурилмаларни кўчириш ишларини бинонинг умумий турғунлигига ва ёнбош қисмларининг бузилиш хавфи тугилмагандага бажарилади. Бу усулининг афзаллиги, кучли йигувчи машиналардан фойдаланилади, аммо бу усул билан ишлагандага жуда ҳам кўп марта қурилмаларни кучайтириш ва бинонинг умумтурғунлигини таъминлаш бўйича катта иш ҳажмларини бажаришга тўғри келади.

Кўшма усуlda қурилмаларни кўчириш ва йигишини биргаликда кўшиб ёнбош қурилмаларни ва умуман иншоотларни мустаҳкамлигини, турғунлигини етарли даражада таъминлаб берувчи шартлар билан амалга оширилади.

Йигиши ва кўчириши ишларини бундай ҳолларда машиналарнинг битта комплекти билан амалга оширадилар. Бунда кейинги ишлар учун иш кўлами очилади, натижада қайта қуришнинг умумий муддати қисқаради.

12) БИНО ҚИСМЛАРИНИ ЙИФИШ ВА КЎЧИРИШ МАВЗУСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Бино қисмларини кўчиришда алоҳида қисмларга бўлиб амалга ошириш қандай технологик ишлардан ташкил топади?

А—объект ичидаги алмаштирилдиган ҳамма қисмлари кўчирилиб, ундан сўнг янгилари йигилади;

Б—объект ичидаги алмаштирилдиган қисмлар блоклар кўринишида кўчирилиб, ундан сўнг янгилари йигилади;

В—объект ичидаги алоҳида қисмлар кўчирилиб, ўша пайтнинг ўзида янгиси йигилади;

- Г—объект ичидә фақаттіна юк күттарувчи қисмлари алмаштирилиб, ұша вақтнинг үзіда янгиси йигилади;
Д—объект ичидә фақаттіна четки қисмлар күчириб олиниб, янгиси йигилади.

2. Күчириш ишларининг унумли усуулларида мутлақ шартлар нимадан иборат?

- А—ишларни аввалдан тузилган лойиҳа асосида олиб бориш;
Б—ишларга пухта тайёрланиш;
В—ишчиларга иш ҳақини үз вақтида бериш;
Г—ишчиларни қурилиш материаллари билан таъминлаш;
Д—күчириш ишларини механизациялаштириш.

3. Күчириш ишларини тезлаштириш учун қандай ишни бажариш керак?

- А—ишларни аввалдан схемаларини тузиб чиқыш;
В—курилмаларни лойиҳа қотиргичларини қисман бүшатиши;
С—бажариладиган ишларни кетма-кетлигига риоя қилиш;
Д—бажариладиган ишларни үз вақтида бажариш;
Е—бажариладиган ишларни механизациялаштириш.

12.1. ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА ТАЙЁРГАРЛЫК

Йиғиш ва күчириш ишларини бошлаш учун ҚУЛ ва ИБЛ ҳамда технологик хариталар ишлаб чиқылған, тасдиқланған бўлиши керак. Қурилиш қисмларини ва технологик жиҳозларни йиғиш ва күчириш бўйича ишларни бажариш лойиҳасида ҳаракатдаги корхонада ишларни бажариш хусусиятини ифодаловчи кўшимча материаллар бўлиши зарур. ИБЛ ни ишлаб чиқариш учун бошлангич маълумотлар бўлиб, янги қурилиш учун белгиланған ҳужжатлардан ташқари, цехни (бинони) кўриб чиқылғанлиги ва унга кўшимча қилиб қисмларни ўрганилиб чиқылғанлиги, материалларни физик-механик хусусиятлари, синч қурилмалари ва қайта қуриладиган цех жиҳозларини таърифловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

ИБЛ ва технологик хариталарни ишлаб чиқишида күчирилайдиган ҳар бир қурилмани қамровлаш усуулларига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки фойдаланиш давомида қамровлаш қисмлари (скоба, илмоқ ва бошқалар) заараланған, занглаган ёки тўлиқлигича бўлмаслиги мумкин. Қамровлашдан олдин, қамровларнинг сирғалиб чиқиб кетишининг олдини олиш учун кўтариш ва думалатиш давомида қурилмага маҳсус таянчлар пайвандланиши мумкин.

Кўчирилайдиган қурилмаларни ва чок тутамларини ажратиб олиш усууллари таянч ва тутамларни техник ҳолатига боғлиқ бўлади.

Болтли бирикмаларнинг гайкаларини бураб ажратиб олинади. Занг билан шикастланған ва резбаси шикастланған болт бирикмаларини, қайта ишлатиб бўлмайдиган болт бирикмаларини ўт кесиш усули

билан ажратиб олинади. Худди шундай усулда чегаланган ва пайвандланган бирикмалар ҳам ажратиб олинади.

Темир бетон ва металл курилмаларнинг бирикмалари ўт кесиш ёрдамида (кислород найзаси, электрёйли ва бошқалар), юқори чидамли материаллар билан кесиш (олмос дискли арралар ва бошқ.) энг кўп тарқалган усуllibардан ҳисобланади. Унда бетон сиқилган ҳаво остида ишловчи дасттоҳ ёрдамида бузилиб, арматура эса ўт кесиш усули билан кесилиб амалга оширилади (мисол учун газ билан).

Кўчириш ишларини тезлаштириш учун қурилмани лойиха мустаҳкамлигини бироз бўшатиш зарур (қисман болтларни ечиб олиш, қисман қолган болтларни бўшатиш, қисман пайвандланган ва чегаланган бирикмаларни кесиш).

Курилмани кўчиришда ишларни бажариш бўйича қўйидаги кетма-кетликка риоя қилиш зарур: курилмаларни кўчиришга тайёрлаш (вақтингчалик боғлағични, кучайтирувчиларни бўшатиш ва бошқалар), курилмаларни қамровлаш ва уларга тортиб турувчи арқонларни мустаҳкамлаш, қамровларни секин тортиб кўриш; таянч нуқталарини, курилмаларни тахлаш жойига тушириш, кўчирилган курилмани вақтингчалик бўшатиб олиш.

13. БИНОЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШДА ЙИГУВЧИ МЕХАНИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хозирги пайтда курилиш ташкилотлари юк кўтариш механизмларининг кўпгина хилларига эга. Ўзиорар ёйли кранлар қайта куриш шароитида энг кўп тарқалган, шунингдек фиддиракли, ўрмаловчи ва камроқ темирйўл кранлари қўлланилади. Аммо ўзиорар ёйли кранларни юк билан ҳаракат қилиши жуда ҳам чекланиб кўйилган, шунинг учун йигиладиган курилмаларни маҳсус ажратилган жойга йиғишидан олдин кранни юк кўтариш қобилиятини, узатиб бериш имкониятини ва курилмаларни лойиха бўйича ўрнатиш жойларини инобатта олиш керак.

Кўчириладиган оралиқ майдонларининг мавжуд жиҳозлар билан банд бўлиши курилмаларни ажратиб олишга маҳсус келиш йўлларини барпо этиш, қўшимча чиқимларни қилиш, курилмаларни кран илмоғини тагига маҳсус ёрдамчи машиналар ёрдамида (транспорт аравачалари, тракторлар ва бошқалар) етказиб беришни талаб этади.

Тор жойларда йигишишларини ташкил этганда курилмаларни тўғридан-тўғри транспорт воситаларидан йигишиш мақсадга мувофиқдир, бу эса курилмаларни тахлаш учун ажратилган майдончаларни кичрайтириш, йигишиш кранларининг иш унумдорлигини ошириш, меҳнат сарфини камайтириш ва ишларни бажариш муддатини қисқартиришга олиб келади. Қайта куришда ўзиорар ёйли кранларни телескопик ёйли жиҳоз билан жиҳозлагандага иш унумдорлиги ошади.

Бундай кранларни транспорт ҳолатида унча катта бўлмаган ўлчамлари, уларни тезда ишчи ҳолатига келтириш, ёйининг узунлигини тезлик билан ўзгартириши қурай шароитлар яратиб беради. Бу гурӯҳ кранларга К-161 кранни киради. Худди шундай МКГ 6,3 кранига ҳам тор жойларда кенг кўламда ишланини таъминловчи жиҳозлар ўрнатилган. Ушбу кран шарнирли параллелограмм ёрдамида йигилувчи қисмларни оддий кранлар учун эришиши қийин бўлган жойларга узатиб бериши, юкларни алоҳида горизонтал, вертикал йўналишга узатиши мумкин.

К-161 ва СКГ-30 кранларида ўрнатилган маҳсус ёйлар узун устунларни кўтаришда кўлланилади.

Минорали кранлардан цехларни қайта куришда янги обьектларни барпо этишга қараганда камроқ фойдаланилади. Бу йифиш зонасининг ўта торлиги, кранни олиб келиш, йифиш ва кўчиришда меҳнат сарфининг ошиб кетиши билан изоҳланади.


Минорали кранларни қайта куриладиган ва алоҳида жойлашган обьектларга мослаштириш ва уларнинг курилмаларини мукаммалаштиришининг унумли йўналишларидан бири, уларни рельссиз юришга ўтказишидир (ғилдиракли, ўрмаловчи ва қадамли). Тор жойларда йигиш ишлари учун энг кўп минорали, ёйли, юк аравачали кранлар кўлланиши мумкин.

Электрқўприкли кранлар. Электрқўприкли кранлар корхоналарни қайта куришда кенг кўламда фойдаланилади. Тўлиқ ёки қисман ишлаб чиқариш тўхтаганда электрқўприкли кранлар йигиш ишларини механизациялаштиришда жуда ҳам унумли кўлланилади. Улар ёрдамида цех ичи, курилма хоналарининг қисмлари, ер ости ҳўжалиги курилмалари йигилади ва кўчирилади (йигма пойдеворлар, туннеллар, ергўлалар ва бошқалар). Кранни технологик имкониятини ошириш учун маҳсус алмаштириладиган анжомлардан фойдаланилади.

Қайта куриладиган оралиқлар катта бўлганида икки кўприкли крандан ташкил топган комплектини кўллаш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг биттаси алмаштириладиган ускуна билан жиҳозланади, иккincinnи эса кўприк ёйли кран зона ҳаракатига курилмаларни етказиб беришни таъминлаб туради.

Кўприк кўринишидаги краннинг ҳаракатини бошқариш пульти унинг кўндаланг томонида жойлашган. Бошқариш пультидаги оператор бир вақтнинг ўзида йигувчи кран машинистига ишора берувчи вазифасини ўтайди.

Том қурилмаларини йигишда оралиқдаги курилиш ишлари факатгина 3—4 мин га кранни йигиш ёки тахлаш зonasига ўтишда тўхтатилади. Бу ерда ўзи юрадиган кран ёрдамида кўприкка стропила фермаси ва бир қадамли том курилмаси комплекти ортилади. Ундан сўнг кўприк МКГ-25 БР крани билан курилмалар лойиҳа ҳолатига ўрнатиладиган йигиш зonasига ўтади.



21-чизма. Ўзи юрувчи кабелли кран:

1—2508 русумли ўрмаловчи кран; 2—(ёрдамчи) кўлшумча лебёдкаси; 3—тиргович; 4—А-шаклдаги пилон; 5—юк аравачаси; 6—8—юк тортиш ва кўтарувчи арқонлар; 9—юк кўтариш механизми; 10—аравачани ҳаракатлантириш механизми.

Шохли кранлар биноларни қайта қуриш жараёнида камдан-кам қўлтанилади. Кабел кранлари айрим ҳолларда цехларни қуришда фойдалди, у йиғиш ишларини оғир ва тор жойларда механизацияцияширишга имкон яратади. Қайта қурилиш ишларида энг кўп тебранувчи ва узунаси бўйлаб ҳаракат қилувчи кабел кранлари ишлатилиди. Кабел кранларининг оралиқлари 200—300 м гача етиши мумкин, алоҳида ҳолларда эса 1000 м га ҳам етади (21-чизма).

Бундай кранларнинг камчилиги, уларга рельс йўлларини ўрнатиши ҳисобланади. Бундай кран иккита ёйли кран (Э-2508), иккита А-шаклдаги пилонлардан ташкил топган.

Бир қаватли саноат биноларини қайта қуришда томга ўрнатилидиган ёйли кранлар ва шохли кранлар ва худди шундай консолли кранлардан (юк кўтариш қобилияти 1—2 т) фойдаланилади.

Фонарларни катта оралиқ ҳолатларида ва томларини листли ёпмалардан бажарилган ҳолатларида жуфтланган кранлар билан ишлаш мумкин. Кран қурилмаларини юк кўтариш қобилияти керак бўлганида қаттиқ тамба ўрнатилиш йўли билан оширилиши мумкин.

Бундай кран қурилмаларини фақатгина том қопламасини алмаштиришда эмас, балки стропила, стропила ости фермаси, кран ости тўсинлари, устун, ер ости хўжалиги иншоотлари қурилмаларини йиғиш ва кўчиришда ҳам ишлатиш мумкин.

Кран қурилмаларини таянч платформаларини турли модификацияларини ишлаб чиқариш, уларни цехни қайта қуришда

күллашни анчагина кенгайтиради. Уларни электр күпприкли кранларга, махсус темир йўл платформаларга ўрнатиш мумкин. Бундай юк кўтариш техникасини барпо этиш катта капитал маблағни талаб қилмайди ва курилиш-монтаж ташкилотининг кучи билан амалга ошириш мумкин. Тор жойларда девор курилмаларини йиғиш ва кўчиришда, махсус йиғиш мосламалари, кенг кўламда қўлланилиши мумкин.

Бино ичига юкларни узатиб бериш усулига қараб кранлар монорельсли ва бурулувчиларга бўлинадилар. Улар ёрдамида кичик ўлчамли ораёпмалар қисмларини, узун ўлчамли деталларни, ҳавоза ва сўриларнинг қисмларини йиғиш мумкин. Бундай кранларга ОК-100, МКП-150, КП-0,6 кранлари киради.

Курилмаларни йиғиш ва кўчиришда, айрим ҳолларда вертолётларни ишлатиш сезиларли иқтисодий фойда келтиради.

ЯК-24, МИ-4 ва МИ-6 вертолётлари йиғиш (кўчириш) ишлари учун, ташки юк осмалари билан жиҳозланган МИ-10К вертолёти курилиш-монтаж ишлари ва катта ўлчамли юкларни ташибга мослаштирилган.

13) БИНОЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШДА ЙИФУВЧИ МЕХАНИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАВЗУСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Биноларни қайта тиклашда қандай кранларни ишлатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?

- А—минорали кранларни;**
- Б—кўпприкли кранларни;**
- В—ўзиюрар кранларни;**
- Г—шохли кранларни;**
- Д—кабелли кранларни.**

2. Электркўпприкли кранларни кўллаш қайси вақтда мақсадга мувофиқ ҳисобланади?

- А—ҳар қандай вақтда ҳам;**
- Б—биноларнинг четки курилмаларини кўчиришда;**
- В—ишлаб чиқариш тўлиқлигича ёки қисман тўхтатилганида;**
- Г—ишлаб чиқаришни умуман тўхтатмаганда;**
- Д—ишлаб чиқаришни тўлиқлигича тўхтатганда.**

3. Ҳаракатдаги цехларни қайта қуришда қандай тадбир энг муҳим ҳисобланади?

- А—ишчи жойларини тўғри уюштирилиши;**
- Б—механизмларни тўғри жойлаштириш;**
- В—ишлаб турган жиҳозларни муҳофаза қилиш;**
- Г—иш жойларига механизмлар учун йўлларни ўтказиш;**
- Е—ишчиларни иш қуроллари билан таъминлаш.**

4. Нима сабабдан йирик саноат биноларини қайта қуришда вертолётлардан кам фойдаланилади?

- А—учиш соатининг қимматлигидан;
- Б—вертолётларни шовқин чиқаришидан;
- В—вертолётларга хизмат кўрсатиш қийинлигидан;
- Г—вертолётларнинг учishi учун катта майдонларнинг кераклиги-дан;
- Д—вертолётларни учиш майдонлари йўқлигидан.

13.1. ОДДИЙ ЮК КЎТАРИШ МОСЛАМАЛАРИ ВА ТАКЕЛАЖ ЖИҲОЗЛАРИ

Йиғиш мачталари, портал, шевр каби юк кўтариш мосламалари юк кўтариш ишларида ишлатилади. Улар ёрдамида цехларда оғир кран ости тўсинлари алмаштирилади (20—40 т).


Лебёдкалар билан қурилмалар кўтарилади ва бир жойдан иккичи жойга олиб ўтилади. Лебёдкаларни маҳсус юк кўтариш мосламалари таркибида ва такелаж воситалари билан ишлатиш мумкин. Ҳаммадан кўп лебёдкалар ҳаракатдаги цех ичларида йиғиш кранлари билан ишлатилади. Лебёдкалар устунларни, кран ости тўсинларни стропила ости ва стропила фермаларини кучайтирища, йиғиш ва кўчирища кўлланилади.

Биноларни қайта куришда ёрдамчи ва асосий йиғиш ишларини бажарганда кенг кўламда домкратлар (рейкали, винтли, поналик, гидравлик, кумлик) ишлатилади.

Юк илдирувчи қурилма ва арқонлар. Каноп толасидан тайёрланган арқон ва пўлат арқонлар юк кўтарувчи машиналарни жиҳозлаш ва бошқа йиғиш ускуналарини тайёрлаш учун ишлатилади. Пўлат арқонлар бир томонлама хоч ўрамалари билан ажралиб туради. Улар тегишли мустаҳкамликка эга бўлишлари, кўп йил хизмат қилиши, мажақланмаслиги ва фойдаланиш вақтида буралиб кетмаслиги керак. Арқонлар йиғиш машиналарининг энг муҳим қисмлари бўлиб, тегишли парваришни талаб қиласиди. Зангнинг олдини олиш учун фойдаланиш вақтида ифлос қатламлардан тозалаб ва йилда энг камидиа бир марта мойлаб туриш керак (22-чиズма).

Арқонларни улаш кўпгина ҳолларда икки усул: ўрама ва гильзопоналий пўлат ёки сиқиб турувчи алюмин қотишмасидан тайёрланган втулкаларни ўрнатилиши билан амалга оширилади. Арқонлар ўзаро маҳсус сиқилмалар билан уланадилар.

Курилиш қурилмалари бурилма илмоқлар, карабинлар, маҳсус ёки йиғиладиган қурилмалардаги тешикларга ўтказилган бармоқли зичлагичлар ёрдамида қамровланади. Қайта куриш шароритида йиғиш, кўчириш ишларини бажаришда юк ушлагич қурилмалар куйидаги асосий талабларга жавоб бериши зарур: ҳар томонлама кўлланиши мумкинлиги, йиғиш машиналарининг илмоқларига юкларни мустаҳкамлашнинг қулайлиги, энг кам кўл кучини сарфлаб қамровлаш ва қамровни ечиб олиш мумкинлиги.



22-чиэма. Арқон тутунлари:

1—түгри; 2—икки марта бирлаштириладиган; 3—буғма (дурадгорники); 4—қистирмалы ҳалқа;

5—чүмичга ёки ҳалқага боғлаш учун; 6—осма бүгтич; 7—денгизча боғлаш; 8—учларда қамровланган узун ўлчамли юкларни күтариш учун; 9—кичик юкларни бир жойдан қамровлаб күтариш учун; 10—бир вақтни ўзида туташтирувчи; 11—бүгіш ҳалқаси; 12—узун ўлчамли юкларни вертикаль ҳолатда күтариш учун; 13—тортичларни мустаҳкамлаш учун.

Уч хил юк күтарувчи воситалар ишлатилади: қамров, траверсали ва илгаклар. Энг күп тарқалгани арқон ва занжир қамровлардир. Арқон қамровлар икки, түрт ва күп шохли бўладилар; бунда шохларни узунлиги бир хил ва ҳар хил бўлади. Тор жойларда курилмаларни йиғиш ва кўчиришда уларни кўпгина ҳолларда объект ичидаги қиялик ҳолатида бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтадилар, қисмларни узунлиги эса ҳатто бир объектни ичидаги кенг кўламда ўзгариб туради. Кўпинча занжир ва түрт шохли қамровлар кўлланилади, улар шохларининг узунлиги йиғиладиган қисмларни узунлигига нисбатан ўзгариб туради. Йиғиш-кўчириш ишлари учун объектларни қайта қуришда турли-туман илгаклар, айрим ҳолларда резбали орикцион ва понасимон илгаклар кўлланилади.

14. ОРАЁПМАЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

Девор қопламаларини йиғиш ишларини одатда 4 кишидан иборат бригада олиб боради. Ишларни бошлидан олдин девор қопламаларини маркалари, ҳамма керакли (закладной деталь) кўшма қисмлари ва устунлардаги йиғиш белгиларининг мавжудлиги текшириб кўрилади, иш жойи тайёрланади. Йиғиш зонасининг ичидаги кассеталар жойлаштирилган панеллар, ҳаракатланувчи ўзиюрар йиғиш супачалари билан таъминланган вишталар,

металл қотирмалар, пайвандаш аппаратлари, дастгоҳлар, қутилар ва бошқалар жойлаштирилади;

Темир-бетон девор қатламларининг чокини текислаш ва босиш бинонинг ташқи томонидан амалга оширилади. Ишларни уч кишидан иборат йигувчилар қуйидаги кетма-кетликда амалга оширади:

ҳаракат түсини аравачасини осма ҳавозаси билан ўрнатиш ва қўчириб ўрнатиш;

цемент-кум қоришимасини тайёрлаш ва уни осма ҳавозаларга етказиб бериш;



девор паналарининг чокларини сув билан ҳўллаб тозалаш;

ташқи девор панелларини участкалар билан тўлиқлигича юқоридан пастга ёки қисман томга бирикадиган панеллардан бошлаб кўчириш.

Бошдан зарблаб парчалайдиган болға билан панел контури парчалаб борилади. Ундан сўнг эса уни белгиловчи «бармоқлар» билан иккита скобани ичига киритувчи маҳсус мослама ёрдамида қамровланади. Устунларга панелларни қотириладиган қўшма қисмларини газ кесувчи ускуналар билан кесиш зарур. Кўчириладиган панел кран тортувчи арқон билан ушлаб турилади. Кўчирилган панелни кран зонасида турган транспорт воситасига ортилади. Ўлчамлари 1,8x12 м ли деворларни битта V ва битта IV разрядли, иккита III разрядли йигувчи ҳамда битта IV разрядли кесувчи-пайванҷидан ташкил топган звено кўчиради. Звено ўргача бир сменада тўртта панелни кўчиради.

Ишчилар ҳаракатланувчи вишкалар ёки осма люлкаларда жойлашадилар ва вақт-вақтида бинонинг периметри бўйлаб ўринларини ўзгартириб турадилар. Панелларни йириш (кўчириш) учун икки скобалик мосламадан ташқари, РШ-2 қурилмаси ва мувозанатсиз траверсаларни ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳаракатдаги ишлаб чиқариш биноларининг устунларини алмаштириш учун жуда кўп ҳолларда устунларни лебёдка ёрдамида шарнир атрофида бураб кўчириш усули қўлланилади. Бу усулда биринчи навбатда том қоплами қурилмаларини вақтинчалик барпо этиладиган таянчларга ўрнатилади. Ундан сўнг эса газ кислородда кесиш йўли билан ферманинг таянч нуқталари кўчириладиган устунларнинг қўшма қисмларидан ажратиб олинади. Бурама шарнир кўчирадиган устунга мустаҳкамланади, бу эса пойдевор олдида устун қисмини бузганда унинг тургунилигини таъминлаб беради. Ундан сўнг устунга иккита ҳаракатланувчи полистастлар мустаҳкамланади: биттасини устуннинг юқори қисмига, иккинчисини эса устуннинг оғирлик маркази пастроғидан мустаҳкамлайдилар. Устунни бош қисми (энг камида 600 мм) ва пастки



23-чизма. Темир-бетон устунларни күчириш:

а) шарнир атрофидә бураш усули билан; б) лебёдкалар билан.

1—күчириладиган устун; 2—вақтингчалик таянч; 3—полистаст;

4—таянч столчаси; 5—бураш шарнири; 6—химоялаш арқони; 7—оралық кран ости түсіні; 8—торғиб турувчи арқон; 9—шпаг панжараси; 10—юқ полиспастини мустаҳкамлаш учун ригел; 11—бошқа томоннан йұналтирувчи блок.

қисмининг буриладиган шарнир обоймаси оралғидаги қисмини чопиб бұлғандан сұнг (әңг каміда 400 мм) ва устунни күттарувчи арматурасини кесиб бұлғандан сұнг устунни юқори қисміга мустаҳкамланған полистаст ёрдамида туширилади (23-чизма).

Бошланишда күчириладиган устунларни бүшатиш учун вактингчалик таянчларни барпо этиш зарур. Үндан сұнг полиспастларни мустаҳкамлаш учун тамбани (ригелни) катта оралықлы кран ости түсінларига таянтирилади. Бошқа электр лебёдкалар, узатыладиган түсінлар үрнатылади.

Устунга полиспаст ва тортиб турувчи арқонлар мустаҳкамланыб, күчириладиган устунларни күшма қисмларидан стропила фермасининг таянч қисмлари бұшатилади. Устунни күчиришдан олдин унинг пастки қисмидаги бетон чопилади (керак бўлганида бетон юқори қисмидан ҳам чопилади).

15 тонналик темир-бетон устуни 8 кишидан иборат звено (битта II ва битта IV разрядли йиғувчи, учта IV разрядли ва иккита V разрядли пайвандчи, битта VI разрядли электролебёдка мотористи) күчиради. Күчириш учун меҳнат сарфи ўрга ҳисобда 10 кун, ишлаб чиқариш кўрсакичи эса бир одам-кунга $0,63 \text{ м}^3$ га етади. Ҳаракатдаги цехларда кран етиб бора олмайдиган жойлардаги металл устунларни таянч шарнирлари ёрдамида алмаштирилади. Таянч шарнири янги устунни аниқ мўлжалланган юзада кўтариб туширишга имкон беради.


Йиғиш зонасига устун электркўприк кранни ёрдамида етказиб берилади. Ишлар куйидаги кетма-кетликда олиб борилади. Энг аввало стропила фермалари кучайтирилади, стропиланинг юқори белбоғини қолип асосида кесилган пўлат қопламни таянч столчалари олдидағи белбоғга, ундан сўнг иккита вақтингчалик таянчлар ўрнатилиб мустаҳкамланади. Кейин юк кўтариш қобилияти 200 тонналик домкратлар билан уларни тирговичга ўрнатиласи. Стропила фермаларининг таянч нуқталари устунлардан ажратиб олинади. Устун пойдевордан бўшатиб олингач, лебёдкалар билан шарнир атрофида бураб уни горизонтал ҳолатига ётқизиласи.

Кўчирилган устунни олиб чиқиб кетгандан сўнг, пойдевор юзасини янги устун ўрнатиш учун тайёрлайдилар. Пойдевор та-насида тешиклар пармалаб, у тешикларга силлиқ анкер болтларини эпоксид клей ёрдамида ўрнатадилар, сўнг таянч бураш шарнирини ўрнатадилар ва анкер болтларини қотирадилар.

Кейинчалик устунни қамровлаб уни вертикал ҳолатига электрлебёдка ва тушириладиган мачта ёрдамида ўтказиласи. Устунни ўрнатилганини текшириб кўрилгандан сўнг, уни пойдеворга мустаҳкамлаб, домкратлар ёрдамида ораёпма туширилади ва стропила фермалари устунга қотирилади. Энг охирги босқичда вақтингчалик труба таянчлар кўчирилиб, кран ости тўсинлари ўрнатиласи. Цех ичидаги оғирлиги 10 т бўлган устунларни алмаштириш бўйича ишлар таянч шарнирлари ёрдамида бажарилади.

Цех ичидаги пойдеворларини тор жойларда телескопик жиҳозланган кранлар ёрдамида йиғиш мақсадга мувофиқдир (24-чиизма).

Тайёрлов даврида куйидаги ишларни амалга оширадилар: йиғувчи кранни иш жойига ўтиш йўллари ўрнатиласи; икки устунлар оралиғида том курилмасига осма люлька (икки кишилик) осилади; кўприкли кранларининг йиғиш зонасига кириб кетишининг олдини олиш учун тупиклар ўрнатиласи ва хавфли зоналар ўраб олинади.



24-чизма. Цех ичи пардеворларини йиғиши:

1—устун; 2—ПИ қурилмаси; 3—траверса; 4—пардевор панели; 5—арқон тортичлар; 6—кассета; 7—телескопик ёйли кран.


Йиғишишлари күйидаги кетма-кетликда амалга оширилады: люлькада турган йиғувчилар қоришимдан қатlam ётқизадилар, та-келажниклар пардевор панелини қамровлайдилар. Ундан сұнг уни кран ёрдамида күтариб, лойиха ҳолатига тушганлигини текшириб, күшимча қисмларни пайвандлаб ұрнатадилар. Чокларини текислаб бўлгандан сұнг, осма люлькани янги ярусга кўтарадилар.

Ҳамма панелларни йиғиб бўлгандан сұнг ёнма-ён устунлар ёрдамида ячейка ичидә кран ва люлька янги иш участкасига кўчирилади. Бунда краннинг минора-ёйли жиҳози цех ичидә транспорт ҳолатида ҳаракат қиласи. Панелларни йиғишишларини тўрт кишидан иборат йиғувчи звено бажаради.

Алоҳида қисм кўринишида йиғиши учун олиб келинадиган 12 м ли темир-бетон кран ости тўсинларини 5 кишидан иборат звено амалга оширади.

Кран ости тўсинларини ұрнатишга қадар, устунни таянч супачаларининг ҳақиқий сатҳлари дастгоҳлар билан текширилади (25-чизма). Худди шундай устун консолларини сатҳлари бўйлаб ҳар бирининг тагига кўйиладиган ора қистирмаларнинг қалинлиги аниқланади, устунларнинг ҳолати текшириб кўрилиб, бажариш чизмаси тузилади, ундан сұнг эса кран ости тўсинини йиғувчи кран зонасига жойлаштирилади.

Йиғувчи (М1) ва пайвандчи (С) кран ости тўсинини йиғишига тайёрлай бошлайди; сим қиришишлагичлар ва чўткалар билан кўшма пўлат қисмлари занглардан, бетондан тозаланади ва бўёқ



25-чизма. Темир-бетон кран ости 12 м ли түсинини ўрнатиш:

- a—түсинни, устунга ўрнатиш жойи (устун консоли);
- б—түсинни күтариш, тортгичларни қотириш;
- в—түсинни күтариш; г—түсинни ўрнатиш ва текшириб кўриш.

билин текширув чизиклари белгиланади түсиннинг юқори қисмини охирида текшириш чизиклари чиқарилиб, унинг баландлиги текшириб кўрилади. Шу вактни ўзида йигувчи (M_1 ва M_2) лар кран билан иккита устунга ёндаштириладиган супачали нарвонларни ўрнатадилар ва уларни мустаҳкамлайдилар.


Ишларни бажарувчилар ўртасида ишларни тақсимланиши ва кран ости түсінларини йиғишига мәхнат сарфи 6-жадвалда берилгандар.

6-жадвал

Бажарыладынган ишлар	Ишларнинг кетма-кетлиги, мин.						Ишларни давом этиш муддати, мин.	Мәхнат сарфи, одам — мин.
	10	20	30	40	50	60		
Ёрдамчи материални ва дастгоҳни етказиб бериш	M1 Э M2M3						6 7	26
Түсінни йиғиша тайёрлаш	M1Э						8	16
Супали нарвонларни ұрнатыш	M2M3						9	18
Түсінни устунда ұрнатыш жойини тайёрлаш (устун консолларини)		M1Э					27	54
Кранни йиғиша тайёрлаш	M2 M3						11	54
Түсінни қамровлаш ва торғычларни боғлаш	M2M3						8	16
Түсінни күтариш		M2 M3	M1 Экран				8 4	24
Түсінни ұрнатыш ва түғрилигини текшириб күриш			M1 Э M2 M3				12	48
Йиғищ чокларини электрпайвандлаш				M1 Экран			14	28
Қамровни, торғычини ечиб олиш			M2 M3				3	6
Хаммаси бұлыб бир балқага								258

Кран ости түсінларини күчиришда нокулай ёйли кранларни жойлаштириб бўлмайдиган жойларда уларни электрлебёдкалар ва полиспастлар ёрдамида күчириш тавсия этилади (26-чизма).

Кран ости түсінларини күчириш бўйича ишларни куйидаги кетма-кетликда бажариш зарур.



26-чизма. Кран ости түсінларини лебёдкалар ёрдамида құчириш:


а) ишларни бажариш схемаси; б) бураш блокини мустаҳкамлаш тутуни;

1—иш зонасини ўраш; 2—юк лебёдкаси; 3—бураш блоки; 4—құчирилғандан сұнг кран ости түсінларининг ҳолаты; 5—тортич; 6—кран ости түсінларини лойиха ҳолаты; 7—юк блоки; 8—химоя арқони; 9—стропила фермаси; 10—инвентар сұянчиктар; 11—темирбетон устун.

Әнг биринчи иккита юк лебёдкаларни ёнбош устунлари ост қисмiga ва битта тортиб турадиган арқонни оралиққa ўрнатилади. Устунларни бош қисмидә стропила фермасининг бирикмаси атрофида мустаҳкамлаш арқони ўтқазилиб, юк полистастининг күзгальмас блоки ўрнатилади. Үндән сұнг түсінлар устун консолида мустаҳкамлагичлардан бүшатилади ва ўзаро таянч қовурғаларыда ҳалқага пайвандланади. Ҳалқани қамровлагандан сұнг құчириладиган түсінларни юк лебёдкалари ёрдамида күтарилади, үндән кейин таянч консолларидан тортиб туриб тайёрланған супачага туширилади.

Жуда ҳам оғир кран ости түсінларини йиғища қисмларга ажратиб йиғиши сузули күлланилади, түсінларни блокларга бўлиб, уларни горизонтал ушлаб турувчи курилмалар ёрдамида ўрнатилади.

Кран ости рельсларини ўзиюрувчи ёйли кранлар билан алмаштириш мумкин, агар уларни ҳаракатдаги цехлар ичига ўрнатилиши унча кўп қийинчилик туғдирмаса. Бундай ҳолларда ўзиюрувчи кранлар учун тураржойлар ташкил этилади (27-чизма). Үндән сұнг люлька, нарвонларни осиб муҳофаза арқонлари мустаҳкамланади. Құчириладиган кран ости йўли тозалаб бўлинганидан сўнг, автоген ёрдамида ҳамма болтлари ва «сухариклар» (қотиргичлар) устун томонидан ва бир нечта болт оралиқ томонидан қирқилади, қистирмалар құчирилади ва болт қолдиқлари уриб чиқарилади. Мавжуд болт тешикларига таянч болтлари ўрнатиласи ва лом ёрдамида рельс устун томонга сурилади. Сўнг сурилган рельс қамровланиб, уни нол сатҳига туширилади. Ўзию-




27-чизма. Кран ости рельсларини алмаштириш:

а) ёйли ўзиорар кран; б) лебёдка билан; в) рельсни сурилиши күпприкли кран билан.

1—ўрнатиладиган рельс; 2—түсик; 3—кран ости түсини; 4—рельсларни тахлаш майдончаси; 5—ёйли кран; 6—юқ лебёдкаси; 7—күпприкли кран; 8—бошмоқ «калоша»; 9—рельс учун қамров; 10—пона; 11—сурулувчи рельс.

пар ёйли кранларни жойлаштириш имкони бўлмагандан электрлебёдкалардан фойдаланилади. Янги рельсни кран ости түсинини юқори белбоғига тахлаш майдончасига ўрнатилган электрлебёдкалар ёрдамида узатилади. Ундан сўнг рельсни электркүпприкли краннинг маҳсус илмоғи билан йиғиш жойига олиб ўтилади. Бунда рельснинг учиға металдан тайёрланган маҳсус мослама—«калоша» кийгизилади.

Ҳамма рельсларни электркүпприкли кран билан иш жойига олиб ўтилгандан сўнг, кранни иш зонасидан олиб чиқиб кетиб, унинг чегарасида тупикили тирговичлар ўрнатилади. Қўл илмоқлари ёрдамида эски рельсни, устун томига суриб янги рельсга алмаштирилади ва янги рельсни қотириш жойига ўтқазилади. Эски рельслар электрлебёдкалар ёрдамида нол сатҳига туширилади.



28-чиизма. Оралиги 24 м лик, 15 т лик стропила фермаларни йигишида ишчиларнинг иш жойи кўриниши:


1—супачалик нарвон; 2—труба тирговичлар; 3—йигиладиган ферма; 4—йигилган ферма; 5—ётқизилган плиталар; 6—устун; 7—суюнчилик учун қути; 8—кран ости түсини; 9—йигишига тайёрланган ферма; 10—кран.

Стропила ва стропила ости фермалари. Қайта қуришда жуда кўп фермаларни кучайтирадилар ва таъмиrlайдилар. Темир-бетон стропила фермаларини 5 кицидан иборат бригада йигади, улар икки звенога бўлинадилар.

Фермаларни ўрнатишдан олдин уларни ўрнатиш жойида маркалари билан жойлаштириб чиқилади. Стропила фермаларини 28,29- чизмаларда кўрсатилгандек кетма-кетликда ўрнатадилар.

Стропила ости фермаларини ёли кран ёрдамида узоқдан бошқариладиган травесалардан фойдаланиб йигилади. Ижрочилик ўргасида ишларни тақсимоти ва меҳнат сарфи 7-жадвалда келтирилган. Авария ҳолатида бўлган темир-бетон фермаларини кучайтириш, уларни юқизлантириш ва юкларни авария ҳолатидаги фермаларнинг икки томонига ўрнатиладиган кўшимча пўлат фермаларгаузатиб бериш йўли билан амалга ошириш мумкин. Бундай усул етарли даражада ишончли, бироқ у меҳнатталаб, тайёрлов ишларини талаб қиласиди. Пўлат стропила фермаларини кучайтириш усуллари ва таъмиrlаниши том қатламаси плитасига, юқ кўтарувчи техника турига боғлиқ бўлади.

Алмаштириш ва таъмиrlаш ишлари қуйидаги кетма-кетликда олиб борилади. Кўприкли крандаги таянч супачасини алмаш-



29-чизма. Оралиғи 24 м лик темир бетон стропила фермасини ўрнатиши:

а—нарвон ва беланчакларни ўрнатиши; б—фермани қамровлаш; в—фермани күтариш, ўрнатиши, текшириб чиқиши ва вәқтингчалик қотириши.

тириладиган қисм тагига олиб борилиб, стропила фермаси домкрат билан таяниш нұқталаридан күтарилади. Стропила фермасининг том қолпамаси күлдә күчирилади. Ундан сұнг заараланған стропила фермаси қисмини кесиб олиб, күпприкли крандаги таянч супачасига, кейин нол сатқига туширилади. Алмаштириш ишлари тамом бўлгандан сұнг инвентар люлькаларни, вәқтингчалик тирговичларни ечиб олиб, кўчирилган том қолпамаси яна қайта ўрнатилади. Таянч супасидан домкратлар кўчириб олиниб, супаларни эса янги жойга кўчирадилар. Агар бино кўпприкли кран билан жиҳозланмаган ёки улардан фойдаланиши имконияти бўлмаса, баланд таянч оралиқда ўрнатиладиган таянч супалари ишлатилади. Бундай қурилмаларнинг хусусиятлари шундан иборатки, фермани тутунларда таяниши, таъмирлаш ишларини олиб бориш жойларида устунларни форкот мосламаси узунлигини камайтириш йўли билан бириткириб амалга оширилади.

Фонар қурилмалари. Бир қаватли саноат биноларини турли хил механизация воситалари ёрдамида, шу жумладан кабелли, шохли ёкى ёйли кранлардан фойдаланиб кўчириш мумкин. Кабелли кранлар ёрдамида цехни узунлиги 400 м гача ва йигиладиган қисмнинг

Ижрочилар ўргасида ишларнинг тақсимланиши ва стропила ости фермасини йигишида меҳнат тақсимиоти

Бажариладиган ишлар	Меҳнат сарфи, одам-мин.				
	M1	M2-1	M2-2	M3	Жами
Нарвоңларни кўчириш	—	7,2	7,2	—	14,4
Курилмаларни йигишига тайёрлаш	5,9	—	—	5,9	11,8
Фермани қамровлаш	3	—	—	3	6
Курилмани жойига ўрнатиш	4,8	—	—	4,8	9,6
Йигиш жойини тайёрлаш	—	6	6	—	12
Фермани лойиҳа бўйича ўрнатиш	17,5	17,5	17,5	—	52,5
Фермани вақтгингачалик хотириш	—	12	12	—	24
Боғлаш	10	—	—	10	20
Ферманинг қамровини счиш	1	—	—	—	1
Технологик танаффус	—	—	—	19	19
Ҳаммаси					170,3

оғирлиги 1,5 т гача бўлганда фонар курилмаларини кўчириш мумкин.

Фонар курилмаларни кўчириш ишларини қўйидаги кетма-кетликда бажариш керак: биринчи том панели кўчирилади; ундан сўнг стропила фермасининг юқори белбоғи сатҳида муҳофаза металл тўри осилади; уни устидан пайвандлаш ишларини бажариш жойларида кўчирма асбест полотноси ётқизилади; кабел крани ёрдамида қамровлар тортилади, фонар фермасида ўрнатилган ўтиш кўпприкласидан фойдаланиб том тўсинглари (тамбалари) ва таъмирланадиган ферма бирикадиган жойида тамбалар кесилади; стропила фермасига бирикадиган жойида ферманинг фонар қисмлари кесиб ташланади. Фермани кабел крани ёрдамида кўтариб таҳлаш супачасига ўтқазилади, сўнг тамбалар кўчирилади.

Юк кўтариш 1 т гача бўлган шохли кранларни қайта қуриладиган цехларнинг ўрга оралиқларида фонарни, металл курилмаларни кўчиришда кўллашга тавсия этилади. Бундай ҳолда кўчириш ишларини цехларда ишни тўхтатмасдан олиб бориш мум-

кин. Күчирилган қисмларни тушириш учун шохли кран билан ўзиорар ёйли кранни битта комплектда фойдаланиш мумкин. Икки ферма оралиғидаги фонар қисмларини қуидаги кетма-кетликда күчириш зарур: том панеллари, тамбалар, фонар тавақалари, борт плиталари, боғлагич қисмлари, фонар фермаси. Янги ўрнатиладиган фонарнинг фермалари юқорида ифодаланганидек йигилади, ундан сўнг (тескари йўналишда) боғлагичлар, борт плиталари, фонар тавақалари, тамба ва том панеллари йигилади. Ишларни IV разрядли битта йигувчи, иккита V, учта IV ва битта II разрядли ишчилар амалга оширадилар. Бундан ташқари, ўзиорар ёйли кранда хизмат кўрсатиш учун иккита II разрядли тақелажник ва лебёдкани бошқариш учун (ҳаракатдаги юқ аравачасини) I разрядли моторист керак бўлади.

Фонар курилмасини алмаштиришда ёйли кранлардан фойдаланиш мумкин. Кранларни жуфтланган вақтида биринчиси кўчириш ишларини, иккинчиси йигиш ишларини бажаради.

Том қопламаларини алмаштиришда кўтарувчи-ташувчи, йигувчи механизмлар қўлланилади: кабел кранлари (турғун, доимий ва кўчма), кўприк кранлари (кatta блоклар билан йигиш ва кўчириш ишларини бажариш учун), том кранлари (шохли ва ёйли), кўприкли ва ёйли кранлар, ўзиорар ёйли кранлар ва минорали кранлар.

Айрим ҳолларда вертолётлардан фойдаланиш мумкин. Темирбетон курилмаларини қисмларга ажратиб кўчириш зарур. Бунда кўчириш ишлари кетма-кетлиги қуидагича: биринчи том қопламлари, сўнг тамба ва боғлагичлар, кейин ферма ва тўсинлар кўчирилади. Агар фермаларни таянч қисмлари ферманинг юқори белбоғигача гишт билан терилган бўлса, боғлагичларни кўчиришгача бузуб олинади. Курилмаларнинг болт бирикмалари газ-кескич ёрдамида кесиб ташланади. Ҳамма кўчириладиган қисмлар қотиргичларни кесишгача қамровланиб, кран билан ушланиб туриши зарур.

Темир-бетон том қопламаларини кўчириш, одатда, қуидаги ишларни ўз ичига олади: куйма бирикмаларни уриб-синдирадиган болғалар билан бузиш, плиталарда илмоқларни кийдириш учун тешиклар пармалаш, қўшма қисмларни кесиш, плиталарни кўтариш ва транспорт воситаларига ортиш учун олиб ўтиш.


Катта ўлчамли темир-бетон плиталарини кўчиришни иситиш ва том қатламлари билан биргаликда кўчириш тавсия этилади. Қўшма қисмларнинг туташ жойларидаги пайванд чокларини кесиш учун тозаланади. Кўчириладиган темир-бетон плиталарини қамровлаш маҳсус траперсалар ёрдамида амалга оширилади.

Том ёпмасининг кичик плиталари ва фермаларни икки тармоқли қамровлар билан қамровлаш мумкин. Оғир ва катта ўлчамли плиталарни қамровлаш учун тўрттармоқли қамров қўлланила-

ди. Тамба ва боғлагич қисмларини қамров-удавка билан ечиб олишга рухсат этилади. Бир қаватли биноларнинг томларини қайта тиклашда оралиқ ўзи бўйлаб ўзи юрадиган ёйли кранлар ёки қўприкли кранларга жойлаштирилган маҳсус кранлардан фойдаланиш мумкин. Томларни ишлаб чиқаришни тұхтатмасдан күчириш ва алмаштиришда ишларни секциялар бўйлаб алоҳида участкаларда олиб борилади.

Том қопламаларини алмаштириш бўйича ишлар қуидаги кетма-кетликда олиб борилади; том панели қамровланади, стропила ферма билан бириккан бирикмаларни газ-кислород кесиш йўли билан ажратиб олинади. Сўнг панел кўтарилиб, пакетлаштириш жойига ўтказилади. Плитани пакетга жойлаштириб бўлгандан сўнг қамровлаб, транспорт воситаларига ортилади. Бўшаган жойга янги плиталар пакетини ўтказиб қотирилади. Бу ишни 6 кишилик звено бажаради.

Иккита кўприкли кранларни вакътинчалик боғлагичлар билан битта қаттиқ қурилмага бирлаштирадилар, кранларнинг таянч қисмлари устидан тегишли юк кўтарувчи домкратлар ўрнатилиади, бинода том қопламинынг қисмлари (тамба, профиллаштирилган тўшамалар) устун қадамининг оралиғида, фермаларнинг боғлагичларидан кўчирилади (30-чизма). Том қопламини йигиш ишлари қўчиришга тескари кетма-кетликда олиб борилади ва охирги (ёйли кранга яқин) блокни тўғридан-тўғри ёйли кран билан ўрнатадилар. Бундай усул билан бажариладиган ишлар цехларда асосий ишларини тұхтатмасдан олиб борилади.



30-чизма. Кўприк ўрнатувчи шаклидаги қопламани алмаштириш:

1—лебёдка; 2—ўрнатувчи; 3—уз ўрнини ўзгартирувчи фонар (калбаки ферма);
4—ўрнатувчидаги түсиқ.

Технологик жиҳозларни күчириш ишлари қандай бажарилмасын, қўйидаги кетма-кетликда олиб борилади: жиҳозни манбадан чиқариб олинади, технологик қувурлар ва бошқа муҳандислик тармоқлари, қисман қотиргичлардан күчириб олингандан сўнг, жиҳозларни бўш жойга олиб чиқиб транспорт воситаларига ортилади. Жиҳозларни очиқ майдончаларга кўчирилганда узайтирилган фоз бурунли кранлардан фойдаланилади.

Телескоп ёйли кранлар бинонинг ички ва ташқи томонига ўрнатилган бўлиши мумкин. Кранларни кўп қаватли биноларнинг ички томонидан ўрнатилишида жиҳозларни йиғиш ва кўчириш ишлари девордаги ойна туйнуклари орқали амалга оширилиши зарур. Аммо у ташкилий томонидан қийин ва алоҳида ҳолларда катта бўлмаган иш ҳажмларини бажаришда кўлланилади. Жиҳозларни кўчириб ўтказиш шатакли аравачалар ёрдамида амалга оширилади. Жиҳозларни кўчиришда автоюқлагичлар базасида ўрнатилган механизация воситаларини кўллаш мумкин.

Бир қаватли биноларда ҳаракатланувчи кран-тўсинларни одатда кўчириш ва олиб чиқиб кетиш ишларини биргаликда бажарилганида мустақил равишда кўллайдилар. Кўп қаватли бинолар қаватларида (биринчидан, ташқари) ва павильон типидаги бинонинг токчаларида ҳаракатланувчи кран-тўсинни фақатгина кран билан транспорт воситаларини комплект кўллаб ишлатиш мумкин. Комплектга кирадиган кран юкни қаватга узатиб беришни инобатта олган ҳолда танланади. Бундай қурилмани афзаллиги ёйини бутун узунаси бир хил юк кўтариш қобилиятига эга.

Ёйли кранларни ишлатиш мумкин бўлмаганда, порталлардан фойдаланиш мумкин.

Порталлар кўчирма ва ҳаракатланувчи бўлади. Кўчирма порталлар (коперлар) унча оғир бўлмаган жиҳозларни кўчириш (йиғиш)да кўлланилади. Жиҳозни чиқариб олиш ва ётқизиб беришни металл тўшама-текисловчи ёки инвентар аравача ёрдамида амалга оширилади.

Павильон туридаги биноларда кўчирма минорали, ёйли ўрмаловчи трактор портал билан биргаликда фойдаланилади. Ўзиорар краннинг юк кўтариш қобилияти йиғиладиган жиҳознинг оғирлигидан анча паст бўлиши мумкин, у портални керакли қаватга (токча яруси) ўрнатишга хизмат қиласи.

Жиҳозни порталга аравача ва транспорт воситалари билан узатиб берадилар. Ундан сўнг жиҳозларни порталга кўтариб транспорт ҳолатига ўрнатилади ва лебёдка ёрдамида портал билан биргаликда лойиҳа ҳолатига ўрнатиш жойига суриб кўйилади.

Мехнат унумдорлиги юқори бўлмаганилиги туфайли порталлардан иқтисодий ҳисоблар асосида катта бўлмаган иш ҳажмларидан фойдаланилади.

14 ОРАЕШМАЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ МАВЗУСИ БҮЙНЧА САВОЛЛАР

1. Том орасшымаларни күчирисінде биринчи қандай қисметтери күчіріледі?

- А—том ёшмалари;
- Б—фермалар;
- В—прогонлар;
- Г—фонарлар;
- Д—бөгөөншілар.

15. ТОМ ТҮШАМАЛАРИНИН ҚАЙТА ТИКЛАШ

Том түшамалариниң қайта тиклашы (тальмирлашы) очыладиган түшама үлчамини шундай тәжірибелермен зарур, иш күнненг схемада очылған жой тегіншил материал билан ёшылаб, ёмғыр ёғыш хәзіри туындаудың білсекшілігін анықтайды. Егер бұйқылар билан бўлилган том тунукасынан одиндандын фартук осма тарнровлар кесилиб, тайёрлаб кўйилади.

Тунукалы томни тальмирланда бўйича ишларни томнинг пастки қисметтінан бошлаб, карниз, нарапет, вентиляция трубалары олдида давом этириледи. Если бўйқылар билан бўлилган том тунукасынан одиндандын фартук осма тарнровлар кесилиб, тайёрлаб кўйилади.

Доналик материаллардан (асбест, черепища) бажарылған томларни тальмирланда карниз тарнровлари олдида бошлайдындар. Доналик материаллардан курилған том түшамалары обрешеткага жуда пухта хозда мустақсамланған бўлиши зарур. Агар асбестцемент түшамаларда шикастланған жойлари аниқданмаган бўлса, уларни тозалаб суюқ, консистенцияни ёсили бўёқ билан бўйб чиқылған бўлиши керак. Унча катта бўлмаган ёриқлар аниқданғанда уларни шикажевка қилиб, зичиб кўйилади. Агар аниқданған ёриқлар жуда катта бўлса, түшама алмаштирилши зарур. Ўрама материаллардан тайёрланған томдернинг асосий камчиліктерига йўналар, тешниклар, узималар, чўқмалар, асосларнинг шикастланышлари киради.

15) ТОМ ТҮШАМАЛАРИНИН ҚАЙТА ТИКЛАШ МАВЗУСИ БҮЙНЧА САВОЛЛАР

1. Тунука томлар баринчы бўйб қрайсі хойидан күчиріледі?

- А—томнинг көнёқидан;
- Б—томнинг тутун трубаларидан;
- В—томнинг қралити ўртасидан;
- Г—томнинг пастки қисметидан;
- Д—томнинг тўғри келган хойидан.

16. ҚУРИЛМАЛАРНИ ВЕРТОЛЁТЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЙИГИШ ВА КҮЧИРИШ

Ҳаракатдаги корхоналарни қайта куришда йигиши, күчириши ва қурилмаларни алмаشتаришни цехнинг унча катта бўлмаган қисмларида ёки ўтишга имкон бўлмаган жойларда вертолётлар ёрдамида бажариш тавсия этилади.

Ишларни вертолёт МИ-10К ёрдамида бажаришда қуйидаги кетма-кетликка риоя қилинади: йигиладиган қисм қамровланади; вертолёт кўтарилиш жойини ўзгартиради ва йигишига тайёрланган қурилма устида осилиб туради.

17. ЙИГИШ ВА КҮЧИРИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ

Күчириш ва қайта куриш ишларида техника хавфсизлиги тадбирлари қурилмаларнинг турғунлигини таъминловчи тадбирлар билан биргаликда ИБЛ, технологик харита ва бошқа хужжатларда қайд этилади. Кўрсатилган хужжатлар механиклар, машинистлар ва йиғувчилар томонидан пухта ўрганилиб чиқилган бўлиши керак.

Күчириш ва йигиши ишларига 18 ёшдан кичик бўлмаган, врач кўригидан ўтган, ўргатилган ва тегишли хужжат билан таъминланган шахслар жалб этилади. Ишларга рухсат беришдан олдин ишчилар техника хавфсизлиги бўйича умумий маслаҳат оладилар. Күчириш ва йигиши ишлари технологияси билан ишчилар тўғридан-тўғри объектда, ишлайдиган жойларда танишадилар. Бу ерда улар ҳимоя воситаларидан фойдаланишини ўрганадилар.

Ҳамма қўринишдаги маслаҳатлар махсус журналда қайд қилиниб, унга ишчилар ва маслаҳат берувчилар кўл кўядилар.

Йигиши ишларини тор жойларда бажаришда йиғувчи бригада билан кранчининг аниқ ҳамкорлигини таъминлаш зарур. Энг муҳим ҳолларда (мураккаб такелажни буриш усули билан ишлатишида, қурилмаларни бир-бирларини устига кўндириганда, иккита механизм билан кўтарганда ва бошқалар) ишорани мастер беради.

Кран машинистлари ва лебёдка мотористлари олдиндан кимнинг ишорасига бўйсунишни билишлари керак. Йигиши (кўчириш) машинистнинг қўриш имкониятидан ташқарида олиб борилганда у ва йиғувчиларнинг иш жойлари оралиғида радио ёки телефон алоқаси, улар йўқ бўлса, оралиқ ишорачиларни қамровчилар ичидан танлаб кўйилади. Жуфтланган кранларда ишларни бажарганда автоматик ва ярим автоматик ишорани қўллаш зарур.

Техника хавфсизлиги талабларига мувофиқ юқори кучланиш тармоғини ҳимоя зонасида йигиши ишларини фойдаланувчи ташкилот томонидан келишилмасдан олиб бориш мумкин эмас.

**Йиғувчи машиналарни тұғридан-тұғри электр кузатувчи сим-
лар тағида ҳаракат қилиши ҳар қандай күчланишда тақиқланади.**

Ишларни бажариш пайтида вакти-вакти билан йиғиши мослама-
сина текшириш зарур. Фойдаланишдан олдин уларни ҳисобдагидан
10% га күп юк билан синаб күрілади. Қамров ва арқон занжирларини
уларнинг юк күтариш қобилятидан 2 баравар ортиқ юк билан ҳар 6
ойда текшириб күрілади. Қысларни йигишдан олдин қамровлаш
жойлари аниқ белгиланган бўлади. Қамровлашдан олдин қысл қир-
раси ва арқон орасига, арқонни ейилишининг олдини олувчи қис-
тирмалар ўрнатилади. Қамровлар ковушлар ва ёпиладиган илмоқлар
билан жиҳозланади, бунда илмоқни ейилиши бошлангич қирқими-
нинг 10% дан ошмаслиги зарур. Күрілмалар қўтарилишдан олдин
тупроқ ва муздан тозаланган бўлиши керак. Ерга ёпишиб музлаб қол-
ган ёки мустаҳкамланган қысларни қўтариб ўтиш ва кўтариш рухсат
этилмайди. Кўтариб ўтқазиладиган қурилмаларда одамларни бўлиши
катьй равишда ман этилади. Пакетларни ва қурилмаларни, кўчири-
ладиган блокларни горизонтал йўналишда олиб ўтиш баландлиги
энг камида 50 см бўлиши зарур. Ораёнмалардаги ҳамма туйнук ва
тешиклар ўз вақтида ёпиб қўйилади.

Юкни лойиҳа ҳолатига ўрнатиб бўлгандан сўнг қамровларни
ешиш фақатгина қурилмаларни ишончли қотириб, анкерлагандан
сўнг рухсат этилади.

Шамол тезлиги 6 балл бўлганда кранда ишлаш тўхтатилади.
Жуда кучли шамол пайтида (15 м/сек) улардан фойдаланиш бўйи-
ча қўшимча тадбирлар қабул қилинади.

18. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ҚАЙТА ҚУРИШДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Корхоналарни қайта қуришда қурилиш-монтаж ишларининг
унумдорлигини ошириш йўлларини аниқлаш муҳим аҳамиятга
эга. Бино ва иншоотларни қайта қуриш бўйича иш жойларини
уюштиришда мақсадга мувофиқ йўлни танлаш; ишларни хавф-
сиз олиб бориш бўйича илгор лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва
жорий этиш; мавжуд машина ва механизмлардан фойдаланиш
самарадорлигини ошириш; ишларни тор жойларда олиб борил-
ганда ҳар томонлама қулай ва кичик ўлчамли механизация воси-
таларини қўллаш меҳнат унумдорлигини оширишда қўл келувчи
омиллар ҳисобланади. Шунингдек, қурилиш-йигиш ишларини
сугка-соатлик жадвал асосида бажариш; иш жойларини қури-
лиш материаллари ва керакли механизация воситалари мажмуя-
лари билан таъминлаш; қайта қуришда қурилмаларни бузиш ва
ажратиб олиш ишларини такомиллаштириш; кенг кўламда бино
қысларини яхлитланган блоклар қўринишида ажратиб олиш ва

бийонинг айрим қисмларини бузилинг янги технологиясини ишилаб чиқиш; темир бетон, метали ва бошқа мустаҳкам қурилмаларни кесиши учун янги ускуналар маҳмусини яратиш саноат корхоналарини қайта қуришни тезлантиришга имкон яратади.

Тупроқдарни мустаҳкамлашда кичик ўччамли механик воситалардан фойдаланиб ишиларни бажариш ва пойдевор асосларини кучайтиришининг унумли усулиларини ишилаб чиқиш, пармалаб хойлаштириладиган қозикоёқдарни тор хойларга ўрнатиш учун кичик ўччамли машина ва жиҳозларни бунёд этиш бутунги кунда энг мудим вазифалардан хисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, қурилиш ва қайта тиклаш ишилари технологияси такомиилашиб борган сари, ишилаб чиқарни самардорлиги ҳамда меҳнат унумдорлиги шунчалик ўсиб боради.

ИЛОВАЛАР

**ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА ҚИСМЛАРИНИ ЧИЗМАЛАРДА
ИФОДАЛАНИШИ ВА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ
ИЗОХИ**

ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА ҚИСМЛАРИ

Ички деворлар тагига йифма темир-бетон пойдеворларни ўрнатиши.

Ишлатиш жойи. Ушбу технологик харита янги йифма темир-бетон пойдеворларни ички деворлар тагига ёстик ва бетон блоклар кўринишида, уй-жой ва жамоа биноларини капитал таъмирлашца минароли ва ёили кранлардан фойдаланилган ҳолда қўллашни кўзда тутади. Технологик харитани маълум бир бинога мослаб қўллаш учун иш қўлами-нинг ўлчамлари, иш хажмлари, асбобларнинг комплекслари, механизм воситалари ва ускуналар аниқланади (1.1-чизмага қаранг).

Курилиш ишлари технологияси. Ички деворлар тагига йифма пойдеворларни ўрнатишдан олдин: фишт деворларнинг айрим қисмлари таъмирланган; бошқа жойга кўчирилиши керак бўлган курилмалар, ойна ва эшик ромлари кўчирилган; шунингдек, ма-териаллар, йиғиш мосламалари, асбоб-ускуналар тайёрланган бўлиши керак.


Йифма пойдеворларни ўрнатишда рухсат этилган қочиримлар: девор тагига пойдевор блоклари учун (ГОСТ-13579—78) узунаси бўйлаб $\pm 13\text{мм}$; кенглиги бўйлаб $\pm 8\text{мм}$; баландлиги бўйлаб $\pm 5\text{ мм}$; лентасимон пойдеворларнинг темир-бетон плиталари учун (ГОСТ-1358—85) плитанинг узунаси ва кенглиги 1000 мм гача бўлганда $\pm 10\text{мм}$; 1000 мм дан 1600 мм гача бўлганда $\pm 12\text{мм}$; 1600 мм дан 3200 мм гача бўлганда $\pm 15\text{мм}$; баландлиги бўйлаб $\pm 10\text{мм}$; объектга олиб келинган жиҳозларни йиғувчи краннинг ҳаракат доирасига тахлаш зарур.

Янги пойдеворларнинг мавжуд пойдеворлар туташган жойига шпунтли (қозиқсимон) тўсиклар қоқилиши зарур.


Лойиха бўйича мос келмайдиган тупроқлар учраганда, ишлар лойиҳалаш ташкилоти томонидан янги кўрсатма берилмагунча тўхта-тилади.

Пойдеворларда бажариладиган ишлар: янги деворлар остига куриладиган йифма темир-бетон пойдеворлар тагига траншеялар ўрнини белгилаш ва кавлаш; янги пойдеворлар билан мавжуд пойдеворлар туташган жойига шпунтли тўсикларни қоқиш;


пойдевор тагига кум ётқизиш; темир-бетон пойдеворларни йиғиш; темир-бетон девор ости пойдевор блокларини йиғиш;



б)



в)



1. 1-чизма. Таъмирланадиган бинонинг янги девори тағига тасмасимон йиғма пойдеворни үрнатиш:

а) юкоридан кўриниши; б) ёнбошидан кўриниши; в) киркими.

1—мавжуд пойдевор; 2—пойдевор блоклари; 3—пойдевор ёстиклари; 4—кумли асос; 5—арматуралаштирилган чок; 6—темир-бетон белбог; 7—чок; 8—шпунт катори.

пойдевор устида темир-бетон белбоғини барпо этиш; траншея құлтиклариға тупроқ түкиб, қатламларини зичлашни ўз ичига олади.

Ишларни куйидаги таркибдаги звено бажаради: курилмаларни йиғувчи 4-разрядли ишчи (М1), курилмаларни йиғувчи 3-разрядли ишчи (М2) 2-разрядли қамровловчи ишчи (С); такелажчи (Т)лар. Тупроқ, дурадгорлик, бетон ва сувдан муҳофазалаш қатламини хосил қилиш ишларини йиғиши ишлари билан бир вактнинг ўзида олиб борилади. Ишларни бажаришнинг айрим босқычларида звено таркибига бошқа касбдаги ишчиларни ҳам киритиш мумкин (1.2-чизмага қаранг).


Янги деворлар тәгіга куриладиган йиғма темир-бетон пойдевор учун **траншеялар кавлаш**. Ишчилар (М1 ва М2) метр ёки рулетка ёрдамида ташқи ва ички деворларга бүр билан пойдеворларни жойлашиш ўқини белгилаб чиқадилар. М1—электрпарма ёрдамида айлантирма түсікни мустаҳкамлаш учун деворда (хар битта деворга иккитадан) тешик тешади. Сұнг ишчи (М1) тешилған тешикка ёғоч пробкаларни мих ёрдамида қотиради. Пойдевор ўқлари иккита мих билан белгилаб чиқилади. Михлар оралиғида сим тортиб, пойдевор ўқлари аниқланади. Тортилған симдан шовун ёрдамида пойдевор ўқлари ерга ўтказилади. Ушбу ўқдан икки томонға траншеяни нишаблари билан көнглигини ўлчаб қозықлар қоқилади. Қозықлар оралиғида траншея контурини белгиловчи иплар тортилади.

Траншея ҳолатини белгиловчи иплар тортилиб бўлингандан сұнг, пойдевор ўқлари бўйлаб симлар ечиб олинади ва ишчилар траншеяни кавлашга киришадилар.


Траншея кавлаш. Траншеяни аввало мавжуд пойдевор томонидан 0,5 м чукурлиқда кавланади, сұнг шпунт (қозықсімон түсік) қоқилади (1.2-чизма). СНиП 111.8—76 га мувофиқ, шпунт қоқмасдан сизот сувларини тұплаш ва чиқарып ташлаш учун чукурчалар кавланади. Бўқадиган, окма тупрокларда, сизот сувлари кўп оқадиган ерларда траншея бўйлаб, шпунт қоқилади. Ортиқча тупрокни сифими 0,8 м³ ли бункерларда (ёйли ёки минорали кранлар ёрдамида) ташқарыга чиқарып ташланади. Траншея құлтикларини тұлдириш учун керакли тупрокни траншея четидә ёки имконияти борича бункерларда қолдиришга харакат қилинади. Траншеяниң геометрик ўлчамлари, асосдаги тупроқ ҳолати ва бажарилган ишларнинг лойиҳага мувофиқлиги акт билан расмийлаштирилади. Траншеяни механизмлар ёрдамида кавлашда электргидроэксекватордан фойдаланилади.

Экскаваторда СТ1 да ишлар бажарилиб бўлгач, монтажчилар шпунтларни ерга қоқишига киришадилар. Шпунтлар қоқилиб бўлгандан сұнг электргидроэксекватор иши яна янгитдан бошланади. Ундан сұнг экскаватор кран ёрдамида СТ2 га кўчирилади.

a)



б)




1.2-чизма. Күл кучи билан траншеяни кавлаш схемаси:


а) устидан күриниши; б) ёнбошидан күриниши.

1—насос; 2—чукурча; 3—хаво асосида ишловчи болға; 4—шпунт; 5—зинапоя;
6—тупрок учун бункер.

a) Юқоридан күриниши



б) Ёнбошидан күриниши




1.3-чизма. Тупрекларга механизмлар билан ишлов бериш схемаси:

a) юкоридан күриниши; б) ёнбошидан күриниши.

1—электрический экскаватор; 2—экскаваторный СТ1 да туриши; 3—экскаваторный СТ2 да туриши; 4—шпунт катори.

Айрим жойларда тупрок күзда тутилғандан күпрөк кавланған бўлса, чукур бир жинсли тупрок билан тўлдирилиб, бошланғич табиий холатигача зичланади. Тупрок ишларини тугаллаб бўлғандан сўнг, электргидроэкскаватор электр тармоғидан узиб кўйилади ва минорали кран ёрдамида ташқарига олинади (1.3-чизмага қаранг).



Шпунт қаторини қоқиши (1.4-чизмага қаранг). Ёғоч шпунтни қарағай ёки кенг япроқли дарахтларнинг 2-навидан паст бўлмаган, қалинлиги 50 мм ли (ГОСТ 8486-86 ва 24454-80), химик моддалар билан ишлов берилган ёғочдан тайёрланади. Йиғувчи ишчи (М1 ва М2)лар мавжуд пойdevor погонаси аникланғач шурф қазийдилар. Ундан энг кўпи билан 5 см қочириб, шпунтларни бир-биридан 2 м



1.4-чизма. Шпунтни қоқиши схемаси (стрелкалар билан қоқиши йўналиши кўрсатилган):

а) ёнбошидан кўриниши; б) юқоридан кўриниши; в) курилма, мосламалар.

1.7—кўрсаткич тахталари; 2—шпунт; 3—шпунтни қоқиши учун хаво босими остида ишловчи болға; 4—шпунтни қоқиши учун мослама; 5—кўндаланг йўналтирувчи тахталар.



1.5-чизма. Пойдевор ёстигини йифиш схемаси:

а) юкоридан күрниши; б) ёнбошидан күрниши.

1—темир-бетон ёстик плиталар; 2—күм ёстик; 3—насос; 4—шпунт катори; 5—ип (причалка); 6—коришка күтиси билан.

узоклиқда қоқиб чикалилар. Шпунтнинг пастки қисми 45° қиялик билан қиркүйгін ва шпунтни тупрокқа киришини енгиллаштириш учун йұнилған бўлиши керак. Кўрсаткич шпунтларни қоқилиш чукурлиги қатор шпунтларнинг қоқиши чукурлигидан 0,5 м кўпроқ бўлиши зарур. Кўрсаткич шпунтларни қоқища йигувчи (M1) шпунтни кўли билан ушлаб туради, иккинчи йигувчи (M2) болға билан шпунтни юқори қисмiga охиста уриб тупрокқа кирилади. Ишлар сўриларда туриб амалга оширилади. Шпунт тупрокқа зич қоқилиб бўлиши билан, уни домкратлар билан ерга кириши давом эттирилади. Кўрсаткич тахталарга қалинлиги 6 см ли йўналтирувчи боғлагичлар M16 мм ли, узунлиги 200 мм ли болтлар ёрдамида мустаҳкамланади. Сўнг қатор шпунтлар қоқилади. Шпунтларни қоқиши ер ости сувларидан 10 см юқорида тўхтатилади.


Пойдевор остига кум ёстигини ётқизиш (1.5-чизмага қаранг). Траншеянинг икки ёнбош томонидан шовун ёрдамида қозиклар қоқилади. Бунда қозикларнинг устки юзаси кум ёстигининг устки сатхига баробар бўлиши керак. Уларга монтажчилар (M1 ва M2) кўрсаткич тахталарини шундай мустаҳкамлайдиларки, тахталарнинг юқори қисми қозикларни юқори қисмiga тўғри келиши керак. Ёстик учун кум траншеяга бункерда минорали кран ёрдамида узатиб берилиб, траншеянинг тагига тўклилади. Йигувчи (M1 ва M2) лар энг аввало текисловчи кураклар, рейкалар ёрдамида кумни текислайдилар ва бир вақтнинг ўзида кум ёстигини юқори сатхини текшира бориб зичлайдилар.

Темир-бетон пойдевор ёстикларини йиғиши (1.6-чизмага қаранг).


Траншеяда тайёрлов ишларини тутатиб, қамровловчи темирбетон ёстигини 4-шохли ёки 6 шохли қамров билан қамровлаб кран машинистига уни 0,2—0,3 м га кўтаришга ишора беради ва қамровни текшириб кўради, сўнг хавфли зонадан чиқиб, кран машинистига кўтаришни давом эттиришга ишора беради ва кўтариш жараёнида тўсикка учраб қолмаслигини назорат қиласи. Пойдевор ёстигини йиғиши зонасига яқинлаштириши билан кран машинисти йигувчига хавфли зонадан чиқиши кераклиги тўғрисида ишора беради. Йиғиши зонасида ётқизиш бўйича ишларни тақелажник (T) амалга оширади. Ёстиклар лойиха ҳолатидан 0,2—0,3 м баландликда бўлганида, йигувчи (M1 ва M2)лар зиналар орқали траншея ичига тушадилар. Ёстикларни лойиха ҳолатига буриб, уни қимирлашининг олдини оладилар. Йигувчи (M1) ва тақелажник (T) орқали кран машинистига ёстикни тайёрланган асосга туширишга ишора беради. Пойдевор плитасини лойиха ҳолатидан турганлигига ишонч ҳосил бўлгач, йигувчи (M1) кран машинистига қамровни бўшатиш тўғрисида ишора қиласи, сўнг йигувчи (M2) билан биргаликда уни ечади. Йиғиши жараёнида қамровчи (C) идишга коришма солиб, пойдеворни йиғиши жойига узатиб беради.

Йигувчи (M1 ва M2)лар ёғоч қолипни плитанинг ёнбош киралари бўйлаб бир тахта баландлигига ўрнатадилар; қолип тахта-

a)



б)



1.6-чизма. Пойдевор блокларини йигиш схемаси:

а) юкоридан күриниши; б) ёнбошидан күриниши.

1—темир бетон ёстик плиталари; 2—девор бетон блоклари; 3—күм ёстик;
4—тупрок билан түкиш; 5—босым остида ишловчи зичлагич; 6—шпунт катори;
7—тупрок учун бункер; 8—корицма учун күти; 9—зинапоя.

си плитанинг юқори сатхидан энг камида 50 мм га чикиб туриши керак. Унга бутун узунаси бўйлаб қалинлиги 50 мм ли бетон қориши масини тўкиб пухталик билан зичлайдилар.

Девор, пойдевор блокларини йигиши. Ишни кўрсаткич блокларни ўрнатишдан бошлаб, уларнинг ёнбош кирралари бўйлаб ип тортилади, сўнг каторнинг бошқа кисмлари ўрнатилади. Қамровчи (С) пойдевор блокини лойдан ва муздан тозалайди, кисмни қамровлаб йифувчини (М1) буйруғи билан йигиши жойига блокни узатиб берилишини назорат қиласди. Пойдевор блокларини йигиши ишлари ёстикларни ўрнатишга ўхшашиб бўлади. Пойдевор блоклари цемент қориши масидан тайёрланган асосга ўрнатилади. Блок ҳолати лойиҳага мос эканлигига ишонч хосил қилгач йифувчи (М1) кран машинистига қамровни бўшатиш тўғрисида кўрсатма беради ва шу вақтнинг ўзида йифувчи (М2) уларни ечиб олади. Биринчи катор блокларининг ҳаммаси йигиб бўлингандан сўнг йифувчи (М1 ва М2)лар пойдевор блокларининг юзаларини сув билан ҳўллайдилар ва цемент қориши масини 20 мм қалинликда ёткизадилар.

Йигма пойдевор блокларини йигища шартли талаблар: пойдеворни ёткизишга асосни кабул қилиб олингани тўғрисида акт бўлгандагина рухсат этилади; асосга кор ёки сув теккан кисмларни ёткизиш ман этилади; горизонтал ва вертикал чокларнинг қалинлиги 20 мм дан ошмаслиги керак; блокларни ярим блокка суриб қулф-калит қилиб терилади, блокни сурилган томони энг камида 20 см бўлиши керак; блокларни ергўла томонга йўналган томони текисланади; қотиш жараёни бошланган қорицмаларни ишлатишга рухсат этилмайди; қорицма катламига ёткизилган блокни қорицма қотиш даврида сурилиб кетсанларини кўтариб, эски қориши масадан тозалаб, янги қоришимага қайтадан ёткизилади.

Пойдевор устига темир-бетон белбогни ўрнатиш. Пойдевор блокларининг юқори каторини ўрнатиб бўлгандан сўнг, белбогни текислаш учун қолиб кўйилади. Сўнг пойдевор блокини юқори сатхи сув билан ҳўлланиб, лойиҳада белгиланган қалинликда бетон қориши маси ёткизилади.

Пойдевор қўлтиқларини тупроқ билан тўлдириш. Пойдевор қўлтиқларига тупроқ тўкишини йифувчи (М1 ва М2) лар бажаради. Тупроқ солинган бункер туширилгандан сўнг йифувчи (М2) илмокларни қамровлаш илмокларидан ечади ва уларни ёнбош илмокларга (бункерни ён томонларига қўндирилган)илади. Йифувчи (М1) бункерни кўтариш тўғрисида кўрсатма беради. Кўтариш пайтида бункер очилиб, тупроқ траншея тагига тушади. Бункерда қолиб кетсан тупроқни тушириш учун унинг деворларига секин урилади. Йифувчи (М1 ва М2)лар белкурак ёрдамида траншея таги бўйлаб тупроқни 0,2 м қалинликда ёткизиб электрзичлагичлар ёрдамида бир текис зичлаб бир текис чиқадилар. Тупроқни зичлашни зичланадиган майдоннинг четидан бошлаб, ўрта-

сига қараб амалга оширилади. Тупрөкни яхшироқ зичланиши учун уни сув билан ҳўллаб турилади.

Киш фаслида ишларни бажарилишидаги алоҳида шартлар. Пойдевор блокларини музлаган тупрекка ётқизиши ман этилади; блокларни куруқ кум ва чакиртош тупрекларга ётқизиши бундан мустасно. Унча катта бўлмаган ер бўлакларини музлашдан химоя килиш учун хаво куруқ вактида иссикни ўтказмайдиган материалларни (кипик, шлак, торф, курук мох ва ҳоказолар) тўкиб ишлатиш мумкин. Музлаган тупрек юзасини иситкичлар ёрдамида электр токи билан электродлар ёрдамида эритиш мумкин. Иш ҳажми унча катта бўлмаганда тупрекни хаво босими остида ишловчи дастгоҳлар ёрдамида увалаши тавсия этилади. Бунинг учун компрессорлардан ишловчи ОМ-5, ОМ-5А туридаги уриб синдириувчи болғалар ишлатилади. Паст ҳароратда йиғма пойдеворларнинг ёстиклари зудлик билан асос ва траншея тайёр бўлгандан сўнг йиғилиши керак.

Пойдевор блокларини киш фаслида йиғища куйидаги шартларнинг бажарилишини таъминлаш зарур: пойдевор блокини йиғища текисланадиган коришманинг ҳарорати энг ками билан $+15^{\circ}\text{C}$, суюқлиги стандартта жавоб берини керак. Бетон блокларни ётқизилишидан олдин коришма юзасини муз ва қордан тозалаш зарур; йиғиши ишларини бажаришда асосга тўкиладиган кум қатламининг қалинлиги 10 см дан кўп бўлмаслиги зарур; текислов қатлами қолипига бетонни кўйгач зудлик билан устига исикликни ўтказмайдиган материаллар (минерал пахта ва б.) ёпилади. Киш фаслида пойдеворларни тупрек билан кўмишда тупрекка қор ёки музни кўшилишига, зичлаш учун сувдан фойдаланишга рухсат этилмайди. Йиғиши ишларининг сифатини назорат қилиш ишлари СНиП 111-16-80 га мувофиқ амалга оширилади. Пойдеворларни йиғища геометрик ўлчамлари 1.7-чизмада кўрсатилган кўрсаткичлардан ошмаслиги керак. Сифатни назорат қилиш схемаси 1.1-жадвалида келтирилган. Ишларни бажаришда СНиПда кўрсатилган қоидаларга риоя қилиниши зарур. Жумладан, траншея тўсиб олиниши, тўсикларда огоҳлантирувчи ёзувлар ва ёриткичлари ўрнатилиши керак (ГОСТ 23407-78).


Тахланган материаллар ва жиҳозлардан траншея устигача бўлган масофа нишабларининг турғунлиги таъминланиши зарур. Электр гидроэкскаватордан фойдаланиш учун маҳсус ўқишини тамом қилиб, машинистлик гувоҳномасига эга бўлган шахсларга рухсат этилади. Уларга техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар берилади. Экскаватор машинисти кўлида энг хавфли иш шаротларда ишлаш учун наряд-рухсатномаси бўлиши, у экскаваторни ишга туширишдан олдин ишчи зонада ишчиларнинг йўклигига ишонч ҳосил қилиши, чўмични тозалаш ишларини ерга туширилган ҳолда амалга ошириши, двигател ишлаётганда таъмирлаш ишларини олиб бормаслиги зарур.

Бажариладиган ишлар сифатини назорат қилиш

T/р	Назорат номлари ва назорат килувчи шахслар (И-ишларни бажарувчи ёки уста; Б-бригадир)	Назорат қилиш обьекти	Назорат усуллари ва воситалари	Назорат вакти
1	2	3	4	5
1.	Тайёрлов ишлари (II)	Кисмларни тўғри таҳланганлити Геометрик ўлчамлари-нинг тўғри келишлиги. Ташки нуқсонларнинг мавжудлиги. Бўлувчи ўқларини белгилаш	Ташки кўринишидан: пўлат метр	Ишларни ба-жаришдан
2.	Мавжуд пойдеворларни товонидан 0,5 м сатҳгача траншеяларни қазиш (Б;П)	Кирқимда ва тархда ўлчамларини тўғрилиги	Ташки кўринишидан: рулетка, пўлат метр	Тран-щая конту-рини белги-лаб бўлгач
	Пойдеворларни мавжуд деворлар билан туташиб жойида шпунт қаторини қошиш (П)	Шпунт тахталарида нуқсонлар мавжудлиги. Қаторни лойиха чукурлигига қадар қошиш	Ташки кўринишидан: пўлат метр	Тупроқни 0,5 м қазишдан кейин
3.	Траншеяни лойиха бўйича қазиш (П)	Пойдевор товонининг сатҳи лойихага мослиги	Ташки кўринишидан: невелир	Тран-щаяни қазиб бўлган-дан сўнг
4.	Кум асосни тайёрлаш (П; Б)	Пойдеворнинг лойиха холати, зичлиги	Ташки кўринишидан	Тупроқни кавлаб бўлиб
5.	Тахта пойдеворнинг лойиха ҳолатини белгилаш (П)	Пойдевор ҳолатини белгилаш.	Шовун, причалка (ип)	Пойде-ворни йигиши-дан олдин

1	2	3	4	5
6.	Йиғма темир-бетон ёстиғини йиғиши (П)	Ёстиқлар ҳолати юқори сатхини бир текис-далиги	Шовун, пұлатметр, иккиметрлікрейка	Темир-бетон ёстиқ-ларни йиғиши жараё-нида
7.	Арматуралаштирилған чекларни бажариши (П)	Арматураны ёткизиш, бетон маркасынинг лойиҳага мос келиши	Ташкикүринишдан, пұлатметр	Чокларни ба-жариш жараё-нида
8.	Девор пойдевор блокларини йиғиши (П)	Пойдевор блокларининг горизонтал ҳолати, ўқларни түғрилиги	Невелир, рулетка, ип шовун	Пойде-вор блокла-рини йиғиши жараё-нида
9.	Пойдевор устига темир-бетон белбоғ қилиши (П)	Арматура ва бетонни ёткизиш, белбоғнинг юқори сатхини түғрилиги; бетон коришмасынинг суюклиги	Невелир, пұлатметр, стандарт конус	Темир-бетон белбоғ-ни ба-жариш жараё-нида
10	Пойдевор күлтиқларини тупроқ билан тұлдириш (Б,П)	Тупроқ қатлами, зичлиги	Ташкикүринишдан	Тупроқ-ларни түкиш жараё-нида

Материал-техник ашёлар. Ички девор тағига йиғма пойдеворларни ўрнатылганда (узунлиги 7,14 м бўлганда) материал ва буюмларга бўлган талаб 1.2-жадвалда кўрсатилган. Жиҳоз, дасттоҳ ва мосламаларга бўлган талаб 1.3-жадвалда келтирилган.



1.7-чизма. Йигма пойдеворларни йигишида рухсат этилган қочиримлар:

1 — пойдевор блоклари ўқларининг белгиланган ўқларидан сурилиши — 13 мм.

2 — пойдевор кисмларининг юкори таянч юзасидан сурилиши — 10 мм.

1.2-жадвал

Материал ва буюмларга талаб


Материал номи	Маркаси, ГОСТ	Ўлчам бирлиги	Сони
Темир бетон пойдевор ёстиқлари	Лойиха бўйича	дона	6
Пойдевор бетон блоклари	Шуни ўзи	дона	10
Бетон	М 100	м ³	0,46
Цемент коришмаси	М 100	м ³	0,34
Кум	ГОСТ 8735-75	м ³	1,28
Арматура тури	Лойиха бўйича	дона	4
Қалинлиги 25 мм ли тахта	ГОСТ 8486-86 ва 24454-80	м ³	0,03
Қалинлиги 50 мм ли тахта	Шуни ўзи	м ³	1,33
Мих, Л = 70 мм	ГОСТ 4028-63	кг	3,5
Сим 4.....5 мм	В1 класс	кг	2,1

Машнина, жиңіз, дасттоқ ва мосламаларга бұлған талаб

Т/р	Номи	Марка, ГОСТ чизмалари	Сони
1	Йиғувчи кран	ИБЛ бүйінчі	1
2	Шланг компрессор комплекті билан ва уриб синдирувчи болға	ЗИФ-55В(3-д "Арсенал" Ленинград ш.)	1
	Электротехник экскаватор	КМА-566, трест Оргтехстрой	1
3	Насос	"ГНОМ:10" Москва механик з-ди	1
4	Электрэнергетич	ИЭ-4501 Даувгавилис з-ди "Электроинструмент"	1
5	Пармаловчи құл машинасы	ИЭ-1034 Назранов з-ди "Электроинструмент"	1
6	Бетонсиндирувчи	ИП-4602 (С-358)	1
7	Ахлат ва тупрок үчүн бункер, сиғими 0,8 м ³	КМА-509, трест Оргтехстрой	4
8	Қоришлима үчүн күти, сиғими 0,15 м ³	Ярим тайёр курилиш максулотлари з-ди	2
9	Юк қамрови L=2,0 м	4СКІ-8, ОГОСТ 25573-82	1
10	Юк қамрови L=4,0 м	4СКІ-8, ОГОСТ 25573-82	1
11	Юк қамрови L=2,0 м	2СК-8, ОГОСТ 25573-82	1
12	Юк қамрови L=4,0 м	1СК-255ОГОСТ 25573-82	4
13	Юк қамрови L=2,0 м	1СК-255ОГОСТ 25573-82	1
14	Юк қамрови L=4,0 м	ГОСТ 10528-76	1
15	Невелир	ГОСТ 11158-83	1
16	Невелир рейкаси		2
17	Йиғма металл ўлчагыч (метр)	ГОСТ 7502-80	1
18	Пұлат рулетка	ГОСТ 7948-80	2
19	Шовун		1
20	Әтилгүлвачан сувли адилак		1
21	Курилиш адилаки	ГОСТ 9416-83	1
22	Капрон ип (шнур)	ГОСТ 10293-77	20
23	Қазиш үчүн ўтқир учли белкүрак	ГОСТ 3620-76	2
24	Йиғиб олувчи белкүрак	ГОСТ 3620-76	2
25	Ёрөч арра	Ту14-1-302-72 з-д металлист	1
26	Лом	ЛМ-24 ГОСТ 1405-83	2
27	Қасқон	ГОСТ 11402-75	1
28	Тош ишләрди үчүн куракча	ГОСТ 9533-81	1
29	Металлы болға	ГОСТ 2310-77	2

2-илюстрация


**ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА ҚИСМЛАРИДАГИ
БАЖАРИЛДИГАН ИШЛАР ҲАЖМЛАРИНИ ҲИССОБЛАШ**



1-масала

Узунлиги 150 м лик траншеянынг ҳажмини аниклаш зарур. Траншеянынг көнлигиги тағи бүйлаб $a=1,5$ м, бошлаништадан чукурлигиги $=3,0\text{м}$.

Траншеянынг күндаланг қиялигиги $= -0,002$; ер салхини узунасында қиялигиги $-0,008$. Траншеянынг нишаблары қиялигиги $1:m=1:1,5$.



Траншеянынг узунаси бүйлаб профилдаги күриниши юқоридағы чизмада ифодаланған. Ҳажмни икки мартта ҳиссеблаш керак:

аниқ ва тәхминий формула билан. Фоизда охирги ҳисобни олинган күрсаткичлар бүйича ҳисоблаш зарур. Масаланинг ечими:

1. Траншеяни охирги қисмиде чукурлиги:

$$h_2 = 3,00 + 150 \times 0,002 - 150 \times 0,008 = 2,10 \text{ м}$$

Траншея бошланишида устки қисмининг кентлиги;

$$B_1 = 1,5 + 2 \times 3,0 \times 1,5 = 10,5$$

ва траншеянинг охирги қисмиде:

$$B_2 = 1,5 + 2 \times 2,10 \times 1,5 = 7,80 \text{ м}$$

2. Траншеяни ҳажми аниқ формула билан (Винклер формуласи) ҳисобланади:

$$W_1 = \left[\frac{F_1 + F_2}{2} - \frac{(h_2 - h_1)^2 m}{6} \right] l$$

бу ерда F_1 —траншеянинг бошланиш қисмидаги күндаланг қисмини юзаси, F_2 —унинг охирги қисмиде.

Масалани шартига биноан, траншеяни күндаланг қисми қиркими юзасини аниклаш керак.

Бунда:

$$W_1 = \left[\frac{18,00 + 9,76}{2} - \frac{(2,10 - 3,0)^2 \times 1,5}{6} \right] \times 150 = 2052,0 \text{ м}^3$$

3. Бошқа аниқ формула бүйича траншеянинг ҳажми (Мурзо формуласи) ҳисобланади:

$$W_2 = \left\{ F_0 + \frac{(h_2 - h_1)^2 m}{12} \right\} l$$

бу ерда F_0 —траншеянинг ўрта қисмидаги күндаланг қиркимининг юзаси; шу қисмда траншеянинг чукурлиги:

$$h_0 = \frac{3,0 + 2,10}{2} = 2,55 \text{ м}$$

Шундай қилиб:

$$F_0 = 1,5 + \frac{(1,5 \times 2 \times 2,55 \times 1,5)}{2} = 2,55 = 13,58$$

бунда:

$$W_2 = \left\{ \frac{(13,58(2,10 - 3,0)2 \cdot 1,5)}{12} \right\} 150 = 2052,0 \text{ м}^3$$



траншеяниг ҳажми тахминий формула билан:

$$W = \frac{F1+F2}{2} l = \frac{18,0+9,76}{2} 150 = 2082,0 \text{ м}^3$$

4. Тахминий formulани қўллаганда хато: $\frac{2082-2052}{2052} \cdot 100 = 1,5\%$ га тенг.

2-масала

= 1000 мм канализация коллекторининг чўян қувури учун қазиладиган траншеяниг қумли тупроғи ҳажмини аниқлаш зарур. Траншеяниг узунлиги = 240 м, А нуқтада чуқурлиги = 3,7 м га тенг, траншеяниг туб қиялиги = 0,003.



Ечими: Траншеяниг нишаблари қиялигини СНиП 111-Б. 1-62 дан оламиз. Траншеяниг Б нуқтадаги чуқурлигини аниқлаймиз:

$$= 3,7 - (168,25 - 165,85) 10,003 \times 240 = 2,02 \text{ м};$$

Траншеяниң туб көнглиги СНиП 111Б-1-62 дан оламиз:

$$v_1 = D + 0,8m = 1,8m;$$

Траншеяниң ұжымы:

$$W_1 = \left\{ F_0 + \frac{(h_2 - h_1)^2}{12} m \right\} l,$$

бу ерда F_0 — траншея узунлигинин үртә қисмидеги күндаланғыш кирекшелік жөнди.

Траншеяниң үртә кирекмелілігі чуқурлігі:

$$h_1 = \frac{3,7 + 2,02}{2} = 2,86 \text{ м}$$

Траншеяниң үсткі сатқы бүйілаб үртә кирекмелілігі көнглигі:

$$v = 1,8 + 2,86 \cdot 2,1 = 7,52 \text{ м}$$

бунда:

$$F_0 = \frac{1,8 + 7,52}{2} \times 2,86 = 13,3$$

Траншеяниң ұжымы:

$$V_{tp} = 13,3 + \frac{(3,7 - 2,02)^2}{12} 1 \times 240 = 3240 \text{ м}^3$$

Күбүр зерттегілік ұжымы:

$$V_{tp} = \frac{\pi d^2}{4} L = \frac{3,14 \times 1^2}{4} \times 240 = 188 \text{ м}^3;$$

Траншея күлтиқтарини түлдіриш учун кетадиган тупроқ ұжымы:

$$V_0 = \frac{V_{tp} - V_T}{K_{tg}} = \frac{3240 - 188}{1 \times 0,5} = 2900 \text{ м}^3$$

бу ерда K_{tg} — колданылған коэффициенті;

Олардың көмегінде траншеяның тупроқ ұжымы:

$$V_{om} = 3240 - 2900 = 340,0 \text{ м}^3$$

3-масала

5 қаватли, түрт секцияли бинонинг бир қаватига кетадиган
фишт ҳажмини аниклаймиз. Қаватнинг баландлиги полидан
полигача $h = 3,0$ м.

1. 2 фиштли ташқи девор теримини ойна, эшик бўшликларини
чиқариб ташлагандан сўнгти ҳажми:

$$W_1 = \{[(19,93 \times 2 + 20,0 \times 2)2 + 11,41 \times 2]3 - 1,5 \times 1,7 \times 32 - 1,0 \times 1,7 \times 8\}0,51 = 230,73 \text{ m}^3$$

2. 1,5 фиштли деворларнинг эшик бўшликлари чиқариб
ташлангандан сўнг:

$$W_2 = \{[(11,41 - 0,51)7 + (6,9 + 0,38)4 + (3,19 - 0,38)4]3 - 1,5 \times 2,0 \times 8\}0,38 = 123,87 \text{ m}^3$$

3. 1,0 фиштли деворларнинг эшик бўшликлари чиқариб
ташлагандан сўнг:

$$W_3 = \{[(11,41 - 0,51)8 + (1,2 - 0,25)8]3,0 - 1,0 \times 2 \times 16 - 1,5 \times 2 \times 8\}0,25 = 57,1 \text{ m}^3;$$


Бино тархи

$$0-1 = 1,0 \text{ м}$$

$$0-2 = 1,5 \text{ м}$$

Фишт теримининг умумий ҳажми:

$$\text{Бир қаватга } 230,73 + 123,87 + 57,1 = 411,7 \text{ m}^3.$$



ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА МЕЬЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР


Курилиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини бажаришда энг муҳим ҳужжатлардан бири ишлаб чиқариш лойиҳаси хисобланади. Ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ) ишчи чизмалари асосида пудратчи ва субпудрат ташкилотлари ёки «Оргтехстрой» трестлари томонидан ишлаб чиқарилади. ИБЛ ни ишлаб чиқаришдан асосий мақсад курилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларида унумли усулларни жорий этишдир. Қатор бино ва иншоотлар (шу хисобда жамоат бинолари ва турар жойлар) учун таъмирлаш мажмуасига тузиладиган ИБЛ куйидаги қисмлардан таркиб топади: таъмирланадиган биноларни оқимларга тақсимланган ҳолда тузилган йифма тақвими, режа ва турли жадвал; асосий ишлар кўринишларига технологик хариталар; асосий курилиш машиналари ва механизмлари учун схема ва жадваллар; курилиш объектига курилма, материалларни олиб келиш йифма жадвали; курилишни олиб бориш бош тархи, мухандислик тармоқларининг кўшма режаси ва уларни таъмирлаш кетма-кетлиги; ишчилар харакати жадвали; техник-иктисодий кўрсаткичлари билан тушунтириш хати; ишларни бажариш лойиҳасини пудратчи таъмирлаш-курилиш ташкилотларининг бош мұхандиси томонидан тасдиқланиши. Лойиҳданинг айрим қисмларини маҳсус ташкилотлар томондан ишлаб чиқарилса, тегишли субпудратчи ташкилотларининг бош мұхандислари томонидан тасдиқланади.

Бино қисмларини бузиш ва кўчириш қисмидаги ишларни меҳнатталаблиги, ишларни кўринишларига қараб ҳар бир ишни алоҳида ҳажмлари белгиланади ва ЕНиРнинг тегишли бандларидан бажарилиш меърлари аникланиб, уларни иш ҳажмига кўпайтирилади (3.1-жадвал).

Қайта тиклашда мавжуд биноларнинг устига куриш усуллари ва биноларни кўчириш. Умумий қоидалар. Эски курилган кварталларни қайта тиклаш, биноларнинг айрим қисмларини ёки бутун бир бинони баландлаштириш, куриш, бинони ёнига қўшимча куриш, биноларни кўчириб майдон ва магистралларни кенгайтириш, бино устига куриш мақсадга мувофиқлиги иқтисодий омил-


Интерниң мекеметтегіліктерінде машина заңдарының анықтамалары

Т/Р	ЕНиР ассоциации	Бағыр-ди-гап-нишар	Ул-чам-бид-лики	Мехнат тарабында		Машина заңдарынан сағын		Машина заң мекемесінде		Зәне тоғызы						
				Иш заңын	Сондык соғылыш	Хам-маси-дағы, одам-одам-соғылыш	Хам-маси-дағы, одам-одам-соғылыш	Хам-маси-дағы, одам-одам-соғылыш	Хам-маси-дағы, одам-одам-соғылыш	Но-маш-маш-	Мар-каси-ни	Кас-ба-	Раз-са-ри-дик-	Со-ни		
1.	Тегелген ЕНиР жарыларының курсанаттары	Чыншашар ассоциациясының хабарласу шекаралары	Те-ассоциацияның хабарласу шекаралары	6	5	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
1.	Тегелген ЕНиР жарыларының курсанаттары	Чыншашар ассоциациясының хабарласу шекаралары	Те-ассоциацияның хабарласу шекаралары	Грб-дан оли-нейлик	Грб-дан оли-нейлик	Гр7	Гр9-10	Гр10	Гр5-10:8	Гр5-10:8	Хи-соб-ас-о-сия-хаб-бул-хис-ли-нари	Хи-соб-ас-о-сия-хаб-бул-хис-ли-нари	Хи-соб-ас-о-сия-хаб-бул-хис-ли-нари	Хи-соб-ас-о-сия-хаб-бул-хис-ли-нари	Хи-соб-ас-о-сия-хаб-бул-хис-ли-нари	



3. J-чизма. Бино устига куриши күрилмаларининг схемалари:

1—устига күриладиган кват; 2—девор бүйіндегі каттыклик белбөр; 3—бинодати орастыма схемасы; 4—устига күриладиган каватлар схемасы; 5—устига куриш устүннүү; 6—асос платформасынын ассоң түсүнүү; 7—искинчи дарражали түсүнүү; 8—устига күриладиган каватларниң түсүн дөврләрүү.



3.2-чизма. Бинони күчириш учун таянч рамалари ва йўлларининг схемаси:

1—кўндаланг тўсин; 2—амортизацияни амалга оширувчи прокладка; 3—харакатланувчи тўсин; 4—диафрагма; 5—фалтак; 6—рельс йўли; 7—шпал тагидаги асос; 8—шпаллар; 9—поналар

лар инобатта олинган ҳолда ҳал килинади. Шаҳарни қайта куриш бош режасида бино устига куриш, қаватлар сони ва фасадларни безатилиши кўрсатилади. Маълумки, кўча бўйлаб ҳар хил баландликда курилган бинолар кўзга яхши ташланади.

Курилмаларни кучайтирмасдан устига куриш ишлари бино курилиш схемасини ўзгартирмасдан ва ички тузилишини бузмасдан бинони баландлиги бўйича давом эттиришни кўзда тулади (3.1-чизма).

Курилма схемаларини ўзгартириб устига куриш ишлари. Бу усул мавжуд биноларнинг устига куриладиган қаватларни оғирлигини кўтарувчи қисмларга тушадиган юкларни бир меъёрда ва бир текисликда таксимланишини кўзда тулади. Курилма схемасини ўзгартириб устига куриш, бинони бир неча қаватга кўтаришга имкон беради.

Алоҳида курилмаларга таянувчи устига куриш ёки «ичига курилган синч» усули, юкларни мавжуд бинога узатиб бермайди. Бундай курилишни одатда тарихий қимматга эга биноларнинг мавжуд девори устига куриш мумкин бўлмаганда амалга оширилади.

Биноларни кўчириш. Биноларни кўчириш биринчи навбатда шаҳар курилишини яхши меъёрий-режалаштириш ва замон талабига жавоб берувчи кўриниш бериш, шу билан бир вактда транспорт му-

аммоларини ечиш учун кўлланилади. Одатда маълум бир меъморий, тарихий кимматга эга бўлган биноларни майдон ёки йўлларни кенгайтириш максадида кўчирилади. Курилиш ишларини бажариш учун кетадиган сарфларга кўчиришнинг бу тури муҳим таъсир кўрсатади. Кўчиришдан олдин бино пойдевордан кирқиб кўйилади ва кирқиши сатҳида белбоғ тўсиллари билан мустаҳкамланади. Худди шу сатҳда канализация, марказий иситиш тармоқлари ва бошқа тармоқлар узиди кўйилади. Деворлардан оғирлик бино тагига киритилган каттиқ металл рама кўринишидаги таянч курилмаларига узатиб берилади. Таянч рамасининг курилмаси рандбалкалардан — кўндаланг ва ҳаракатланувчи балкалардан (тўсинлардан) ташкил топган. Битта девордаги рандбалкаларни бир-бирлари билан боғлаш учун девор қатламидан кўндаланг планкалар ўтказилиб, уларни балкалар устига пайвандлаб кўйилади. Кўчириш учун йўлларни куриш, бино деворларида ҳар бир йўл аравачалар учун алоҳида туйнукларни тешиш, чакир тошдан йўллар тагига асос тайёрлаш ва рельс йўлларини ўрнатиш керак бўлади. Ундан сўнг аравачалар ўрнатилиб, улар бўйлаб бино тагига ҳаракатланувчи тўсинлар киритилади. Ҳаракатланувчи тўсинларни ўрнатиб бўлиб, деворларга кўндаланг тўсинлар ўрнатилади. Кўндаланг тўсин билан гишт теримининг орасидаги ёрикни коришмани босим остида киритиб бартараф килинади. Кўрсатилган ишларни бажариб бўлиб, бинони аравачаларга ўтказиш амалга оширилади. Бинодан аравачаларга тушадиган босим кўндаланг ва ҳаракатланувчи тўсинлар оралиғига қоқилган пўлат поналар орқали амалга оширилади. Бинони аравачаларга ўтказиб бўлгандан сўнг, йўллар орасидаги устунчалар кўчирилиб олинади ва бинони кўчириш учун тортувчи ва итарувчи жиҳозлар ўрнатилади. Тортувчи жиҳозларга лебёдка, домкрат тиргаклар киради. Биноларни кўчиришга тайёрлаш жараённада янги пойдеворни ўрнатиш ишлари амалга оширилади (3.2-чизма).

Бинонинг олди қисми (фасад) ни таъмирлаш. Ҳар бир шаҳарни жозибали бўлиши ва ўзига хос кўриниши факаттина кўчаларнинг кенглиги ва узунлиги, ноёб муҳандислик иншоотларига эмас, балки бинолар фасадининг кўриниши, уларнинг меъморий безатилишига ҳам боғлик. Шундай қилиб, фасадларни ўз вақтида таъмирлаш шаҳар курилишида энг муҳим масала ҳисобланади. Фасадларни таъмирлашни алоҳида мақсадлардан бири, катта панелли биноларнинг нуқсонларини бартараф этишdir. Фасад пардозидаги нуқсонларга: панеллардаги фасадга чиқиб турадиган ёриклар, металл қисмларини занглашидан келиб чикадиган занг доғлари, плиткалар оралиғидаги чокларни тўлдирилмаганлиги, кошинланган плиткаларни бўшаб қолишлиари киради.

Панелларнинг устки қатламида кўриниб турадиган ёрикларни ўзидан сувни қочирадиган қўшимчалар қўшилган коришма-

ларда текисланади. Коришмага фасад юзасининг рангини ҳисобга олган ҳолда бўёк упалари кўшилади. Занг доғлари зубило (пўлат тош тарацловчи исказа) ёрдамида кетказилади ва занг оқимларни пўлат чўткалар билан тозаланади. Фоваклар, ўтирилишлар (занг доғларини кетказишида) цемент қоришмаси билан тўлдирилиб текисланади. Сопол плиталар билан кошинланган жойларда чоклар мавжуд бўлса, бундай чокларни текислаш учун майдан кумдан тайёрланган қоришка ишлатилади.

Бино ва иншоатларни, қурилмаларнинг қисмларини техник текшириб чиқиши. Курилма қисмларини текшириб чиқиши ва камчикликларини аниқлашдан асосий мақсад нуксонларни бартараф этишdir. Курилма қисмларининг техник ҳолатини текшириб кўришда меъёрий хужжатларга ёки лойиҳага асосланилади. Курилиш мустаҳкамлигини аниқлашда ультраттовуш ва механик ҳаракатланувчи асбоблардан фойдаланилади. Деворларни текшириб кўришда уларнинг ташки ва ички томони текширилади: ёриклар, қавариклар кенглиги ва чукурлиги ўлчанади. Ҳамма нуксонлар 1:100 масштабида тузиладиган чизмада белгиланади. Харитада ҳамма тутун каналлари, газ ва вентиляция каналлари ҳар бир қаватда бутун узунилигича белгиланиб чиқилади. Фишт теришни мустаҳкамлигини аниқлаш учун, фишт ва қоришка лаборатория шароитида текширилади. Устунларни текширишда уларнинг профиллари ва бутун баландлиги бўйлаб кирқими ўлчаб чиқилади. Ёғоч тўсинларда ёғочнинг ҳолати ҳамда уларнинг ташки деворларга таянадиган учлари текширилади; ораёпмаларни фақаттинга чердак томонидан кўриб чиқмасдан, юқори қаватдаги хоналар шиплари ҳам текширилади, бунда сувоқ қатламини уриб кўриб, ажralиб турган қатламлар уриб туширилади. Стропила ва том тўшамасини текширишда стропила курилмаси ва том ўлчамларини ўлчаб, ўлчов планни тузилади. Чизмаларнинг масштаблари: тархлар учун 1 : 100; кирқимлар учун 1 : 100 ва 1 : 50; қисмлар учун 1 : 20 ва 1 : 10 қабул қилинган. Томларни текшириб чиқишида тархда таъмирланиш ёки тўшамани алмаштириш жойлари белгиланиб чиқилади.

Техник мухандислик текшириб чиқишидан ташкари, капитал таъмиглаш ва кайта тиклаш учун лойиҳа олди ишлаб чиқариш ва курилиш паспорти тузилади.

Топографик расмга тушириш. Бинога туташадиган майдонларни ободонлаштириш ва ер ости мухандислик тармоқларини таъмиглаш лойиҳасини тузилиш учун керак.

Ўлчов ишлари. Таъмирланадиган уйнинг аниқ чизмада шаклини аниқлаш учун керак бўлади.

Тарихий-меъморий ўрганиб чиқиши. Маълумотнома архив материаларини ўрганиб чиқиши асосида тузилади.

Мұхандислик жиһозлариниң техник үрганиб чиққады. Мұхандислик тармоқларининг чизмалари, шунингдек, топографик расмга тушириш чизмалари үрганиб чиқылады. Мұхандислик жиһозларини ҳақиқий фойдаланыш муддатлары мейерий муддатлар билан таққослаб чиқылады. Лойихалашни тайёрлаш боскичда ишлаб чиқылған ҳужжатта материалларнинг мажмуси капитал таъмирлаш, янгилаш ва кайта куриш лойихаси учун бошланғич мағлумоттар ҳисобланады.

Лойиханы тасдиқлашып мұвоғиқлаштырыш көтма-кеттегі. Бино да иншоотларни капитал таъмирлаш муддаты ҳажмий-режалаштырыш билан анықланады. Лойиханың техник ҳужжатлары ёнғинга қарши бошқарма, давлат автоинспекциясы, сув, электр канализация бүйіч бағдарламалар хамда буюртмачы да ишларни бажарувчи пудратчи ташкілоттар томонидан мұвоғиқлаштырылады. Лойиха да ҳисабномаларға үзгәртириш және күшімчалар киритиш факаттана техник ҳужжаттың тузувчи лойиха ташкілоти томонидан амалға оширилиши мүмкін.

ЎЗИНИ-ЎЗИ ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ БҮЙИЧА ЖАВОБЛАР КАЛИТИ

1) 1.А 2) 1.Д 3) 1.А 4) 1.Б 5) 1.А
2.В 2.В 2.А 2.А 2.В
3.В 3.Б 3.А 3.В 3.Г
4.Б

6) 1.Б 7) 1.А 8) 1.А 9) 1.А 10) 1.В
2.А 2.Б 2.Д 2.Д 2.Б
3.В 3.А 3.А 3.А

11) 1.А 12) 1.А 13) 1.В 14) 1.А 15) 1.Г
2.В 2.Д 2.В
3.В 3.А
4.А

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ю.И. Беляков, А.В. Резуник, Н.М. Федосенко «Строительные работы при реконструкции предприятий» М., «Стройиздат» 1988 г.
2. П.И.Филимонов. Технология и организация ремонтно-строительных работ. М., «Высшая школа», 1988 г.
3. Н.А.Смирнов, Н.Г.Алмосов, С.А.Заварзин. Технология и организация строительного производства. Л., «Стройиздат», 1984 г.
4. СНиП III-4-84. Техника безопасности в строительстве.
5. Производство ремонтно-строительных работ. Справочное пособие. Л., «Стройиздат», 1989 г.
6. П.Г.Буга. Гражданские, промышленные и сельско-хозяйственные здания. М., «Высшая школа», 1987 г.
7. А.В.Резуник, Ю.И.Беляков. Технология и комплексная механизация строительно-монтажных работ. Киев, «Выща школа», 1987 г.
8. Н.Н.Данилов, С.Н.Булгаков, М.П.Зимин. Технология и организация строительного производства. М., «Стройиздат», 1988 г.
9. В.А.Неслов. Гражданские здания. М., «Стройиздат», 1988 г.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1. Үй-жой ва жамоат биноларидан фойдаланиши, уларни тъмърлаш	4
1.1. Бино қисмлари тўғрисида умумий тушунчалар	4
1) Бино қисмлари тўғрисида умумий тушунчалар мавзуси бўйича саволлар	7
2. Курилиш ва қайта тиклаш ишлари технологияси	8
2) Курилиш ва қайта тиклаш ишлари технологияси мавзуси бўйича саволлар	8
3. Бино курилмаларини кўчириши ва бузиш	9
3) Бино курилмаларини кўчириши ва бузиш мавзуси бўйича саволлар	10
4. Курилмаларни бузиш усуслари	10
4) Курилмаларни бузиш усуслари мавзуси бўйича саволлар	15
4.1. Қайта тикланадиган корхоналардаги курилмаларни бузиш усуслари	16
4.2. Ўйлар, туйнуклар барпо қилиш усуслари ва бино қисмларини ажратиш	24
5. Қисмларни бузиш ва кўчиришда техника хавфсизлиги	29
6. Мавжуд устун ва жиҳозлар остидаги пойдеворларни мустаҳкамлаш, янгисини барпо этиш	32
6.1. Умумий ҳолатлар	32
5) Мавжуд устун ва жиҳозлар остидаги пойдеворларни мустаҳкамлаш, янгисини барпо этиш мавзуси бўйича саволлар	32
6.2. Пойдевор асосларини кучайтириш	33
6.3. Мавжуд пойдеворларни кучайтириш	37
6.4. Мавжуд пойдеворларни кўчириши ва янги пойдеворларни ўрнатиш	44
6.5. Ишларни бажаришга тайёргарлик	45
6.6. Янги пойдеворларни барпо этиш	48
6.7. Пойдевор ва бошқа ер ости курилмаларини сувдан муҳофаза қилиш усувлари	53
7. Мавжуд пойдеворларни кучайтириши ва янгисини барпо этишида тупроқ ишларини бажарини	56

6) Мавжуд пойдеворларни кучайтириш ва янгисини барпо этишда тупроқ ишларини бажариш мавзуси бўйича саволлар	57
7.1. Тор жойларда котлован ва траншеяларга ишлов бериш технологияси	57
7.2. Тупрокка ишлов бериш ва юзаларини текислаш	58
7.3. Котлован ва траншеяларнинг нишабларини мустахкамлаш	58
8. Мавжуд пойдеворларни мустаҳкамлаш ва янгисини барпо этишда техника хавфсизлиги	72
7) Мавжуд пойдеворларни мустаҳкамлаш ва янгисини барпо этишда техника хавфсизлиги мавзуси бўйича саволлар	74
9. Ер ости тармоқларини ётқизиш технологияси	74
8) Ер ости тармоқларини ётқизиш технологияси мавзуси бўйича саволлар	75
9.1. Тор жойларда ер ости тармоқларини кўзга кўринмайдиган усул билан ётқизиш	76
9.2. Ер ости тармоқларини ёпик усул билан ётқизиш	80
10. Ер ости тармоқларини ётқизишда техника хавфсизлиги	83
9) Ер ости тармоқларини ётқизишда техника хавфсизлиги мавзуси бўйича саволлар	84
11. Саноат бинолари полларининг тагига бетон асос тайёрлаш	84
10) Саноат бинолари полларининг тагига бетон асос тайёрлаш мавзуси бўйича саволлар	85
11.1. Қайта тикланувчи бино полларининг тагига бетон асос тайёрлаш	85
11) Қайта тикланувчи бино полларининг тагига бетон асос тайёрлаш мавзуси бўйича саволлар	90
12. Бино қисмларини йиғиш ва кўчириш	90
12) Бино қисмларини йиғиш ва кўчириш мавзуси бўйича саволлар	91
12.1. Ишларни бажаришга тайёргарлик	92
13. Биноларни қайта тиклашда йиғувчи механизмлардан фойдаланиш	93
13) Биноларни қайта тиклашда йиғувчи механизмлардан фойдаланиш мавзуси бўйича саволлар	96
13.1. Оддий юк кўтариш мосламалари ва такелаж жиҳозлари	97
14. Ораёпмаларни қайта тиклаш	98
14) Ораёпмаларни қайта тиклаш мавзуси бўйича саволлар	113
15. Том тўшамаларини қайта тиклаш	113
15) Том тўшамаларини қайта тиклаш мавзуси бўйича саволлар	113
16. Курилмаларни вертолётлардан фойдаланган ҳолда йиғини ва кўчириши	114
17. Йиғиш ва кўчириши ишларини бажаришда техника хавфсизлиги	114
18. Саноат корхоналарини қайта курашда меҳнат унумдорлигини ошириши йўллари	115

Иловалар. Технологик харита қисмларини чизмаларда ифодаланиши ва бажариладиган ишларниң изохи	117
<i>1-илюстрация. Технологик харита қисмлари</i>	118
<i>2-илюстрация. Технологик харита қисмларидаги бажариладиган ишлар ҳажмларини ҳисоблаш</i>	133
<i>3-илюстрация. Қайта түкласш таъмирлаш ишларини бажарыпда мөмкіншілдегі жүйелер</i>	139
Ўзини-ўзи текшириш саволлари бўйича жавоблар калити	145
Фойдаланилган адабиётлар	146

СУРЪАТ АБДУНАЗАРОВИЧ СОҲИБНАЗАРОВ

ҚУРИЛИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(Касб-хунар колледжлари учун дарслик)

Toшкент — «Мехнат» нашиёти — 2001

Мухаррир *A.Мадраҳимов*

Рассом *Ш.Хўжалев*

Бадиий мухаррир *Ҳ.Кутлуков*

Техник мухаррир *Н.Сорокина*

Мусаҳиха *Ф.Темирхўжаева*

2001 йил 26 ноябрда босишга руҳсат этилди. Бичими 60x84¹/₁₆. № 1 коғозга оғсет
усулида чоп этилди. Шартли босма табоби 10,5. Нашр табоби 17,0. 10000 нусха.

Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № К3345

«Мехнат» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-йй.
Шартнома № 63-2001.

Андаза нускаси «Мехнат» нашриётининг компьютер бўлимида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ижарадаги Тошкент матбаа
комбинатида чоп этилди. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

**Сохібназаров С.А. Курилиш ва қайта түклаш
С85 технологияси: (Касб-хунар колледжлари учун
дарслык). —Т.: «Мехнат», 2001. - 152 б.**

ББК 38.6я722

«MEXHAT»